

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

34-сон
(1002)
2021 йил
август

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

499. «Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 августдаги ўРҚ–710-сон Қонуни
500. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 августдаги ўРҚ–711-сон Қонуни
501. «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолияти такомиллаштирилаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 27 августдаги ўРҚ–712-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

502. «Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-

- тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги ПФ-6300-сон Фармони
503. «Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 августдаги ПҚ-5227-сон қарори
504. «Сурхондарё вилоятида қулай инвестиция муҳитини яратиш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 августдаги ПҚ-5228-сон қарори
505. «Халқаро кулолчилик форуми ва кулолчилик маҳсулотлари кўرғазма-савдосини ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 августдаги ПҚ-5229-сон қарори
506. «Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарларининг уларга юкланган вазифаларни бажаришда шахсий масъулиятини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 августдаги ПҚ-5230-сон қарори
507. «Кўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 августдаги ПҚ-5231-сон қарори
508. «Умумий овқатланиш ва туризм соҳаларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги ПҚ-5232-сон қарори
509. «Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги ПҚ-5233-сон қарори
510. «Сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича махсус режимни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 августдаги ПҚ-5234-сон қарори
511. «Жиззах шаҳрида Қозон Федерал университети филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 августдаги ПҚ-5237-сон қарори
512. «Тошкент шаҳрида «С.А. Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институти» федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 августдаги ПҚ-5238-сон қарори

Бешинчи бўлим

513. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2021 йил 29 июлдаги 01-236-сон «Тошкент

тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига номзодларни қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2496-1*)

514. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2021 йил 25 августдаги 40-202/Б-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 27 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3238-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

499 Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 27 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 29 майда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши якка тартибдаги тадбиркор бўлмаган жисмоний шахслар ўртасида, хусусий мулк ҳуқуқи асосида жисмоний шахсларга тегишли бўлган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар бўйича тузиладиган битимларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2-модда. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисидаги қонунчилик

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

асиллик даражаси — кимёвий жиҳатдан соф қимматбаҳо металл оғирлик бирликларининг қимматбаҳо металл қотишмасининг бир минг оғирлик бирлигидаги миқдори;

асиллик даражасини аниқлаш — қимматбаҳо металллардан ясал-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 августда эълон қилинган.

ган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг асиллик даражасини белгиланган усуллар орқали аниқлаш ёки тасдиқлаш;

аффинаж корхоналари — қазиб олинган рудалардан, концентратлардан ва ярим тайёр маҳсулотлардан, шунингдек таркибида қимматбаҳо металллар бўлган парчалардан ҳамда чиқиндилардан қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш ва (ёки) қимматбаҳо металлларни аффинаж қилиш бўйича фаолиятни лицензия асосида амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари (бундан яқка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлар мустасно);

ёмби — қимматбаҳо металл минерал-хом ашёсидан ажратиб олинган, 0,3 граммдан ортиқ оғирликка эга бўлган қимматбаҳо металлнинг табиий ҳосиласи (донаси, зарраси);

заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчилар — қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ҳамда бошқа буюмларни ясаш фаолиятини олиб борувчи юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;

стандарт қўймалар — Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлари талабларига, Лондон қимматбаҳо металллар бозори уюшмасининг (Лондон палладий ва платина бозорининг) ёки товар-хом ашё биржаларининг талабларига мувофиқ бўлган аффинаж қилинган қимматбаҳо металллар қўймалари;

таркибида қимматбаҳо металллар бўлган парчалар ва чиқиндилар — ўзининг истеъмол ва (ёки) функционал хусусиятларини йўқотган буюмлар, шу жумладан уларнинг таркибий қисмлари, тузатиб бўлмайдиган яроқсиз маҳсулот, шунингдек ишлаб чиқариш ҳамда фойдаланиш жараёнида ҳосил бўлган, таркибида қимматбаҳо металллар бўлган хом ашёнинг, материалларнинг, хомаки маҳсулотларнинг ва маҳсулотларнинг қолдиқлари;

Ўзбекистон Республикаси Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар давлат фонди — Ўзбекистон Республикасининг молиявий, ишлаб чиқариш, илмий, ижтимоий-маданий ва бошқа эҳтиёжларини таъминлаш учун мўлжалланган фонд;

ўлчовли қўймалар — Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлари ёки қўймаларни ишлаб чиқарувчи давлатнинг норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган аффинаж қилинган қимматбаҳо металллар қўймалари;

қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар — зеб-зийнат, майший ҳамда диний ашёлар сифатида қўлланиладиган, қимматбаҳо металллардан ва уларнинг қотишмаларидан ясалган ҳамда ушбу Қонунда белгиланган энг паст асиллик даражаларидан кам бўлмаган асиллик даражаларига эга бўлган, шу жумладан безакли ишлов беришнинг ҳар хил турларидан фойдаланилган, қимматбаҳо тошлар ва бошқа материаллар ўрнатилган ёки ўрнатилмаган ҳолда ясалган буюмлар ёхуд табиий ёки сунъий материаллардан ясалган, безакли ишлов беришнинг ҳар хил турларидан фойдаланилган,

қимматбаҳо тошлар ўрнатилган ҳолда ясалган буюмлар. Қимматбаҳо металллардан тайёрланган пул белгилари, стандарт ва ўлчовли қўймалар, шунингдек қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган давлат мукофотлари, мукофот белгилари ва спорт мукофотлари қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларга кирмайди;

қимматбаҳо металлларни аффинаж қилиш — ажратиб олинган қимматбаҳо металлларни уларга физик ва кимёвий ишлов бериш усуллари қўллаган ҳолда аралашмалардан ҳамда қўшилиб чиқадиган компонентлардан тозалаш жараёни бўлиб, у қимматбаҳо металлларни Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларига ёки аффинаж қилинган қимматбаҳо металлларга оид халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифат даражасига етказишга қаратилган;

қимматбаҳо металллар таҳлили — буюм ясалган қимматбаҳо металлнинг ва қимматбаҳо металллар қотишмасининг кимёвий таркибини, шу жумладан унинг бузилишини назарда тутувчи усулларни қўллаш йўли билан аниқлаш;

қимматбаҳо металллар — ҳар қандай кўриниш ва ҳолатдаги, шу жумладан ёмби ва аффинаж қилинган ҳолатдаги, шунингдек хом ашёдаги, қотишмалардаги, хомаки маҳсулотлардаги, саноат маҳсулотларидаги, кимёвий бирикмалардаги, қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлардаги, қимматбаҳо металллардан тайёрланган пул белгиларидаги, ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол парчаларидаги ва чиқиндиларидаги олтин, кумуш, платина ҳамда платина гуруҳига кирувчи металллар (палладий, иридий, родий, рутений ва осмий);

қимматбаҳо тошлар — табиий олмослар, ёқутлар, зумрадлар, сапфирлар, александритлар, хом (табиий) ва ишлов берилган тарздаги табиий марварид. Қаҳрабонинг ноёб ҳосилалари қимматбаҳо тошларга тенглаштирилади;

қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқариш — қазиб олинган рудалардан, концентратлардан, бошқа ярим тайёр маҳсулотлардан, таркибида қимматбаҳо металллар бўлган парчалардан ҳамда чиқиндилардан қимматбаҳо металлларнинг ажратиб олиниши, шунингдек қимматбаҳо металлларнинг аффинаж қилиниши;

қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш (уларга ишлов бериш) — ишлаш муддатини ўтаб бўлган ёки фойдаланишдан чиқарилган техник буюмлардан, шунингдек таркибида қимматбаҳо металллар бўлган парчалардан ва чиқиндилардан Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлари талабларига ёки аффинаж қилинган қимматбаҳо металллар бўйича халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифат даражасига етказишга қаратилган механик, кимёвий ҳамда металлургия жараёнларидан фойдаланган ҳолда қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш;

қимматбаҳо металлларни қазиб олиш — таркибида қимматбаҳо ме-

таллар бўлган концентратларни ва бошқа ярим тайёр маҳсулотларни олиш учун туб (рудали), сочма конлардан ва техноген минерал ҳосилалардан қимматбаҳо металлларни ажратиш олиш билан боғлиқ ишлар мажмуи;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш — миқдор ва сифат жиҳатидан саноат усулида қазиб олиш объектлари бўлмаган ер қаъри участкаларида, шу жумладан сочма олтин участкаларида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни тадбиркорлик таваккалчилиги асосида қазиб олиш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни саноат усулида қазиб олиш — миқдор ва сифат жиҳатидан саноат усулида қазиб олиш объектлари бўлган, таркибида фойдали қазилмалар мавжуд бўлган ер қаъри участкаларида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни қазиб олиш;

қимматбаҳо тошларни рекулперация қилиш — ишлаш муддати-ни ўтаб бўлган ёки фойдаланишдан чиқарилган асбоблар ва бошқа техник буюмлардан, шунингдек таркибида қимматбаҳо тошлар бўлган чиқиндилардан кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлари талабларига ёки халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифат даражасига етказган (тозаллаган) ҳолда қимматбаҳо тошларни ажратиш олиш;

қимматбаҳо тошларнинг чиқиндилари — таркибида ҳар қандай кўринишдаги ва ҳолатдаги қимматбаҳо тошлар мавжуд бўлган, қимматбаҳо тошларга ишлов бериш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнида ҳосил бўлган чиқиндилар;

қимматбаҳо тошларни қазиб олиш — туб (рудали) ва сочма конлардан қимматбаҳо тошларни ажратиш олиш, шунингдек қимматбаҳо тошларни саралаш, бирламчи таснифлаш ва дастлабки баҳолаш билан боғлиқ бўлган ишлар мажмуи;

қимматбаҳо тошларни саралаш ва бирламчи таснифлаш — бойитиш жараёнининг якунловчи қисми бўлиб, у намунавий нусхалар ва таснифлагичларнинг тасдиқланган тўпламлари асосида минерал-хом ашёдан ажратиш олинган қимматбаҳо тошларни ажратиш, шунингдек уларни жаҳон бозорида қабул қилинган навларга мос келадиган алоҳида навларга ажратиш имконини беради;

қимматбаҳо тошларни бирламчи баҳолаш — бойитиш жараёнининг якунловчи қисми бўлиб, у қимматбаҳо тошлар нархларининг преискуртанлари асосида қимматбаҳо тошларни баҳолашни таъминлайди;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни тамғалаш — қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларга текшириш ва (ёки) таҳлил қилиш натижалари асосида давлат асиллик даражаси тамғаси изини ёки белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгисини қўйиш жараёни.

4-модда. Қимматбаҳо металлларнинг ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳаси

Қимматбаҳо металлларнинг ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасига таркибида қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошлар бўлган ер қабри участкаларини геологик жиҳатдан ўрганиш ва қидириш, ушбу металллар ҳамда тошларни қазиб олиш, ишлаб чиқариш, шунингдек қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операциялар мажмуини амалга ошириш киради. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операциялар жумласига:

қимматбаҳо металлларни ва қимматбаҳо тошларни реализация қилиш — қимматбаҳо металлларга ва қимматбаҳо тошларга, улардан ясалган маҳсулотларга (буюмларга), шунингдек қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндиларига ҳамда қимматбаҳо тошлар чиқиндиларига бўлган мулк ҳуқуқининг ҳамда бошқа мулкый ҳуқуқларнинг ўтишида, шу жумладан улардан гаров сифатида фойдаланилишида ифодаланадиган ҳаракатлар;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ишлаб чиқариш, илмий ва ижтимоий-маданий мақсадларда фойдаланиш;

қимматбаҳо металлларни қазиб олиш, ишлаб чиқариш (аффинаж қилиш), кейинчалик қайта ишлаш (уларга ишлов бериш) ҳамда улардан фойдаланиш чоғида ҳар қандай моддалардаги ва материаллардаги қимматбаҳо металлларнинг ҳамда қимматбаҳо тошларнинг физик ҳолатини ёки таркибини ўзгартириш;

қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндиларини ҳамда қимматбаҳо тошлар чиқиндиларини тайёрлаш;

қимматбаҳо металлларни ва қимматбаҳо тошларни ҳамда улардан ясалган маҳсулотларни (буюмларни) ташиш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни, улардан ясалган маҳсулотларни (буюмларни) сақлаш жойларига, фондларга ва захираҳоналарга олиб ўтиш, шунингдек қимматбаҳо металлларни ҳамда қимматбаҳо тошларни сақлаш ва кўргазмага қўйиш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни, улардан ясалган маҳсулотларни (буюмларни), шунингдек таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган парчаларни, чиқиндиларни ҳамда хом ашёни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш киради.

2-боб. Қимматбаҳо металлларнинг ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**5-модда. Қимматбаҳо металлларнинг ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасини давлат томонидан тартибга солишни амалга ошириш**

Қимматбаҳо металлларнинг ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши

соҳасини давлат томонидан тартибга солиш қўйидагилар орқали амалга оширилади:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига доир рухсатномалар бериш;

қимматбаҳо металлларни аффинаж қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш;

қазиб олинаётган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни Ўзбекистон Республикасининг Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар давлат фонди учун сотиб олишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металллардаги активларини шакллантириш ҳамда тўлдиришга доир устувор ҳуқуқни амалга ошириш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни ҳисобга олишга, сақлашга, ташишга ҳамда улар бўйича ҳисоботлар беришга доир талабларни, шунингдек қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширишнинг ягона тартибини белгилаш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларининг ҳаракатларини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш;

ер қаъри участкаларини геологик жиҳатдан ўрганиш ва қидириш, қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошларни қазиб олиш устидан ваколатли давлат органлари томонидан давлат назоратини амалга ошириш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг ишлаб чиқарилиши, фойдаланилиши ҳамда реализация қилиниши устидан ваколатли давлат органи томонидан асиллик даражаси назоратини ўтказиш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартибини белгилаш;

аффинаж корхоналари фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш;

қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг асиллик даражасини аниқлаш ва уларни тамғалаш устидан давлат назоратини ўрнатиш.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди ҳамда қўйидагиларнинг тартибини белгилайди:

таркибида қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошлар бўлган ер қаъри участкаларини геологик жиҳатдан ўрганиш ва қидириш;

таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган хом ашёни қазиб олиш, шунингдек қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошларнинг парчаларини ва чиқиндиларини ҳамда қимматбаҳо тошлар чиқиндиларини тайёрлаш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш бўйича фаолиятни амалга оширишга рухсат бериладиган ер қаъри участкаларининг ҳар йилги рўйхатини тасдиқлаш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни саноат усулида қазиб олиш;

ишлатиб бўлинган ерларни рекультивация қилиш, уларни маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг захира фондига қайтариш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун ер қаъри участкаларини электрон аукцион орқали реализация қилиш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига доир рухсатномалар бериш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш бўйича фаолиятни амалга ошириш;

ер қаъри участкаларини геологик жиҳатдан ўрганиш ва қидириш, қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошларни қазиб олиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

қимматбаҳо металллар ёмбиларини, қимматбаҳо тошларни ва қаҳрабо ҳосилаларини ноёб тоифасига киритиш;

аффинаж корхоналарининг ишини ташкил этиш;

қимматбаҳо металлларни аффинаж қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш;

қимматбаҳо металллардан тайёрланган ўлчовли қўймаларни сотиб олиш ва сотиш;

қимматбаҳо металллар массаси номиналида кўрсатиладиган давлат қимматли қоғозларини чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомалада бўлиши;

қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни ясаш бўйича фаолиятни амалга ошириш, шунингдек қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш;

қимматбаҳо металлларнинг асиллик даражасини аниқлаш, улардан намуналар олиш, уларни таҳлил қилиш, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларни тамғалаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат асиллик даражалари тамғалари изларининг ва заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар шахсий тамғаларининг техник экспертизасини ўтказиш;

қимматбаҳо тошларни саралаш, бирламчи таснифлаш ва дастлабки баҳолаш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни, улардан ясалган маҳсулотларни (буюмларни), таркибида қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошлар бўлган парчаларни, чиқиндиларни ва хом ашёни ҳисобга олиш, сақлаш ва ташиш;

олиб қўйилган ҳамда давлат даромадига ўтказилган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни, улардан ясалган маҳсулотларни (буюмларни) реализация қилиш;

биржаларда қимматбаҳо металллар билан боғлиқ битимларни амалга ошириш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни, улардан ясалган маҳсулотларни (буюмларни), таркибида қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошлар бўлган парчаларни, чиқиндиларни ва хом ашёни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда унинг ҳудудидан олиб чиқиш, шунингдек уларни реализация қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар давлат фондини шакллантириш, унинг қимматликларини реализация қилиш ва улардан фойдаланиш;

қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг асиллик даражасини аниқлаш ва уларни тамғалаш тартибини бузганлик учун молиявий санкцияларни қўллаш;

асиллик даражаси тўловини ундириш ва унинг миқдорларини белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси:

таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш чоғида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишни амалга оширади;

қимматбаҳо металлларни ва қимматбаҳо тошларни қазиб олиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш бўйича фаолиятни амалга оширишга рухсат бериладиган ер қаъри участкаларининг ҳар йилги рўйхатини тасдиқлайди;

қимматбаҳо металлларни ва қимматбаҳо тошларни саноат усулида ҳамда олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир талабларни белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларини келишиб олади;

республиканинг минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш дастурлари доирасида қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошлар конларини қидириш бўйича лойиҳаларни амалга оширади;

қимматбаҳо металлларни ва қимматбаҳо тошларни саноат усулида ҳамда олтин изловчилар усулида қазиб олувчи субъектларга таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига доир рухсатнома беради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикасининг Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар давлат фондини шакллантиради;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларга доир талабларни белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларини келишиб олади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан асиллик даражасининг давлат назоратини амалга ошириш доирасида давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлар, шунингдек устав фондида (устав капиталида) 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга бўлган юридик шахслар фаолиятини назорат қилиш ҳамда текширувлар ўтказишга доир тадбирларнинг режа-жадвалини тасдиқлайди;

жаҳон бозорида минерал-хом ашёнинг шунга ўхшаш навларини баҳолаш учун қўлланиладиган нархлардан келиб чиққан ҳолда қимматбаҳо тошлар нархлари прејскурантини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қимматбаҳо металлларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

қимматбаҳо металллардаги активларни тўлдириш учун давлатнинг аффионаж қилинган қимматбаҳо металлларни сотиб олишга бўлган устувор ҳуқуқини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан сотуви йўлга қўйилган қимматбаҳо металллардан тайёрланган пул белгилари ва қўймаларнинг нархларини жаҳон бозорида шаклланган нархлардан келиб чиққан ҳолда белгилайди;

банклар томонидан қимматбаҳо металллар билан операцияларни амалга ошириш, шу жумладан қимматбаҳо металлларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда қимматбаҳо металлларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартибини белгилайди;

қимматбаҳо металллардан тайёрланган пул белгиларини ва қимматбаҳо металллардан тайёрланган қўймаларни муомалага чиқаради;

қимматбаҳо металллардан тайёрланган пул белгиларини сотиб олиш ва сотиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасининг қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси (бундан буён матнда Асиллик даражасини белгилаш палатаси деб юритилади):

қимматбаҳо металлларнинг ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

қимматбаҳо металлларнинг асиллик даражасини аниқлаш, улардан намуналар олиш, уларни таҳлил қилиш, қимматбаҳо тошларнинг хусусиятларини аниқлаш, шу жумладан уларни таснифлаш, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларни тамғалаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат асиллик даражалари тамғалари изларининг ва заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар шахсий тамғаларининг техник экспертизасини ўтказиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг асиллик даражалари аниқланишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси давлат асиллик даражалари тамғалари изларининг, заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий тамғалари изларининг (бундан лазер усулида қўйилган излар мустасно) техник экспертизасини ўтказиш ва улар бўйича хулосалар беради;

қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг ушбу Қонуннинг 36-моддасида белгиланган асиллик даражаларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги устидан давлат назоратини амалга оширади;

қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар асиллик даражасини аниқлаш ва уларни тамғалаш тартибини бузган ҳолда реализация қилаётган тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий санкциялар қўллаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилади;

қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар ушбу Қонуннинг 36-моддасида белгиланган асиллик даражаларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган тақдирда, уларни Ўзбекистон Республикаси давлат асиллик даражаси тамғаси билан тамғалашни амалга оширади;

қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик

ҳамда бошқа буюмларнинг таҳлилини ва техник экспертизасини, шунингдек қимматбаҳо тошларнинг хусусиятларини аниқлашни, шу жумладан уларни таснифлашни амалга оширади;

қимматбаҳо металлларнинг арбитраж таҳлилини ўтказиши;

таркибида қимматбаҳо металллар ёки қимматбаҳо тошлар бўлган археологик ҳамда музей буюмларининг, музей тўпламлари ва архив ҳужжатларининг техник экспертизасини ўтказиши;

асиллик даражаси реактивларини тайёрлайди;

қимматбаҳо металлларни аффинаж қилиш бўйича фаолиятни лицензиялашни амалга оширади;

асиллик даражасининг давлат назоратини амалга оширади.

Асиллик даражасини белгилаш палатаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Асиллик даражасининг давлат назорати

11-модда. Асиллик даражасининг давлат назоратини амалга ошириш

Асиллик даражасини белгилаш палатаси қуйидагилар устидан асиллик даражасининг давлат назоратини амалга оширади:

аффинаж корхоналар фаолияти устидан;

қимматбаҳо металлларнинг ва қимматбаҳо тошларнинг ишлаб чиқарилиши, қайта ишланиши, улардан фойдаланилиши, реализация қилиниши, уларнинг сақланиши ҳамда ҳисобга олиниши устидан;

қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган, реализация қилинаётган заргарлик ҳамда бошқа буюмларда асиллик даражалари тамгаларининг излари мавжудлиги устидан;

қимматбаҳо металлларнинг ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги талабларнинг юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан бажарилиши устидан;

қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш устидан.

Асиллик даражасини белгилаш палатаси устав фондида (устав капиталида) 50 фоиздан кам давлат улушига эга бўлган тадбиркорлик субъектларида назорат тадбирларини ўтказишни, шунингдек улар ушбу Қонун талабларига риоя этишини текширишни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишган ҳолда амалга оширади.

12-модда. Асиллик даражасини белгилаш палатаси ваколатли шахсларининг асиллик даражасининг давлат назоратини амалга ошириш чоғидаги ҳуқуқлари

Асиллик даражасини белгилаш палатасининг ваколатли шахслари асиллик даражасининг давлат назоратини амалга ошириш чоғида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

юрidik шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан текширув ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган ахборот ҳамда ҳужжатларни, шунингдек ёзма ва оғзаки шаклдаги тушунтиришларни сўраш ва олиш;

қимматбаҳо металлларнинг ва қимматбаҳо тошларнинг муомаллада бўлиши соҳасидаги ўз фаолиятини амалга ошираётганда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан фойдаланиладиган ҳудудларга, биноларга, иншоотларга, хоналарга ҳамда бошқа объектларга хизмат гувоҳномасини ва текширув ўтказиш учун асос бўлувчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини кўрсатган тақдирда монеликсиз кириш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни, улардан ясалган маҳсулотни (буюмларни), шунингдек қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндилари ҳамда қимматбаҳо тошлар чиқиндиларини қабул қилишни, жўнатишни, улардан намуналар олишни, уларнинг кимёвий таҳлилларини ўтказишни ҳамда уларни сақлашни амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ишлаб чиқариш бўлинмаларини текширувдан ўтказиш, айланиб чиқиш ва кўздан кечириш;

қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан маҳсулот (буюмлар) ишлаб чиқариш технологик жараёнининг текширувини ўтказиш;

таҳлил, диагностика ҳамда техник экспертиза ўтказиш учун қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар ҳамда улардан ясалган маҳсулотлардан (буюмлардан) намуналар (пробалар) олишни амалга ошириш;

қимматбаҳо металлларни ва қимматбаҳо тошларни, улардан ясалган маҳсулотни (буюмларни), шунингдек қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндилари ҳамда қимматбаҳо тошлар чиқиндиларини қабул қилиш, сарфлаш, ҳисобга олиш ва сақлаш ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган бухгалтерия ҳужжатларини, техник ва бошқа ҳужжатларни текшириш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни, шунингдек улардан ясалган маҳсулотни (буюмларни) инвентаризациядан ўтказиш ташаббуси билан чиқиш;

қимматбаҳо металлларнинг барча турдаги парчалари ва чиқиндиларининг тўлиқ ҳисобга олиниши, тўпланиши, уларга дастлабки ишлов берилиши ҳамда уларнинг ўз вақтида топширилиши таъминланишини текшириш;

қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг асиллик даражасини аниқлаш ва уларни тамғалаш бўйича қонунчилик талабларига риоя этилишини текшириш;

юрidik шахсларга ва якка тартибдаги тадбиркорларга аниқланган қоидабузарликларни, уларни келтириб чиқарган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни бериш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилганлиги билан боғлиқ бўлган материалларни қонунчиликка мувофиқ чоралар кўриш учун тегишли ваколатли органларга юбориш.

13-модда. Асиллик даражасининг давлат назоратини амалга ошириш чоғида текширув ўтказиш асослари

Асиллик даражасининг давлат назоратини амалга ошириш чоғида текширув ўтказиш учун асослар қуйидагилардан иборат:

давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлар, шунингдек устав фондида (устав капиталида) 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга бўлган юридик шахслар фаолияти устидан асиллик даражасининг давлат назоратини амалга оширишга доир тадбирларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган режа-жадвали;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисидаги қонунчиликнинг тадбиркорлик субъекти томонидан бузилишлари содир этилиши хавфи даражасидан келиб чиққан ҳолда, текширувлар ўтказиш ташаббуси билан чиқишни тақозо этувчи «хавфни таҳлил этиш» тизимини қўллаш натижалари;

жисмоний ва юридик шахслардан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиши фактлари тўғрисида муροжаатлар келиб тушиши.

Асиллик даражасини белгилаш палатаси жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ҳамда оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан риюя этилиши устидан мониторинг ва назоратни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ҳамда оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда таъминлайди.

14-модда. Қимматбаҳо металлларни саноат усулида қазиб олишни амалга оширувчи юридик шахсларнинг аффинаж қилишга доир фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби

Қимматбаҳо металлларни саноат усулида қазиб олишни амалга оширувчи юридик шахсларнинг (мулкчилик шаклидан қатъи назар) аффинаж қилишга доир фаолияти устидан давлат назорати мазкур юридик шахсларнинг ишлаб чиқариш объектларида қимматбаҳо металлларнинг ишлаб чиқарилиши, қайта ишланиши, улардан фойдаланилиши, реализация қилиниши, уларнинг сақланиши ва ҳисобга олиниши устидан назорат тадбирларини ўтказиш йўли билан таъминланади.

Қимматбаҳо металлларни саноат усулида қазиб олишни амалга оширувчи юридик шахсларда аффинаж қилишга доир фаолиятнинг давлат назорати ушбу юридик шахсларнинг тегишли таркибий бўлинмаларига нисбатан назоратни ўтказишга доир тадбирларнинг режа-жадвали асосида амалга оширилади.

Қимматбаҳо металлларни саноат усулида қазиб олишни амалга оширувчи

юримдик шахсларда аффинаж қилишга доир фаолиятнинг давлат назоратини амалга оширишда Асиллик даражасини белгилаш палатасининг ваколатли шахслари:

қимматбаҳо металлларни қабул қилишни, жўнатишни, улардан намуналар олишни, уларнинг кимёвий таҳлилларини ўтказишни, уларни сақлашни, ишлаб чиқаришни (аффинаж қилишни), аффинаж қилинган қимматбаҳо металллардан маҳсулот (буюмлар) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи ишлаб чиқариш бўлинулларини текширувдан ўтказишга, айланиб чиқишга ва кўздан кечиришга;

қайта ишлашнинг барча технологик жараёнларида ва қайта ишлаш босқичларида (операцияларда, жараёнларда) қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқаришнинг технологик ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини текширишга;

қимматбаҳо металлларни олиш, сарфлаш, ҳисобга олиш, уларнинг ҳаракати ҳамда уларни сақлаш тартибига доир ҳужжатларнинг мавжудлигини ва тўғри юритилишини текширишга;

келиб тушаётган хом ашё, тайёр маҳсулот (буюмлар), қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндилари таркибидаги қимматбаҳо металлларни аниқлаш ишларининг тўғри бажарилаётганлигини текширишга;

таркибида қимматбаҳо металллар бўлган хом ашё билан боғлиқ операцияларнинг тўғри амалга оширилишини текширишга;

қимматбаҳо металлларни ва улардан ясалган маҳсулотларни (буюмларни) олиш, сарфлаш, ҳисобга олиш, уларнинг ҳаракати ҳамда уларни сақлаш тартибига риоя этилишини, шунингдек тегишли ҳисобот юритилишини текширишга;

технологик нормативларга мувофиқ қимматбаҳо металлларни хом ашёдан иложи борича тўлиқ ажратиб олиш таъминланишини текширишга;

қимматбаҳо металлларнинг парчалари ва чиқиндиларини тўлиқ ҳисобга олиш, тўплаш, қайта ишлаш таъминланишини текширишга;

аффинаж қилиниши лозим бўлган хом ашёни етказиб бериш ҳажмини текширишга;

аффинаж ишлаб чиқариши хом ашёсининг қабул қилинишини текширишга, шу жумладан назорат асиллик даражасини аниқлашдан ўтказишга;

қимматбаҳо металлларнинг операциялар бўйича йўқотилишлари нормаларига риоя этилишини текширишга;

аффинаж қилиш натижасида олинган қимматбаҳо металлларнинг қайтарилувчи ва кондицияли чиқиндилари нормативларини текширишга;

аффинаж корхонасида амалда бўлган технология бўйича таркибидан қимматбаҳо металлларни ажратиб олишни амалга ошириш имконияти бўлмаган кондицияли чиқиндиларни ҳисобга олишнинг тўғрилигини солиштириб кўришга (таҳлил қилишга);

қимматбаҳо металлларни инвентаризация қилишга;

қимматбаҳо металлларнинг металлургияга оид баланслари ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилишини текширишга ҳақли.

4-боб. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни қазиб олиш ҳамда ишлаб чиқариш

15-модда. Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш

Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи жисмоний ҳамда юридик шахсларда улар қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан бериладиган тегишли рухсатнома олган пайтдан эътиборан юзага келади.

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни қазиб олишни амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахслар ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи тугаганидан кейин ер қаъри участкаларини рекультивация қилиш ҳамда уларни келгусида фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш юзасидан чоралар кўриши шарт.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни қазиб олишни амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахслар ҳудудида ер қаъри участкалари жойлашган маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ушбу ер қаъри участкаларини рекультивация қилиш ва уларни келгусида фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ўрнини қоплаб беради. Ер қаъри участкаларини рекультивация қилиш ва уларни келгусида фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш тартиби қонунчиликда белгиланади.

Ер қаъри участкаларини қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни қазиб олиш учун геологик жиҳатдан ўрганиш ҳамда қидиришнинг белгиланган тартибини бузганлик ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига доир рухсатноманинг амал қилишини тугатиш ва мазкур фаолият билан шуғулланишни қонунчиликда белгиланган тартибда тақиқлаш учун асос бўлади.

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни қазиб олиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига доир рухсатнома бериш тартиби, ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари ҳамда ер қаъри участкаларидан фойдаланиш оқибатларини тугатишга қаратилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади.

16-модда. Қазиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларга бўлган мулк ҳуқуқи

Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган ер қаъри участкалари Ўзбекистон Республикасининг мулкдир, улардан оқилона фойдаланиш лозим ва улар давлат муҳофазасидадир.

Қонунчиликда белгиланган тартибда қазиб олинган қимматбаҳо метал-

лар ва қимматбаҳо тошлар давлат мулкида, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкида бўлиши мумкин.

Қонунга хилоф равишда қазиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларга бўлган мулк ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасига тегишлидир.

Қонунчиликда белгиланган тартибда қазиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларга бўлган мулк ҳуқуқи давлат томонидан муҳофаза қилинади.

17-модда. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни саноат усулида қазиб олиш

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни саноат усулида қазиб олиш қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни қазиб олиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига доир рухсатнома олган юридик шахслар (бундан буён матнда саноат усулида қазиб олувчи субъектлар деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Саноат усулида қазиб олувчи субъектлар томонидан ер қаъридан қазиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар, худди шунингдек қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни саноат усулида қазиб олиш чоғида қонуний равишда олинган бошқа маҳсулотлар ҳамда даромадлар, агар саноат усулида қазиб олувчи субъектлар томонидан тузилган, маҳсулот тақсимотида оид битимларда, маҳсулот етказиб бериш шартномаларида, шу жумладан товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контрактларида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, саноат усулида қазиб олувчи субъектларнинг мулки ҳисобланади.

18-модда. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига доир рухсатнома олган жисмоний ва юридик шахслар (бундан буён матнда олтин изловчилар усулида қазиб олувчи субъектлар деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига доир рухсатнома электрон аукцион натижаларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан берилади.

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига доир рухсатнома Ўзбекистон Республикаси

фуқароларига ва Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахсларга берилади. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахсларнинг таъсисчиларига (иштирокчиларига) қўйиладиган талаблар қонунчиликда белгиланади.

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсларга (тўлиқ ёки қисман) ўтказишга (беришга), шунингдек ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига доир рухсатномани бир нечта шахсларга беришга йўл қўйилмайди.

Олтин изловчилар усулида қазиб олувчи субъектлар томонидан ер қаъридан қазиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар, бундан қимматбаҳо металлларнинг аффинаж қилинмайдиган ёмбилари ва ноёб қимматбаҳо тошлар мустасно, махсус қабул қилиш кассалари орқали шартномавий нархда қўйидагиларга реализация қилиниши шарт:

қимматбаҳо металллар — аффинаж корхоналарига, шунингдек қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ҳамда бошқа буюмларни ясаш ёки қимматбаҳо металллар билан ишларни амалга ошириш ҳуқуқига эга тадбиркорлик субъектларига;

қимматбаҳо тошлар — қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ҳамда бошқа буюмларни ясаш ёки қимматбаҳо металллар билан ишларни амалга ошириш ҳуқуқига эга тадбиркорлик субъектларига.

Олтин изловчилар усулида қазиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни реализация қилишдан қонуний равишда олинган даромадлар олтин изловчилар усулида қазиб олувчи субъектларнинг мулкидир.

Қазиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни яшириш, шу жумладан уларни олти ой ичида реализация қилмаслик, шунингдек ишларни хавфсиз олиб бориш талабларининг инсонга оғир тан жароҳатлари етказилишига ёки унинг ўлимига сабаб бўлган бузилиши қонунчиликда белгиланган тартибда қимматбаҳо металлларни ва қимматбаҳо тошларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш учун асос бўлади.

19-модда. Аффинаж корхоналари

Қимматбаҳо металлларни аффинаж қилиш бўйича фаолият аффинаж корхоналари томонидан белгиланган тартибда бериладиган лицензия асосида амалга оширилади.

Аффинаж қилинган қимматбаҳо металллар жумласига аффинаж қилиш йўли билан қўйидаги кўрсаткичларга етказилган қимматбаҳо металллар киради:

аффинаж қилинган олтинда — қимматбаҳо металл қотишмасининг бир минг оғирлик бирлиги ҳисобидан келиб чиқиб, 995 оғирлик бирлигидан кам бўлмаган кимёвий жиҳатдан соф қимматбаҳо металл;

аффинаж қилинган кумуш, платина, палладий, родий, рутений, осмийда — қимматбаҳо металл қотишмасининг бир минг оғирлик бирлиги ҳисобидан келиб чиқиб, 999 оғирлик бирлигидан кам бўлмаган кимёвий жиҳатдан соф қимматбаҳо металл;

аффинаж қилинган иридийда — қимматбаҳо металл қотишмасининг бир минг оғирлик бирлиги ҳисобидан келиб чиқиб, 998 оғирлик бирлигидан кам бўлмаган кимёвий жиҳатдан соф қимматбаҳо металл.

Аффинаж корхоналари қўшимча рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтмай қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига берилган хом ашё, маҳсулот (буюмлар), шунингдек таркибида қимматбаҳо металллар бўлган парчалар ва чиқиндилар таркибидаги кимёвий соф қимматбаҳо металлнинг фоизини аниқлаш;

қимматбаҳо металлларни сотиб олиш ва сотиш мақсадида биржа савдоларида иштирок этиш;

қимматбаҳо металлларни, шу жумладан олтин изловчилар усулида қазиб олинган қимматбаҳо металлларни, қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни, қимматбаҳо металлларнинг парчаларини ва чиқиндиларини сотиб олиш;

қимматбаҳо металлларни сотиб олиш ва реализация қилиш пунктларини очиш;

ўзи ишлаб чиқарган ўлчовли қўймаларни жисмоний ва юридик шахсларга реализация қилиш. Бунда қўймаларни реализация қилиш қиймати ишлаб чиқарувчилар томонидан Лондон қимматбаҳо металллар бозори уюшмасининг эрталабки фиксинги баҳосидан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб-китоб амалга ошириладиган кундаги курсидан кам бўлмаган миқдорда мустақил равишда белгиланади.

20-модда. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ҳамда бошқа буюмларни яшаш

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ҳамда бошқа буюмларни яшаш бўйича фаолият қонунчилиқда назарда тутилган хабардор қилиш тартиби асосида амалга оширилади.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ҳамда бошқа буюмларни яшаш учун қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни, шу жумладан олтин изловчилар усулида қазиб олинган қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошларни, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни, заргарлик буюмларининг парчаларини, қимматбаҳо металллардан тиш маҳсулотлар яшаш учун мўлжалланган дискларни, шунингдек уларнинг парчаларини сотиб олишга ҳақли.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчида прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун лицензия бўлса, қимматбаҳо металллар аффинажи бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия олиш талаб этилмайди.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ҳамда

бошқа буюмларни ясаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари ўзлари ишлаб чиқарган заргарлик буюмларининг савдосини амалга оширишга ҳақли. Бунда уларга нисбатан қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар реализацияси бўйича фаолиятни амалга оширувчи шахслар учун белгиланган хабардор қилиш тартиби татбиқ этилмайди.

21-модда. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олишга бўлган устувор ҳуқуқ

Ер қаъри участкаларидан қазиб олинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олишга бўлган устувор ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасига ваколатли давлат органлари тимсолида тегишли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ ноёб тоифасига киритилиши лозим бўлган қимматбаҳо металллар ёмбилари ҳамда қимматбаҳо тошлар саноат усулида ва олтин изловчилар усулида қазиб олувчи субъектлар томонидан ваколатли давлат органига устувор тартибда сотиб олиш учун таклиф этилиши керак.

Агар давлат буюртмаси шартларида бошқача тарзда шартлашилмаган бўлса, саноат усулида қазиб олувчи субъектлар ва аффинаж корхоналари аффинаж қилинган қимматбаҳо металлларни реализация қилишда уларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига унинг қимматбаҳо металллардаги активларини тўлдириш мақсадида устувор тартибда сотиб олиш учун таклиф этади.

Юридик шахслар томонидан қимматбаҳо металлларни давлат эҳтиёжлари учун реализация қилиш бўйича шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганлиги фактлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзининг қимматбаҳо металллардаги активларини тўлдириш мақсадида аффинаж қилинган қимматбаҳо металлларни сотиб олишга бўлган устувор ҳуқуқини амалга оширишдан ёзма равишда воз кечишга ҳақли. Бу ҳолда саноат усулида қазиб олувчи субъектлар ва аффинаж корхоналари аффинаж қилинган қимматбаҳо металлларни биржалар орқали ёки тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилиш ҳуқуқига эга.

Давлатнинг устувор ҳуқуқини амалга ошириш доирасида аффинаж қилинган қимматбаҳо металлларни сотиб олиш халқаро бозорда шаклланган нархлардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилинган нархлар бўйича амалга оширилади, бунда транспорт харажатлари, реализация қилиш харажатлари ҳамда Лондон қимматбаҳо металллар бозори уюшмаси томонидан қўлланиладиган ва мазкур уюшманинг ҳужжатларида «London good delivery» стандарти сифатида белгиланган халқаро сифат стандартларига жавоб бермайдиган аффинаж қилинган қимматбаҳо металл сотиб олинган тақдирда қўлланиладиган сифат учун чегирмалар чиқариб ташланади.

Ноёб тоифасига киритилиши мумкин бўлмаган қимматбаҳо металллар ёмбилари ва ушбу ёмбиларнинг минералогик коллекция намуналари саноат

усулида қазиб олувчи субъектлар ҳамда олтин изловчилар усулида қазиб олувчи субъектлар томонидан қонунчиликка мувофиқ шартномавий нархларда реализация қилиниши мумкин.

Устувор тартибда сотилмай қолган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қимматбаҳо металлларни саноат усулида қазиб олувчи субъектлар ҳамда олтин изловчилар усулида қазиб олувчи субъектлар томонидан реализация қилиниши, шунингдек улардан ўз ишлаб чиқаришида, гаров нарчаси ёхуд бошқа молиявий мажбурият сифатида фойдаланилиши мумкин.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар давлат фонди

Ўзбекистон Республикаси Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар давлат фонди (бундан буён матнда Давлат фонди деб юритилади) қуйидагилар ҳисобига тўлдирилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан харид қилинган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар, шу жумладан ноёб қимматбаҳо металллар ёмбилари ва ноёб қимматбаҳо тошлар;

қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар, улардан ясалган маҳсулот (буюмлар), қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндилари ҳамда қимматбаҳо тошлар чиқиндилари;

жисмоний ва юридик шахслардан сотиб олинган, тарихий, бадий ёки бошқа маданий аҳамиятга эга бўлган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар хазиналари;

эгасиз қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар;

ворислик ва ҳадя ҳуқуқи бўйича давлатга ўтказилган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар;

қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган давлат мукофотлари ва совғалари;

қонунчиликда белгиланган бошқа асослар бўйича Давлат фондига ўтказиладиган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар.

Давлат фондига ўтказилган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар давлат мулки ҳисобланади.

Давлат фондини қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан тўлдириш, шунингдек уларни сарфлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ тегишли йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

Давлат фондига қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни олишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк билан биргаликда амалга оширилади.

Давлат фондига ўтказиладиган қимматликлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан дастлабки экспертизадан ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги молиявий ҳисобот йилида

Давлат фонди қимматликларини тўлдириш ва сарфлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот тақдим этади.

Давлат фондидаги қимматликларни сақлаш, ҳисобга олиш ва сарфлаш тўғрилиги қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан текширилади.

**5-боб. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни
ҳисобга олиш, сақлаш, улардан фойдаланиш ҳамда
уларни реализация қилиш**

**23-модда. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни
ҳисобга олиш ҳамда сақлаш**

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қазиб олинаётганда, ишлаб чиқарилаётганда, улардан фойдаланилаётганда ҳамда улар реализация қилинаётганда ҳисобга олиниши шарт.

Устав фондида (устав капиталида) 50 ва ундан ортиқ фоиз давлат улушига эга бўлган юридик шахслар қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошларни ҳисобга олиш ва сақлашни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади.

Устав фондида (устав капиталида) давлат улушига эга бўлмаган ёки 50 фоиздан кам миқдорда давлат улушига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошларни ҳисобга олиш ва сақлашни мустақил равишда ишлаб чиқилган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича техник ҳужжатлар асосида амалга оширади.

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни ҳисобга олиш ҳамда сақлаш Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган маҳсулотлар (буюмлар) ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларининг ҳуқуқларини бузмайдиган тарзда ташкил этилиши керак.

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни ҳисобга олиш ҳамда сақлаш номи (тури), овирлиги (граммларда, каратларда) ҳамда сифати (асиллик даражаси, таркиби) бўйича ташкил этилади.

Аффинаж қилинган қимматбаҳо металллар, аффинаж қилинмайдиган қимматбаҳо металллар (ёмбилар) ва қимматбаҳо тошлар ўз эгаларида ҳисобга олиниши лозим ҳамда ушбу Қонунга мувофиқ муомалага чиқарилади.

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш натижасида, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни аниқлаган юридик шахслар уларни Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олади.

**24-модда. Қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндилари
ҳамда қимматбаҳо тошларнинг чиқиндилари билан
боғлиқ ишларни амалга ошириш**

Қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошларни ишлаб чиқариш,

уларга ишлов бериш (уларни қайта ишлаш) ва (ёки) улардан фойдаланиш натижасида қайси юридик шахсларда ва якка тартибдаги тадбиркорларда парчалар ҳамда чиқиндилар ҳосил бўлса, қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндилари ҳамда қимматбаҳо тошларнинг чиқиндилари ўша юридик шахсларнинг ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг мулкида, хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувида бўлади.

Қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндилари ҳамда қимматбаҳо тошларнинг чиқиндилари ўзида ҳосил бўладиган юридик шахслар, шу жумладан ҳарбий қисмлар ва ҳарбий тузилмалар уларни тўплашни ҳамда ҳисобга олишни амалга ошириши шарт.

Қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндилари ҳамда қимматбаҳо тошларнинг чиқиндилари:

ўз мулкида, хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувида қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндилари ҳамда қимматбаҳо тошларнинг чиқиндилари бўлган юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ўзининг ишлаб чиқаришида улардан қайта фойдаланиш учун мустақил равишда қайта ишланиши (уларга ишлов берилиши);

қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндиларини ҳамда қимматбаҳо тошларнинг чиқиндиларини тўплаш (тайёрлаш) ва қайта ишлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахсларга қайта ишлаш (ишлов бериш) учун топширилиши мумкин.

Қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндилари аффинаж корхоналарига топширилиши ёки реализация қилиниши мумкин.

Қимматбаҳо тошлар чиқиндилари белгиланган тартибда кейинчалик ишлаб чиқариш ва рекуперация қилиш учун реализация қилиниши мумкин.

Қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндиларини қайта ишловчи корхоналарга топшириш учун тайёрлаш жараёнида ушбу парчалар ва чиқиндилар қимматбаҳо металлларни қоплаб турган материалларни (сопол, пластмасса ва бошқа шу кабиларни) олиб ташлаш учун дастлабки ишловдан ўтказилиши керак.

Қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндиларини ҳамда қимматбаҳо тошларнинг чиқиндиларини қайта ишлаш (уларга ишлов бериш) ушбу Қонунга ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндиларини сотиб олишни (олишни) амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзи олган қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндиларини мустақил равишда қайта ишлашни (уларга ишлов беришни) амалга ошириш, агар улар қонунчиликда белгиланган хабардор қилиш тартиби асосида мазкур фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлса;

қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш (уларга ишлов бериш) учун мазкур фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахсларга топшириш;

қимматбаҳо металллар парчалари ва чиқиндиларини аффинаж корхоналарига топшириш.

25-модда. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан фойдаланиш ҳамда уларни реализация қилиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматбаҳо металллар қуймалари стандарт ва ўлчовли қуймалар шаклида, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ мажбурий равишда маркировкаси қўйилган ҳолда тайёрланади.

Муомалага чиқарилган қимматбаҳо металллардан тайёрланган пул белгилари, ўлчовли қуймалар, сертификатлаштирилган қимматбаҳо тошлар жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан эркин сотиб олиниши ва фойдаланилиши мумкин.

Қимматбаҳо металллардан тайёрланган пул белгиларини, ўлчовли қуймаларни ва сертификатлаштирилган қимматбаҳо тошларни, шунингдек қимматбаҳо тошларни рекуперация қилиш ва уларга ишлов бериш (уларни қирралаш) билан мазкур фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар шуғулланиши мумкин.

Қимматбаҳо металлларни муомалада бўлиши мақсадида жисмоний ва юридик шахслар банклар томонидан қимматбаҳо металлларни ҳисобга ўтказиш, сақлаш, ҳисобдан чиқариш учун уларнинг тури, асиллик даражаси ва оғирлиги кўрсатилган ҳолда очиладиган қимматбаҳо металлларни масъул сақлаш ҳисобварақларидан ҳамда қимматбаҳо металлларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларидан фойдаланиши мумкин.

26-модда. Қимматбаҳо тошлардан фойдаланишнинг ва уларни реализация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

Қимматбаҳо тошларнинг хусусиятлари қимматбаҳо тошларни саралаш, уларни бирламчи таснифлаш ва дастлабки баҳолаш (қимматбаҳо тошлар Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган ёки улар Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилган тақдирда) жараёнида, шунингдек қимматбаҳо тошлардан маҳсулот (буюмлар) ишлаб чиқариш тугатилганда аниқланади. Қимматбаҳо тошларни идентификация қилиш тартиби Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан белгиланади.

Саноат усулида қазиб олувчи субъектлар ҳамда олтин изловчилар усулида қазиб олувчи субъектлар қимматбаҳо тошларни саралаш, бирламчи таснифлаш ва дастлабки баҳолаш учун қазиб олинган ишлов берилмаган қимматбаҳо тошларни мустақил равишда саралашни, уларни бирламчи таснифлашни ва дастлабки баҳолашни амалга ошириш имкониятига эга бўлган бошқа саноат усулида қазиб олувчи субъектларга ёки олтин изловчилар усулида қазиб олувчи субъектларга шартнома асосида топширишга ҳақли.

Оғирлиги 0,3 каратдан юқори бўлган гардишга солинмаган, савдо объектлари орқали реализация қилинадиган қимматбаҳо тошлар мажбурий равишда сертификатланиши лозим.

Сертификатлаштирилган қимматбаҳо тошлар жумласига мустақил геммология марказида (лабораториясида) сертификатлаштиришдан ўтган ҳамда ранг гуруҳи, софлиги, қирраланиш ва сайқалланиш сифати, оғирлиги ҳамда

қимматбаҳо тошнинг бошқа ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган, қимматбаҳо тошнинг ҳақиқийлиги ва сифатининг кафолатини тасдиқлаш учун қонунчиликда белгиланган тартибда берилган тегишли сифат тасдиғига — геммологик сертификатга эга бўлган қимматбаҳо тошлар кирази.

Гардишга солинмаган қимматбаҳо тошларни сотиш фақат қирраланган шаклда амалга оширилади.

Сотилаётган қирраланган (0,3 каратдан юқори бўлган) қимматбаҳо тошлар алоҳида қадокқа эга бўлиши керак.

Таснифлашга оид тавсифлари аниқланмаган қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ битимларни тузишга йўл қўйилмайди.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларни ишлаб чиқариш учун яроқсиз бўлган қимматбаҳо тошлардан ишлаб чиқариш-техника аҳамиятидаги маҳсулот сифатида қонунчиликда белгиланган тартибда чекловларсиз фойдаланилади. Қимматбаҳо тошларни қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни ишлаб чиқариш учун яроқсиз деб топиш мезонлари ҳамда тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ишлов берилмаган қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган ўзлари тузаётган битимлар ҳақидаги маълумотларни Асиллик даражасини белгилаш палатасига бундай битимлар ҳисобини юритиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда тақдим этади.

27-модда. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг чакана савдоси

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг чакана савдоси қонунчиликда белгиланган ҳабардор қилиш тартиби асосида юридик шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Агар қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг чакана савдоси махсус заргарлик дўконларида, савдо марказлари ва (ёки) мажмуаларининг бўлимларида, секцияларида амалга оширилади.

Махсус заргарлик дўконларида, савдо марказлари ва (ёки) мажмуаларининг бўлимларида, секцияларида қимматбаҳо металлларнинг Ўзбекистон Республикасида белгиланган асиллик даражалари тўғрисида ахборот, шунингдек қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларнинг асиллик даражасини аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва тамғалаш тартибини белгиловчи норматив ҳужжатлардан кўчирмалар, Ўзбекистон Республикаси давлат асиллик даражаси тамғалари изларининг, белгиланган намунадаги асиллик даражалари белгилари изларининг тасвирлари ҳамда харидорга зарур бошқа ахборот кўзга кўринадиган жойда осиб қўйилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни сотиш уларда ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғаси изи ва белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси ёки ишлаб чиқарувчи шахсий тамғасининг изи ва Ўзбекистон Республикаси давлат асиллик даражаси тамғаси изи бўлгандагина амалга оширилади.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларда кўрсатилган асиллик даражасининг ишончилиги учун жавобгарлик ушбу буюмларни ишлаб чиқарувчи зиммасига юкланади.

Чакана савдога қўйилган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларда буюмнинг номи, қимматбаҳо металл тури, асиллик даражаси, қўшимчаларнинг турлари ва хусусиятлари, шу жумладан қимматбаҳо тошнинг сифат ҳамда ранги ва қиймати хусусиятларини ўзгартирган ишлов бериш усули, буюмнинг чакана нархи кўрсатилган тамғаланган ёрлик бўлиши керак. Бунда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар улгуржи сотилганда ҳар бир буюм учун алоҳида пломбаланган ёрликлар бўлиши талаб қилинмайди.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ тамғаланмайдиган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг айрим турларида сифат сертификати бўлиши зарур.

28-модда. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга ошириш

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлар қонунчиликда белгиланган хабардор қилиш тартиби асосида амалга оширилади.

Хабардор қилиш тартиби асосида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан бажариладиган ишлар жумласига қуйидагилар киради:

қимматбаҳо тошларни, шунингдек қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни баҳолаш;

қимматбаҳо тошларни геммологик экспертизадан ўтказиш;

қимматбаҳо металлдан ясалган лаборатория идишларидан, катализаторлардан, катализатор сеткаларидан, терможуфтликлардан, термореледан, термоқаршилиқдан, таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган ускуналаридан фойдаланиш ва уларни сақлаш;

таркибида қимматбаҳо металллар бўлган ташқи қопламалар тайёрлаш ва/ёки суркаш;

таркибида қимматбаҳо металллар бўлган моддаларни (тиббий препаратлар, тузлар, реагентлар, кимёвий бирикмалар ва бошқаларни) ишлаб чиқариш, қўллаш, сақлаш;

таркибида қимматбаҳо металллар бўлган тиш ясашга мўлжалланган маҳсулотлар учун дисклар, электродлар, анодлар, контактлар ва кавшарларни тайёрлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш;

тиббиёт, озиқ-овқат, алкоголь ва вино-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қимматбаҳо металллардан ва таркибида қимматбаҳо металллар бўлган озиқ-овқат қўшимчаларидан фойдаланиш;

қимматбаҳо тошларга ишлов бериш, уларни сайқаллаш;

табiiй олмосдан ясалган фильерлар, волоклар, олмос учликлардан, олмос ва табiiй олмосдан ясалган бурғилаш олмос асбобидан фойдаланиш ва уларни сақлаш;

олмос асбобини рекуперация қилиш ишларини амалга ошириш;

қимматбаҳо металлларни, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни таҳлил қилиш ва уларнинг асиллик даражасини назорат қилиш ишлари;

таркибида қимматбаҳо металллар бўлган маиший техника, ташкилий техника, тиббиёт техникасини қисмларга ажратиш, уларга дастлабки ишлов бериш, турларга ажратиш, босма платаларни ва бошқа таркибида қимматбаҳо металллар бўлган буюмларни утилизация қилиш;

уланмалари таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш ҳамда утилизация қилиш, шунингдек таркибида қимматбаҳо металллар бўлган асбоб-ускуналарни қисмларга ажратишдан ва утилизация қилишдан ҳосил бўлган чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарига топшириш;

таркибида қимматбаҳо металллар бўлган иккиламчи ресурслар, парчалар ва чиқиндиларни кейинчалик қайта ишлаш (аффинаж) корхоналарига топшириш учун тўплаш (тайёрлаш), қисмларга ажратиш, саралаш, уларга дастлабки (бирламчи) қайта ишлов бериш;

қимматбаҳо металллардан ҳарбий ва/ёки авиация техникасини таъмирлашда фойдаланиш, таркибида қимматбаҳо металллар бўлган ҳарбий ва/ёки авиация техникасини чиқиндиларини сақлаш ва улардан фойдаланиш;

ҳарбий ва/ёки авиация техникасидан таркибида қимматбаҳо металллар бўлган радиодеталлар ва элементларни ажратиб олиш, ҳарбий ва/ёки авиация техникасининг таркибида қимматбаҳо металллар бўлган чиқиндиларини тўплаш ва қайта ишлаш корхоналарига топшириш;

таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган буюмлар ва предметларни кўрғазмаларга қўйиш, сақлаш ва қайта тиклаш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар, таркибида қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошлар бўлган предметларни (давлат органларининг қарорига кўра давлат даромадига ўтказилган) қайта тиклаш (таъмирлаш);

таркибида қумуш мавжуд бўлган ва ёруғликка таъсирчан материаллардан, кинофоторентген-плёнкалар, кинофоторентген-пластинкалар ва таркибида қимматбаҳо металллар бўлган худди шундай материаллардан фойдаланиш.

29-модда. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни, улардан ясалган буюмларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ҳамда унинг ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва (ёки) унинг ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хорижда ишлаб чиқарилган ва кейинчалик реализация қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларнинг Асиллик даражасини белгилаш палатасида мажбурий тартибда асиллик даражаси аниқланиши ва тамғаланиши лозим.

Қонунчиликда қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва унинг ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш учун чекловлар ҳамда тақиқлар назарда тутилган бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасини кесиб ўтаётган Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний шахслар тегишли сертификатлар мавжуд бўлганда ҳамда товарларни олиб чиқишнинг қонунчиликда белгиланган нормасидан ошган тақдирда, мажбурий равишда йўловчи божхона декларациясини тўлдирган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ўлчовли қўймаларни ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металллардан тайёрланган пул белгиларини чекловларсиз олиб чиқиши мумкин.

Қуйидагилар стандарт ва ўлчовли қўймаларни, қимматбаҳо металллардан тайёрланган пул белгиларини экспорт қилишни амалга ошириш ҳуқуқига эга:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;

банклар;

уларнинг мулкдорлари бўлган тадбиркорлик субъектлари.

Давлат назоратини амалга ошириш жараёнида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ битимларни тузишда қонунчилик талабларининг бузилишлари аниқланган тақдирда, ушбу металллар ва тошларнинг олиб чиқилишига йўл қўйилмайди, аниқланган қоидабузарликлар тўғрисидаги ахборот эса тегишли давлат органларига топширилади.

Тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиладиган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонунчиликда белгиланган тартибда олиб киришни амалга оширадилар.

Махсулот тақсмоти тўғрисидаги битим шартларига мувофиқ чет эллик инвесторга мулк бўлиб келиб тушадиган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар битимларда ва ушбу Қонунда назарда тутилган шартларда ҳамда тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига бирон-бир чекловларсиз олиб чиқилиши ёки ички бозорда реализация қилиниши мумкин.

30-модда. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби ҳамда шартлари

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби ҳамда шартлари шартномаларда белгиланади.

Давлат буюртмасини бажариш доирасида реализация қилинадиган қимматбаҳо металллар учун ҳисоб-китоблар қонунчилиқда белгиланган тартибда амалга оширилади.

31-модда. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг, шунингдек улардан ясалган маҳсулотнинг (буюмларнинг) кўриқланишини таъминлаш

Таркибида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар бўлган ер қаъри участкаларини геологик жиҳатдан ўрганиш ҳамда қидириш, қимматбаҳо металлларни қазиб олиш ва ишлаб чиқариш ҳамда қимматбаҳо тошларни қазиб олиш бўйича фаолият барча қазиб олиш, сақлаш ҳамда фойдаланиш жойларида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг, шунингдек улардан ясалган маҳсулотнинг (буюмларнинг) талон-торож қилинишдан, ёнғинлардан, бузилишдан тўлиқ сақланишини таъминлаш мақсадида кўриқланиши лозим.

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг, шунингдек улардан ясалган маҳсулотнинг (буюмларнинг) бут сақланишини таъминлаш;

кўриқланадиган ҳудудларнинг жойларини (объектларини) мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни амалга оширади.

Тадбиркорлик субъектлари объектларни кўриқлаш ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни ташиш юзасидан ушбу соҳаларга ихтисослаштирилган ташкилотлар билан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар тузиши, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг, шунингдек улардан ясалган маҳсулотнинг (буюмларнинг) бут сақланишини таъминлашга қаратилган бошқа тадбирларни амалга ошириши мумкин.

32-модда. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни, шунингдек улардан ясалган маҳсулотни (буюмларни) кўргазмага қўйиш

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан, шунингдек улардан ясалган маҳсулотлардан (буюмлардан), шу жумладан Давлат фондининг таркибига кирувчи қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан, шу жумладан улардан ясалган маҳсулотлардан (буюмлардан) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда унинг ҳудудидан ташқарида кўргазмага қўйиш мақсадида фойдаланилиши мумкин.

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни, шунингдек улардан ясалган маҳсулотни (буюмларни) кўргазмага қўйиш билан шуғулланувчи юридик шахслар кўргазмага қўйиш мақсадида ташкил этилган тадбирлар ўтказилаётганда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг, шунингдек улардан ясалган маҳсулотнинг (буюмларнинг) бут сақланишини, тегишли равишда ҳисобга олинишини, ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир мажбурий шартлар ва талаблар бажарилишини таъминлаши керак.

Доимий турадиган жойидан ташқарида турган қимматбаҳо металлларнинг

ноёб ёмбилари, ноёб қимматбаҳо тошлар, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган тарихий, илмий, бадий ёки бошқа маданий қимматликка эга бўлган ноёб буюмлар, шу жумладан археологик ашёлар ва музей ашёлари ёки музей тўпламлари кўрғазмага қўйиш мақсадида ташкил этилган тадбирлар яқунланганидан кейин доимий турадиган жойига мажбурий тартибда қайтарилиши керак.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилмаган, шунингдек Давлат фонди таркибига кирмайдиган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар, шунингдек улардан ясалган маҳсулот (буюмлар) уларни кўрғазмага қўйиш мақсадида ташкил этилган тадбирлар яқунланганидан кейин қонунчиликда белгиланган тартибда реализация қилиниши мумкин.

6-боб. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг асиллик даражасини аниқлаш ва уларни тамғалаш

33-модда. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган, тамғаланиши лозим бўлган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиш учун мўлжалланган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг асиллик даражаси аниқланиши, бу буюмлар таҳлил қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси давлат асиллик даражаси тамғаси билан ёки белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси билан тамғаланиши лозим.

Асиллик даражасини белгилаш палаталарининг ички қисмида ўроқ ва болға тасвири туширилган юлдуз шаклидаги тамға изи, шунингдек буюмнинг асиллик даражасини кўрсатувчи рақамлари мавжуд бўлган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни чакана савдо тизими орқали реализация қилиш чоғида уларнинг асиллик даражаси аниқланиши ва бу буюмлар Ўзбекистон Республикасининг давлат асиллик даражаси тамғаси билан тамғаланиши шарт.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан асиллик даражасини аниқлаш ҳамда тамғалаш тартибини бузган ҳолда қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни реализация қилганлик учун:

ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этганда — қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ёки бошқа буюмни мусодара қилмасдан, заргарлик ёки бошқа буюм қийматининг эллик фоизи миқдорида жарима солинишига;

бир йил давомида мазкур ҳуқуқбузарликни такроран содир этганлик учун — қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ёки бошқа буюмни мусодара қилиш ёхуд заргарлик ёки бошқа буюм қийматининг юз фоизи миқдорида жарима солинишига сабаб бўлади.

Асиллик даражасини аниқлаш ва тамғалаш тартибини бузганлик учун

молиявий санкция қўллаш ҳамда қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ёки бошқа буюмни мусодара қилиш тартиби қонунчиликда белгиланади.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган, мусодара қилинган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг асиллик даражаси аниқланиши ва улар Ўзбекистон Республикасининг давлат асиллик даражаси тамғаси билан тамғаланиши шарт.

Асиллик даражасини аниқлаш ва тамғалаш тартиби бузилишига йўл қўйган ёки қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган, билдирилган асиллик даражасига мувофиқ бўлмаган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни реализация қилувчи тадбиркорлик субъектлари, уларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилган ҳолда, заргарлик тармоғининг инсофсиз тадбиркорлик субъектлари реестрига киритилади.

34-модда. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни тамғалаш

Заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчилар асиллик даражасини мустақил аниқлашга ва қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни Ўзбекистон Республикаси давлат асиллик даражалари тамғалари билан тамғаламай, буюмларга белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси изларини туширишга ҳақли, бироқ бунда уларга ишлаб чиқарувчининг рўйхатдан ўтган шахсий тамғаси мажбурий равишда туширилади.

Ломбардлардан, микрокредит ташкилотларидан ва жисмоний шахслардан, тадбиркорлик субъектларидан, ваколатли давлат органларидан (бундан буён матнда ариза берувчи деб юритилади) Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан қабул қилинган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни тамғалаш асиллик даражасини аниқлаш натижалари асосида, мазкур ариза берувчиларнинг ёзма рухсатномаси мавжуд бўлган тақдирда эса — таҳлил натижалари асосида амалга оширилади.

Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг таҳлилини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

35-модда. Тамғаланмайдиган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар

Қуйидагилар тамғаланмайди:

ушбу Қонун 36-моддасининг иккинчи қисмида белгиланганидан паст асиллик даражасига эга бўлган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар;

ваколатли органнинг эксперт хулосаси мавжуд бўлганда, археологик

ашё ёки музей ашёси ёхуд музей коллекцияси бўлган қимматбаҳо металллардан ясалган буюмлар, шунингдек маданий қимматга эга бўлган буюмлар;

қурол, вазалар, идишлар, қутичалар ва бошқа ашёлар сиртидаги қимматбаҳо металл майда ўйма нақшлар (қадама нақшлар);

қотишмалари таркиби Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларида белгиланадиган олтин зарварақ, кумуш зарварақ, олтин ва кумуш зарқоғозлар, қимматбаҳо металллардан тиш ясашга мўлжалланган маҳсулотлар учун дисклар;

Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлари билан тартибга солинадиган металл рамзи ва бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда, илмий, техник ҳамда тиббий мақсадлар учун мўлжалланган, ишлаб чиқарувчи корхонанинг русуми, ёрлиғи ёки штампи қўйилган, қимматбаҳо металллардан ясалган анжомлар, асбоблар, лаборатория идишлари ва бошқа буюмлар;

қимматбаҳо металллардан тайёрланган хомаки маҳсулотлар, стандарт ва ўлчовли қўймалар;

қимматбаҳо металллардан тайёрланган пул белгилари;

давлат мукофотлари, фарқлаш белгилари ва спорт мукофотлари;

қимматбаҳо бўлмаган металллардан ясалган, қимматбаҳо металл билан қопланган (зарҳалланган) буюмлар;

транзит тарзида олиб ўтилаётган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган, заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий тамға излари бўлмаган, заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий тамғалари излари шакли ўзгарган ёки издаги бирон-бир қисм (белги) мавжуд бўлмаган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар;

ушбу Қонун 57-моддасининг талабларига мувофиқ бўлмаган кавшарга (заргарлик буюми қисмларининг ажралмайдиган бирикмасини яратиш учун қўлланиладиган қимматбаҳо металл қотишмасига) эга бўлган, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар.

36-модда. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг асиллик даражалари

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги асиллик даражалари белгиланади: олтиндан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар учун — 375 (уч юз етмиш бешинчи), 500 (беш юзинчи), 585 (беш юз саксон бешинчи), 750 (етти юз элтигинчи), 875 (саккиз юз етмиш бешинчи), 916 (тўққиз юз ўн олтинчи), 958 (тўққиз юз эллик саккизинчи), 999 (тўққиз юз тўқсон тўққизинчи) асиллик даражалари;

кумушдан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар учун — 800 (саккиз юзинчи), 875 (саккиз юз етмиш бешинчи), 925 (тўққиз юз йигирма бешинчи), 960 (тўққиз юз олтмишинчи), 999 (тўққиз юз тўқсон тўққизинчи) асиллик даражалари;

платинадан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар учун — 850 (саккиз юз эллигинчи), 900 (тўққиз юзинчи), 950 (тўққиз юз эллигинчи), 999 (тўққиз юз тўқсон тўққизинчи) асиллик даражалари;

палладийдан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар учун — 500 (беш юзинчи), 850 (саккиз юз эллигинчи), 999 (тўққиз юз тўқсон тўққизинчи) асиллик даражалари.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар қўйидагилардан паст асиллик даражасига эга бўлиши мумкин эмас:

олтиндан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар учун — 375 (уч юз етмиш бешинчи) асиллик даражасидан;

кумушдан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар учун — 800 (саккиз юзинчи) асиллик даражасидан;

платинадан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар учун — 850 (саккиз юз эллигинчи) асиллик даражасидан;

палладийдан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар учун — 500 (беш юзинчи) асиллик даражасидан.

Жисмоний шахсларнинг якка тартибдаги буюртмалари бўйича 583 (беш юз саксон учинчи) асиллик даражали олтиндан заргарлик ва бошқа буюмларни ушбу шахсларга тегишли 583 (беш юз саксон учинчи) асиллик даражасига эга бўлган олтиндан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлардан яшашга ҳамда реализация қилишга йўл қўйилади.

37-модда. Асиллик даражаси тамғалари

Асиллик даражаси тамғалари жумласига Ўзбекистон Республикасининг давлат асиллик даражаси тамғалари, белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгилари ва чет давлатларнинг асиллик даражасини белгилаш палаталари тамғалари киради.

38-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат асиллик даражаси тамғалари

Ўзбекистон Республикасининг давлат асиллик даражаси тамғалари (бундан буён матнда давлат асиллик даражаси тамғалари деб юритилади) қимматбаҳо металлнинг ҳар бир тури учун белгиланган шаклдаги тамғалар бўлиб, улар биргаликда (бир контурда) ёки алоҳида туширилиши мумкин бўлган тасдиқ белгисидан ҳамда асиллик даражасидан иборатдир.

Давлат асиллик даражаси тамғаларининг шакллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Тасдиқ белгиси саккиз қиррали шаклда бўлиб, ўртасида боши ўнгга бурилган ҳолдаги Ҳумо қуши тасвири туширилган.

39-модда. Белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси

Белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси қимматбаҳо металлнинг ҳар бир тури учун белгиланган шаклда бўлиб, асиллик даражасини кўрсатувчи рақамлардан иборатдир.

Белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси мустақил аҳамиятга эга эмас ҳамда қимматбаҳо металлдан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни тамғалашда фақат заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғаси билан бирга қўлланилади.

Белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгилари ихтисослаштирилган корхонада, заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларнинг буюртмаси бўйича тайёрланади.

40-модда. Давлат асиллик даражаси тамғаларининг турлари

Давлат асиллик даражаси тамғалари турларига кўра асосий ва қўшимча давлат асиллик даражаси тамғаларига бўлинади.

Асосий давлат асиллик даражаси тамғалари мустақил аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг қимматбаҳо металлдан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларда мавжудлиги қотишманинг уларда кўрсатилган асиллик даражасига мувофиқлигини тасдиқлайди.

Қўшимча давлат асиллик даражаси тамғалари мустақил аҳамиятга эга эмас ҳамда қимматбаҳо металлдан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг бўлакларга бўлинадиган ва ажралиши осон бўлган таркибий қисмларини тамғалашда фақат асосий давлат асиллик даражаси тамғаларидан бири билан бирга қўлланилади.

41-модда. Асосий давлат асиллик даражаси тамғаларининг шакллари

Ўзбекистон Республикасида асосий давлат асиллик даражаси тамғаларининг қуйидаги шакллари белгиланади:

ўртасида тасдиқ белгиси жойлашган саккиз қиррали шаклдаги — қўшимча давлат асиллик даражаси тамғаси билан биргаликда тамғалаш учун қўлланилади;

тасдиқ белгисидан ва асиллик даражасидан таркиб топган, чап вертикал томони бўртиқ-чўзиқ тўғри бурчак шаклидаги — олтидан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларни тамғалаш учун қўлланилади;

тасдиқ белгисидан ва асиллик даражасидан таркиб топган тўғри бурчак шаклидаги — қумушдан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларни тамғалаш учун қўлланилади;

тасдиқ белгисидан ва асиллик даражасидан таркиб топган, чап вертикал томони бўртиқ-кесик тўғри бурчак шаклидаги — платинадан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларни тамғалаш учун қўлланилади;

тасдиқ белгисидан ва асиллик даражасидан таркиб топган, вертикал томонлари бўртиқ-чўзиқ тўғри бурчак шаклидаги — палладийдан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларни тамғалаш учун қўлланилади.

42-модда. Қўшимча давлат асиллик даражаси тамғасининг шакли

Қўшимча давлат асиллик даражасининг тамғаси ўртасида асиллик даражаси кўрсатилган, рахлари айлана шаклига келтирилган тўртбурчак

шаклида белгиланади. Қўшимча давлат асиллик даражаси тамғаси олтин, кумуш, платина ва палладийдан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг бўлақларга бўлинадиган ва ажралиши осон бўлган қисмларини тамғалаш учун қўлланилади.

43-модда. Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғаси

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган, шунингдек қайта тикланган (таъмирланган) қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларда заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи шахсий тамғасининг механик (зарб) усулида ёки лазер усулида туширилган аниқ изи бўлиши керак.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғаси лотин алифбосининг учта бош ҳарфи комбинациясидан иборат бўлиб, заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи тўғрисидаги шифрланган тарздаги ахборотни ўз ичига олади.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчининг механик (зарб) усулида тушириш учун мўлжалланган шахсий тамғаси ихтисослаштирилган корхонада заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчининг буюртмаси бўйича тайёрланади ва Асиллик даражасини белгилаш палатасида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчининг механик (зарб) усулида тушириш учун мўлжалланган шахсий тамғасини рўйхатга олиш Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан шахсий тамғанинг силлиқланган латун пластинадаги тақдим этилган аниқ (юзаки, ўртача, чуқур) изи асосида, қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

44-модда. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни тамғалаш усуллари

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни давлат асиллик даражаси тамғаси ёки белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси билан тамғалаш механик (зарб) усулда ёки лазер усулида амалга оширилади.

Давлат асиллик даражаси тамғасини тушириш усулини танлаш Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан уларни асиллик даражасини аниқлаш ва тамғалаш учун тақдим этган шахс билан келишув бўйича белгиланади.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғасини ва белгиланган намунадаги асиллик даражасининг белгисини тушириш усулини мустақил равишда белгилайди.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғаси билан лазер усулида тамғалашни амалга оширувчи заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчининг зиммасига унинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш мажбурияти юклатилади.

45-модда. Давлат асиллик даражаси тамғаларини, заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғасини ва белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгисини сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш

Асиллик даражасини белгилаш палатаси ва унинг филиаллари давлат асиллик даражаси тамғаларини сақловчи ҳамда улардан фойдаланувчидир.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчининг ўзи заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғасини ҳамда белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгисини сақловчи ва ундан фойдаланувчидир.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғасини ва белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгисини бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

46-модда. Асиллик даражаси тўлови

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг асиллик даражасини аниқлаш ва уларни тамғалаш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни бажарганлик учун Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан асиллик даражаси тўлови ундирилади.

Асиллик даражаси тўловининг миқдори ва уни ундириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Асиллик даражасини аниқлаш ҳамда тамғалаш билан боғлиқ ҳаражатлар қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни асиллик даражасини аниқлаш ва тамғалаш учун Асиллик даражасини белгилаш палатасига тақдим этган шахслар зиммасида бўлади.

47-модда. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни асосий давлат асиллик даражаси тамғаси билан тамғалаш

Асосий давлат асиллик даражаси тамғаси:

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган;

кайта тикланган (таъмирланган);

чет давлатлар асиллик даражасини белгилаш палаталарининг асиллик даражаси тамғалари излари ва рамзий белгилари мавжуд бўлган;

ички қисмида ўроқ ва болға тасвири туширилган юлдуз шаклидаги, шунингдек буюмнинг асиллик даражасини кўрсатувчи рақамлардан иборат тамға излари мавжуд бўлган; (33-моддага қаралсин);

асиллик даражаси тамғаларининг силлиқланган ҳамда ноаниқ излари мавжуд бўлган, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларга туширилиши мумкин.

Давлат асиллик даражаси тамғаларининг излари мавжуд бўлган ва асил-

лик даражасини аниқлаш ҳамда тамғалаш ёки буюмда кўрсатилган асиллик даражасига мувофиқликни тасдиқлаш учун Асиллик даражасини белгилаш палатасига тақдим этилган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларга давлат асиллик даражаси тамғасининг ҳақиқийлигини аниқлаш учун техник экспертиза ўтказилганидан кейин тасдиқ белгисининг изи туширилиши мумкин.

Бунда қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг асиллик даражаси мавжуд тамға изига мувофиқ келмаган тақдирда, тамға изи Асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан йўқ қилинади, буюмлар эса аниқланган асиллик даражасига яқин бўлган пастроқ асосий давлат асиллик даражаси тамғаси билан тамғаланади.

Агар қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ёки бошқа буюмнинг асосий қисмига тасдиқ белгисини ҳамда асиллик даражаси тамғасини биргаликда (бир контурда) тушириш имконияти бўлмаса, заргарлик буюмини ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғаси изининг ёнига тамғалаш имконияти бўлган жойга тасдиқ белгиси изи ва тегишли асиллик даражасининг қўшимча давлат асиллик даражаси тамғаси изи туширилади.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган, жуфт ҳолда фойдаланиладиган зирак, илма тугма (запонка) каби заргарлик ҳамда бошқа буюмларни тамғалашда асосий давлат асиллик даражаси тамғасининг изи шундай буюмларнинг ҳар бирига туширилади.

Битта қотишмадан тайёрланган, кавшарланган ҳамда бир-биридан ажралмайдиган қисмлардан таркиб топган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни тамғалашда асосий давлат асиллик даражаси тамғасининг изи буюмнинг фақат асосий қисмига туширилади.

48-модда. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни қўшимча давлат асиллик даражаси тамғаси билан тамғалаш

Қўшимча давлат асиллик даражаси тамғаси қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг бўлақларга бўлинадиган ва ажралиши осон бўлган қисмларига туширилади.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг бўлақларга бўлинадиган ва ажралиши осон бўлган таркибий қисмлари ҳажмлари ҳамда жойлашуви давлат асиллик қўшимча даражаси тамғасини босиш имконини бермаган ҳолларда бундай қисмларидаги қимматбаҳо металлнинг таркиби тасдиқланмайди ва қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг бундай қисмларининг асиллик даражаси учун жавобгарлик ушбу буюмларни ишлаб чиқарувчининг зиммасида бўлади.

49-модда. Турли қимматбаҳо металллардан ҳамда турли асиллик даражасидаги қимматбаҳо металллардан ишлаб чиқарилган, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ёки бошқа буюмларни давлат асиллик даражаси тамғаси билан тамғалаш

Битта қимматбаҳо металлдан ишлаб чиқарилган, турли асиллик даражаларига эга бўлган бир нечта қисмлардан иборат бўлган, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ёки бошқа буюмга асосий давлат асиллик даражаси тамғасининг изи ушбу буюмнинг асосий қисмига туширилади, буюмнинг бўлақларга бўлинадиган ва ажралиши осон бўлган қисмларига эса тегишли металлнинг ва тегишли асиллик даражасининг қўшимча давлат асиллик даражаси тамғаси изи туширилади.

Алоҳида қисмлари турли қимматбаҳо металллардан ишлаб чиқарилган, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ёки бошқа буюмга асосий давлат асиллик даражаси тамғасининг изи ушбу буюмнинг асосий қисмига туширилади, буюмнинг бўлақларга бўлинадиган ва ажралиши осон бўлган қисмларига эса тегишли металлнинг ва тегишли асиллик даражасининг қўшимча давлат асиллик даражаси тамғаси изи туширилади.

Агар қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ёки бошқа буюм ўзга қимматбаҳо металллар билан қопланган бўлса, буюмнинг асосий қисмига қимматбаҳо металлнинг асосий қотишмасига мувофиқ асосий давлат асиллик даражаси тамғасининг изи туширилади, қўшимча қисмига эса тамға туширилмайди. Бунда буюмнинг бўлақларга бўлинадиган ҳамда ажралиши осон бўлган қисмларига тегишли асиллик даражасининг қўшимча давлат асиллик даражаси тамғаси изи туширилади.

Асиллик даражаси турлича бўлган ёки турли қимматбаҳо металллардан ясалган, кавшарланган ҳамда бир-биридан ажралмайдиган қисмлардан таркиб топган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ёки бошқа буюмга яхлит буюм сифатида қаралади. Бу ҳолда асосий давлат асиллик даражаси тамғасининг изи буюмнинг асосий қисмига туширилади, буюмнинг кавшарланган ҳамда бир-биридан ажралмайдиган қисмларига эса тегишли металл ва асиллик даражасига мувофиқ бўлган қўшимча давлат асиллик даражаси тамғасининг изи туширилади.

50-модда. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси билан тамғалаш

Белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи томонидан қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган ва қайта тикланган (таъмирланган) заргарлик ҳамда бошқа буюмларга туширилади, бунда ушбу буюмларга давлат томонидан асиллик даражасини аниқлаш ва тамғалаш талаб этилмайди.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар ўзлари томонидан экспорт

учун мўлжалланган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларни белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси билан тамғаламасликка ҳақли, башарти бундай тартиб шартномада назарда тутилган бўлса.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган, жуфт ҳолда фойдаланиладиган зирак, илма тугма (запонка) каби заргарлик ҳамда бошқа буюмларни тамғалашда заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи шахсий тамғасининг ва белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгисининг изи бундай буюмларнинг ҳар бирига туширилади.

Битта қотишмадан ясалган, кавшарланган ҳамда бир-биридан ажралмайдиган қисмлардан таркиб топган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни тамғалашда, заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи шахсий тамғасининг ва белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгисининг излари заргарлик буюмининг фақат асосий қисмига туширилади.

Бўлақларга бўлинадиган ҳамда ажралиши осон бўлган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг ҳар бир қисмига белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгисининг изи туширилади.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар бўлақларга бўлинадиган ва ажралиши осон бўлган қисмларининг ўлчамлари ҳамда жойлашуви белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгисининг изини тушириш имконини бермайдиган ҳолларда, бундай қисмлардаги қимматбаҳо металлнинг таркиби тасдиқланмайди ҳамда қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар бундай қисмларининг асиллик даражаси учун жавобгарлик ушбу буюмларни ишлаб чиқарувчининг зиммасида бўлади.

Битта қимматбаҳо металлдан тайёрланган, лекин турли асиллик даражаларига эга бўлган бир нечта қисмлардан таркиб топган, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг асосий қисмига заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи шахсий тамғасининг ва белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгисининг изи туширилади, буюмнинг бўлақларга бўлинадиган ҳамда ажралиши осон бўлган қисмларига эса — тегишли асиллик даражасининг белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси изи туширилади.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган, алоҳида қисмлари турли қимматбаҳо металллардан тайёрланган заргарлик ҳамда бошқа буюмларга заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи шахсий тамғасининг ҳамда белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгисининг изи буюмнинг асосий қисмига туширилади, буюмнинг бўлақларга бўлинадиган ва ажралиши осон бўлган қисмларига эса — тегишли металлнинг ва асиллик даражасининг белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси изи туширилади.

Бошқа қимматбаҳо металллар билан қопланган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларга, буюмнинг асосий қисмига (қимматбаҳо металлнинг асосий қотишмаси бўйи-

ча) заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи шахсий тамғасининг ва белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгисининг изи туширилади, буюмнинг бўлакларга бўлинадиган ва ажралиши осон бўлган қисмларига эса — тегишли металлнинг ва асиллик даражасининг белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси изи туширилади.

Асиллик даражаси турлича ёки бошқа қимматбаҳо металллардан бўлган кавшарланган ҳамда бир-биридан ажралмайдиган қисмлардан таркиб топган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларга яхлит буюм сифатида қаралади. Ушбу буюмларнинг асосий қисмини белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси билан, буюмларнинг иккинчи даражали ва қўшимча қисмларини эса — тегишли металлнинг ва асиллик даражасининг белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси билан тамғалашга йўл қўйилади.

51-модда. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни тамғалаш учун Асиллик даражасини белгилаш палатасига тақдим этиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиш учун мўлжалланган, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган қуйидаги заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг асиллик даражаси аниқланиши, улар таҳлил қилиниши ҳамда давлат асиллик даражаси тамғаси билан тамғаланиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган;
микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан нотариуснинг ижро хати асосида реализация қилинадиган;

давлат мулкига беғараз топширилган (давлат фойдасига воз кечилган);
давлат фойдасига қаратилган;

жисмоний шахслар томонидан тақдим этиладиган буюмлар.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар ўзи ишлаб чиқарган ва (ёки) қайта тикланган (таъмирланган) буюмларни уларнинг асиллик даражасини аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ҳамда давлат асиллик даражаси тамғаси билан тамғалаш учун Асиллик даражасини белгилаш палатасига тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Давлат асиллик даражаси тамғаларининг изларига заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар томонидан зарар етказилган ва уларнинг шакли ўзгартирилган тақдирда қайта тамғалаш умумий асосларда амалга оширилади.

52-модда. Асиллик даражасини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда тамғалаш учун Асиллик даражасини белгилаш палатасига заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этиладиган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларга доир талаблар

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар асиллик даражасини аниқ-

лаш, таҳлил қилиш ҳамда тамғалаш учун қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни Асиллик даражасини белгилаш палатасига тўлиқ битказилган ҳамда йиғилган тарзда тақдим этади.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни тўлиқ битказилган ҳамда йиғилган тарзда тақдим этиш имконияти бўлмаган тақдирда, заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар Асиллик даражасини белгилаш палатасига буюмларни уларнинг барча қисмлари мавжуд бўлган ҳолда, тўлиқ битказилмаган ва йиғилмаган тарзда тақдим этиши мумкин. Бунда буюмларнинг барча иккинчи даражали ва қўшимча қисмлари қўшимча давлат асиллик даражаси тамғаси билан тамғаланиши лозим. Тайёр буюмларда буюмнинг иккинчи даражали ва қўшимча қисмлари кавшарланган бўлиши керак.

Асиллик даражасини белгилаш палатасига асиллик даражасини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда тамғалаш учун тақдим этиладиган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар туркумлари бўйича сараланган бўлиши керак. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни Асиллик даражасини белгилаш палатасига топшириш чоғида заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар аризада буюмларнинг қотишма таркибини (жисмоний шахсларнинг яқка тартибдаги буюртмалари бўйича уларга тегишли бўлган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлардан тайёрланган, шунингдек қайта тикланган (таъмирланган) буюмлардан ташқари) ва билдирилган асиллик даражасини кўрсатади.

53-модда. Қайта тикланган (таъмирланган) қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни тамғалашга доир талаблар

Қайта тикланган (таъмирланган) қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларда механик (зарб) усулида ёки лазер усулида туширилган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғаси изи ва «R» ҳарфи кўринишидаги қайта тикланганлик белгиси бўлиши керак.

54-модда. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг билдирилган асиллик даражасига мувофиқлиги

Агар қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг таркибидаги асосий қимматбаҳо металл ушбу Қонуннинг 36-моддасида белгиланган асиллик даражасига мувофиқ бўлса, бу буюмлар билдирилган асиллик даражасига мувофиқ деб ҳисобланади.

Агар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган, шунингдек қайта

тикланган (таъмирланган), билдирилган асиллик даражасига мувофиқ бўлма-са, унда буюмларни Асиллик даражасини белгилаш палатасига тақдим этган шахснинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, буюмлардаги асиллик даражаларининг тамға излари йўқ қилинади. Бунда қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар белгиланган асиллик даражасига яқин бўлган пастроқ давлат асиллик даражаси тамғаси билан тамғаланади. Ариза берувчининг розилиги бўлмаган тақдирда, буюмлар тамғаланмаган ҳолда қайтарилади.

55-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларга доир талаблар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тижорат мақсадларида олиб кириладиган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар чет давлатлар асиллик даражасини белгилаш палаталарининг метрик ёки қарат асиллик даражаси тизимидаги асиллик даражаси тамғаларининг аниқ изларига ёки буюмнинг асиллик даражасини кўрсатувчи бошқа белгиларга эга бўлиши керак, бундан жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мазкур турдаги товарлар учун қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно. Бунда метрик ёки қарат асиллик даражаси тизимидаги асиллик даражаси тамғаларининг излари ёки буюмнинг асиллик даражасини кўрсатувчи бошқа белгилар мавжудлиги устидан назорат қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган, Асиллик даражасини белгилаш палатасига асиллик даражасини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда тамғалаш учун тақдим этилган, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларда билдирилган асиллик даражасига мувофиқ келмайдиган асиллик даражаси тамғаларининг излари мавжуд бўлса, ушбу буюмларни Асиллик даражасини белгилаш палатасига тақдим этган шахснинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, буюмлардаги асиллик даражаларининг тамға излари йўқ қилинади. Бунда қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар белгиланган асиллик даражасига яқин бўлган пастроқ давлат асиллик даражаси тамғаси билан тамғаланиши лозим. Ариза берувчининг розилиги бўлмаган тақдирда, буюмлар тамғаланмаган ҳолда қайтарилади.

56-модда. Қайта тикланган (таъмирланган), қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг назорат текшируви

Қайта тикланган (таъмирланган), реализация қилиш учун мўлжалланган, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик

ҳамда бошқа буюмлар, уларда илгари босилган асиллик даражаси тамғаларининг излари мавжудлиги ва сифатидан қатъи назар, билдирилган асиллик даражасига мувофиқлиги нуқтаи назаридан Асиллик даражасини белгилаш палатасига назорат текширувидан ўтказилиши учун тақдим этилиши мумкин.

Агар қайта тикланган (таъмирланган), қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ёки бошқа буюмнинг асиллик даражаси буюмда мавжуд бўлган тамға изига мувофиқ бўлса, унга давлат асиллик даражаси тамғасининг изи туширилади.

Агар қайта тикланган (таъмирланган), қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ёки бошқа буюмнинг асиллик даражаси буюмда мавжуд бўлган тамға изига мувофиқ бўлмаса, ушбу буюмни Асиллик даражасини белгилаш палатасига тақдим этган шахснинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, тамғанинг изи йўқ қилинади ва буюм белгиланган асиллик даражасига яқин бўлган пастроқ давлат асиллик даражаси тамғаси билан тамғаланadi. Ариза берувчининг розилиги бўлмаган тақдирда, буюм тамғаланмаган ҳолда қайтарилади.

Агар қайта тикланган (таъмирланган), қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ёки бошқа буюмда тамға изи мавжуд бўлмаса, ушбу буюмнинг асиллик даражаси аниқланганидан кейин унга давлат асиллик даражаси тамғасининг тегишли изи туширилиши мумкин.

57-модда. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни ишлаб чиқаришда ёки қайта тиклашда (таъмирлашда) қўлланиладиган кавшарлар

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ёки бошқа буюмларни ишлаб чиқаришда ёки қайта тиклашда (таъмирлашда) қўлланиладиган кавшарлар мазкур буюмлар қайси қотишмалардан тайёрланадиган бўлса, айтилишига қимматбаҳо металллар асосида тайёрланиши керак, бундан ушбу моддада белгиланган ҳоллар мустасно.

Олтин, платина ва палладийдан тайёрланган қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик ёки бошқа буюмлар учун кавшарлар ушбу буюмлар тайёрланган асосий қотишма қандай асиллик даражасига эга бўлса, айтилишига қимматбаҳо металллар асосида тайёрланиши керак.

Платина ва палладийдан ясалган заргарлик ёки бошқа буюмларда 585 (беш юз саксон бешинчи) ва 750 (етти юз эллингинчи) асиллик даражасига эга бўлган оқ олтин кавшари бўлишига йўл қўйилади.

Кумушдан ясалган заргарлик ёки бошқа буюмлар учун кавшар 650 (олти юз эллингинчи) асиллик даражасидан паст бўлмаган асиллик даражасига эга бўлиши керак.

Таркибида буюмлар ясалган қотишманинг асиллик даражасига мувофиқ бўлмаган кавшар мавжуд бўлган (лекин 375 (уч юз етмиш бешинчи) асиллик даражасидан паст бўлмаган) олтиндан ясалган заргарлик ва бошқа

буюмлар белгиланган асиллик даражасига яқин бўлган пастроқ асиллик даражаси билан тамғаланади.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ёки бошқа буюмларда таркибида қимматбаҳо металллар мавжуд бўлмаган кавшардан фойдаланишга, башарти мазкур буюмларнинг асиллик даражаси кавшар билан биргаликда ушбу буюмлар ясалган қотишма доирасида бўлса, йўл қўйилади.

58-модда. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларда қимматбаҳо бўлмаган металллардан фойдаланиш

Асиллик даражаси аниқланиши, таҳлил қилиниши ҳамда давлат асиллик даражаси тамғаси билан ёки белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси билан тамғаланиши лозим бўлган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларда қимматбаҳо бўлмаган металллардан тайёрланган қисмлар бўлмаслиги керак, бундан қуйидагилар мустасно:

техник сабабларга кўра қимматбаҳо металллардан тайёрланиши мумкин бўлмаган соатлар, чақмоқ ёққичлар ва бошқа шунга ўхшаш буюмлар механизмлари;

қимматбаҳо металллардан тайёрланиши мумкин бўлмаган пичоқ тиглари, тиқин очқичларнинг бурамали қисмлари ва бошқа шунга ўхшаш буюмларнинг қисмлари;

маҳкамланадиган механизмлардаги пружиналар, ошиқ-мошиқларнинг ўқлари, шунингдек тақинчоқларнинг тўғноғичлари, бўйинбоғларнинг, нишонларнинг, фарқлаш белгиларининг, давлат мукофотларининг қисқичлари.

Қимматбаҳо бўлмаган металллардан ясалган, бўлақларга бўлинадиган ҳамда ажралиши осон бўлган қисмлар билан қимматбаҳо металллардан тайёрланган қисмларнинг бирикмасидан иборат бўлган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни давлат асиллик даражаси тамғаси билан ёки белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси билан тамғалаш заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар томонидан қимматбаҳо бўлмаган металллардан ясалган қисмларга тушириладиган махсус из («мет», «нерж», «steel» ва бошқалар) ёки қимматбаҳо бўлмаган металл мавжудлигини кўрсатувчи белги бўлган тақдирда амалга оширилади, бундан ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳоллар мустасно. Қимматбаҳо бўлмаган металллардан ясалган қисмларда қимматбаҳо бўлмаган металл мавжудлигини кўрсатувчи махсус из бўлмаган тақдирда, буюмлар давлат асиллик даражаси тамғаси ёки белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси билан тамғаланмайди.

59-модда. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларда нometалл қисмлардан фойдаланиш

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик

ҳамда бошқа буюмларда нометалл қисмлардан (тошлар, эмаллар, қора қумушлардан) фойдаланишга, башарти улар кўринишидан қимматбаҳо металллардан ажралиб турса, рухсат этилади. Бунда буюмларнинг нометалл қисмларида қимматбаҳо металлларга айнан ўхшаш қоплама ёки рангда бўлмаслиги керак.

Пичоқлар, санчқилар ва шунга ўхшаш буюмларнинг дасталарини нометалл материаллар билан тўлдиришга уларни маҳкамлаш учун зарур бўлган миқдорларда йўл қўйилади.

Нометалл қисмлардан фойдаланган ҳолда тайёрланган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларда қимматбаҳо металлнинг вазн оралиғи кўрсатилган махсус из бўлиши керак. Мазкур буюмларнинг қимматбаҳо металллардан ясалган барча қисмлари тўлиқ мавжуд бўлган тақдирда, уларнинг асиллик даражасини аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ҳамда тамғалаш уларни қисмларга ажратган ва битказмаган ҳолда амалга оширилиши лозим. Тайёр буюмларда буюмнинг иккинчи даражали ва қўшимча қисмлари кавшарланган бўлиши керак. Буюмларнинг иккинчи даражали ва қўшимча қисмларига давлат асиллик даражаси тамғаси ёки белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси босилиши керак.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни асиллик даражасини аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва тамғалаш учун Асиллик даражасини белгилаш палатасига нометалл қисмларсиз тақдим этади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

60-модда. Давлат органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш

Давлат органларининг қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

61-модда. Давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш

Давлат органларининг ёки улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши соҳасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларнинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда қопланади.

62-модда. Низоларни ҳал этиш

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши

соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

63-модда. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

64-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

1. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-модда-

лар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **219-модданинг номи ва диспозицияси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«219-модда. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни ёки таркибида шундай металл ҳамда тошлар бўлган буюмларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш чоғида қабул қилиб олиш, сарфлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, уларнинг парчалари ва чиқиндиларини тўплаш ҳамда Давлат фондига топшириш қондаларини, шунингдек қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг асиллик даражасини аниқлаш ва уларни тамғалаш тартибини бузиш — »;

2) **268-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси органларига ушбу Кодекснинг 219-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасининг бошлиғи асиллик даражасининг давлат назорати органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазо чораларини қўллашга ҳақлидир».

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган **«Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида»**ги 317–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 17-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган **«Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»**ги 318–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 18-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 621–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 5, 90-модда) **XXVI бўлими**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 15 сентябрда қабул қилинган **«Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилганли-**

ги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–5-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 309-модда) **4-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–373-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда) **21-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги ЎРҚ–436-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 6, 300-модда) **24-моддаси**.

65-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

66-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

67-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 23 август,
ЎРҚ–710-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

500 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 24 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 29 майда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **186³-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 августда эълон қилинган.

«Ушбу модданинг биринчи — тўртинчи қисмлари таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситалари билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишда қўлланилмайди»;

2) қуйидаги мазмундаги **202¹-модда** билан тўлдирилсин:

«202¹-модда. Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш

Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, яъни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда уларни қийноққа солиш ёхуд уларга азоб бериш уларнинг ўлимига ёки майиб бўлишига олиб келса, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача озодликни чеклаш ёки олти ойгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

3) **251¹-модда:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки ўтказиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

учинчи қисмининг санкциясидаги «беш» деган сўз «етти» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **саккизинчи бўлим:**

«Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, шунингдек таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситалари билан қонунга хилоф равишда фойдаланишдаги кўп миқдор» деган **атама** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлишдаги кўп миқдор — тегишли давлат органи томонидан белгиланади»;

қуйидаги мазмундаги **атама** билан тўлдирилсин:

«Кучли таъсир қилувчи моддалар билан қонунга хилоф ра-

вишда муомалада бўлишдаги ёки таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузишдаги кўп миқдор — тегишли давлат органи томонидан белгиланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 39¹-модда биринчи қисмининг:

9-банди «доир ишлар» деган сўзлардан кейин «шунингдек электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги ишлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10-бандидаги «шунингдек электр, иссиқлик энергияси, газ, сувдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) 381²-модда биринчи қисмининг:

2-бандидаги «185²» рақами чиқариб ташлансин;

3-бандидаги «186-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар «185²-моддасида, 186-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **72-модда:**

номининг ўзбекча матнидаги «**захираларини**» деган сўз «**ресурсларини**» деган сўз билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг диспозицияси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, шунингдек сув объектларига оқинди сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузиш»;

2) **74-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги** «лимитларини бузиш, шунингдек» деган сўзлар «лимитларини бузиш, сувларнинг ҳамда сув объектларининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш, шунингдек» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги **79¹-модда** билан тўлдирилсин:

«79¹-модда. Ўсимлик дунёси объектларини йиғиш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда шартларини бузиш

Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг техник ва доривор хомашёсини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари учун йиғиш ҳамда тайёрлашнинг, шунингдек ўсимлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, ўқув-тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланишнинг белгиланган тартибини ҳамда шартларини бузиш, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) қуйидаги мазмундаги **86¹-модда** билан тўлдирилсин:

«86¹-модда. Озон қатламига зарарли таъсир кўрсатишнинг олдини олишга доир талабларни бузиш

Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш, хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш чоғида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан озонни бузувчи моддалардан, таркибида озонни бузувчи моддалар мавжуд бўлган асбоб-ускуналар ва техник қурилмалардан фойдаланиш ҳамда уларни қўллашни тартибга солиш чораларини кўрмаслик, шунингдек озонни бузувчи моддаларнинг ҳисобини юритмаслик, уларнинг озон учун хавфсиз моддалар билан алмаштирилишини таъминламаслик, уларнинг атмосфера ҳавосига чиқарилишига йўл қўйиш, рециркуляцияни (озонни бузувчи моддалардан қайта фойдаланиш мақсадида уларни бирламчи тозалашни) амалга оширмаслик, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **88-модда:**

биринчи қисмининг диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёнилғи мод-

даларни ва қурилиш материалларини бир жойга тўплашда, ушбу моддалар ва материалларни, шунингдек ёқилғи ҳисобланмайдиган материалларни ёқишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик, махсус техник қурилмаларни қўлламасдан битумни эритиш»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

6) 89-модда:

номи «бошқа дориларни» деган сўзлардан кейин **«шунингдек кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларни ҳамда буғланувчан бирикмаларни»** деган сўзлар билан тўлдирилсин;

биринчи қисмининг диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи воситаларни, минерал ўғитларни ҳамда бошқа дориларни, шунингдек кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларни ва буғланувчан бирикмаларни ташиш, сақлаш, улардан фойдаланиш, уларни қўллаш ҳамда улардан бўшаган идишларни зарарсизлантириш қоидаларини тупроқнинг, сувнинг, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ёки ўсимликлар, ҳайвонот дунёси йўқ қилиб юборилишига олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузиш»;

7) 96-модда:

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

8) 111-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, яъни уларни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қийноққа солиш ёки уларга азоб бериш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахс ҳозирлигида содир этилган бўлса ёки ҳайвонларнинг ўлимига ёхуд майиб бўлишига олиб келса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқ-

дорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

9) **133-модда биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келса, бундан жабрланувчига енгил тан жароҳати етказилишига олиб келмаган йўл-транспорт ҳодисаси содир этилганда йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчилар томонидан йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисида хабарнома тузилган ҳоллар мустасно»;

10) **134-модданинг диспозицияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситалари, йўл ҳаракатини тартибга солувчи воситалар ёки бошқа мол-мулк шикастланишига олиб келса, лекин анча миқдорда моддий зарар етказмас, бундан йўл ҳаракатини тартибга солувчи воситалар ёки бошқа мол-мулк шикастланишига олиб келмаган йўл-транспорт ҳодисаси содир этилганда йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчилар томонидан йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисида хабарнома тузилган ҳоллар мустасно»;

11) **165¹-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисми таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситалари билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишда қўлланилмайди»;

12) **261-модданинг биринчи қисмидаги** «80, 81, 82, 83, 84-моддаларида, 85-моддасида (бундан санитария-гигиена қоидаларини бузиш деб ҳисобланувчи, атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш мустасно), 86» деган сўзлар «79¹, 80, 81, 82, 83, 84-моддаларида, 85-моддасида (бундан санитария-гигиена қоидаларини бузиш деб ҳисобланувчи, атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш мустасно), 86, 86¹» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **266⁴-модданинг:**

номидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазир-

лиги хузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тарикасида маъмурий жазо чораларини қўллашга қўйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг бошлиғи ва унинг ўринбосари, бўлим бошлиқлари, бош мутахассислари;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси худудий инспекцияларининг бош инспекторлари ва инспекторлари».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **79-моддасининг тўртинчи хатбошиси** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«қарздорнинг номи ва манзили, қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**»ги 258–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 7, 389-модда, № 8, 469-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **8-моддаси биринчи қисмининг 4-банди** «иш жойи» деган сўзлардан кейин «қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек

қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-155-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 191-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 99-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 3-модда:

қўйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома — содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси ҳақида суғурталовчига хабар бериш учун йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган жойда йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчилар томонидан ихтиёрий равишда тўлдириладиган, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги вужудга келганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжат»;

учинчи — ўн иккинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи — ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) 15-модданинг олтинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурта полиси бланкасининг намунаси, уни тайёрлаш тартиби, махсус давлат белгисининг шакли ва уни транспорт воситасига жойлаштириш тартиби, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома бланкасининг намунаси ҳамда уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

3) 19-модданинг иккинчи қисми:

қўйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома тузилган вақтдан эътиборан уч иш куни ичида мазкур хабарномани ушбу Қонун 20²-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган материаллар ва ҳужжатларни илова қилган ҳолда суғурталовчига такдим этиши»;

бешинчи хатбошиси олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

4) қўйидаги мазмундаги 20¹ ва 20²-моддалар билан тўлдирилсин:

«20¹-модда. Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани тузиш учун асослар

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчилар томонидан ички ишлар органи ходимларининг иштирокисиз тузилади. Хабарномани тузиш учун бир вақтнинг ўзида қўйидагилар асос бўлади:

йўл-транспорт ҳодисаси жабрланувчига енгил тан жароҳати етказилишига ёхуд йўл ҳаракатини тартибга солувчи воситалар ёки бошқа мол-мулк шикастланишига олиб келмаган бўлса;

йўл-транспорт ҳодисасида иштирокчи бўлган ҳайдовчилардан бири ўз айбига тўлиқ иқрор бўлса;

йўл-транспорт ҳодисаси пиеда иштирокисиз содир этилган бўлса;

йўл-транспорт ҳодисаси иккита транспорт воситаси (шу жумладан тир-камали транспорт воситалари) тўқнашуви натижасида рўй берган ҳамда фақат ушбу транспорт воситаларига шикаст етказилган бўлса;

транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги йўл-транспорт ҳодисаси содир этилгунига қадар суғурта қилинган бўлса;

йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчиларда ҳайдовчилик гувоҳномаси, транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома (бундан ишончнома талаб этилмайдиган ҳоллар мустасно), йўл варақаси (қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда) мавжуд бўлиб, мазкур ҳужжатларнинг амал қилиш муддати ўтмаган бўлса;

йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари бўлган ҳайдовчиларда мастлик ҳолати бўлмаса;

йўл-транспорт ҳодисаси натижасида транспорт воситаларининг шикастланиши ҳолатлари, шунингдек транспорт воситаларининг шикастланган қисмлари тавсифлари ва рўйхати йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари ўртасида келишмовчиликларни (низоларни) келтириб чиқармаса.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослардан биттаси мавжуд бўлмаган тақдирда, тузилган йўл-транспорт ҳодисаси ҳақидаги хабарнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда ёхуд суғурталовчи томонидан ишни кўриб чиқиш жараёнида айбдор тараф ўзгарганлиги факти аниқланган тақдирда (айбдорлик видеоёзувлар ёхуд кўрик ва (ёки) мустақил экспертиза натижалари асосида яққол намоён бўлганда) суғурталовчи йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани ва унга илова қилинган ҳужжатларни, шунингдек кўрик ва (ёки) мустақил экспертиза натижаларини (айбдор тараф ўзгарганлиги факти аниқланган ҳолларда) ўша куннинг ўзида ички ишлар органларига юборади.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани кўриб чиқиш чоғида айбдор тараф ўзгарганлиги факти аниқланиши ва бошқа тарафнинг айбини тасдиқловчи материаллар ёки видеоёзувлар ёхуд ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган кўрик ва (ёки) мустақил экспертиза натижалари бўлмаганда суғурталовчининг йиғилган ҳужжатларни ички ишлар органларига юбориши суғурталовчи суғурта товонини тўлашни асоссиз рад этган деб баҳоланади.

20²-модда. Транспорт воситалари эгаларининг ва суғурталовчиларнинг йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани тузиш чоғидаги ҳаракатлари

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчиси бўлган ҳодиса содир бўлганидан кейин ҳайдовчилар томонидан дарҳол жойнинг ўзида ва икки нусхада тузилади.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома ҳайдовчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилган суғурталовчиларга қўйидаги материаллар ва ҳужжатлар илова қилинган ҳолда уч иш куни ичида юборилади:

йўл-транспорт ҳодисаси жойининг (автотранспорт воситалари тўқнашган жойининг (вазият ўзгартирилмаган ҳолдаги), транспорт воситаларининг фотосурати ва (ёки) видеоёзуви, транспорт воситаларининг шикастланган қисмларининг фотосурати ва (ёки) видеоёзуви;

ҳайдовчиларнинг суғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этиш тўғрисидаги аризалари;

йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдаги ёки унга яқин жойдаги наркологик диспансерда ёхуд соғлиқни сақлаш органлари томонидан белгиланган туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасасида йўл-транспорт ҳодисаси ҳақида хабарнома тузилган пайтдан эътиборан тўрт соат ичида ҳайдовчиларнинг мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий текширув ўтказилганлиги тўғрисидаги баённома;

йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларининг, транспорт воситалари рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари, шунингдек суғурта полисининг кўчирма нусхалари.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарноманинг кўчирма нусхаси суғурталовчига ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган материаллар ва ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, суғурталовчининг дастурий таъминоти (мобиль иловаси) орқали электрон шаклда юборилиши мумкин.

Ҳайдовчиларнинг мастлик ҳолатини текширувдан ўтказиш қиймати суғурталовчи томонидан мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланиши лозим бўлган зарар таркибига киритилади.

Транспорт воситалари эгалари йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган транспорт воситаларини кўриқдан ва (ёки) мустақил экспертизадан ўтказиш учун сўров олинган кундан эътиборан уч иш куни ичида суғурталовчининг сўровига кўра тақдим этиши шарт.

Транспорт воситаларининг эгалари транспорт воситаларини суғурталовчининг ёзма розилигисиз ёки суғурталовчи суғурта товонини тўлаш тўғрисида ёхуд уни тўлашни рад этиш ҳақида қарор қабул қиладиган кунга қадар таъмирлашга ёки утилизация қилишга ҳақли эмас.

Суғурталовчи йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган материаллар ва ҳужжатлар илова қилинган ҳолда тақдим этилган кундан эътиборан ўн беш календарь кун ичида суғурта товонини тўлаш тўғрисида ёки уни тўлашни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Транспорт воситаларини кўздан кечириш, мустақил экспертизани ҳамда ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдорини белгилаш учун баҳолашни ташкил этиш ушбу модданинг еттинчи қисмида кўрсатилган муддатда, суғурталовчи томонидан амалга оширилади.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисида хабарнома тузилганда жабрланув-

чининг транспорт воситасига етказилган зарар ушбу Қонун 22-моддасининг учинчи қисмида белгиланган суғурта товони миқдоридан ошмаслиги керак. Бунда етказилган зарар миқдори йўл-транспорт ходисаси ҳақидаги хабарнома суғурталовчига тақдим этилганидан сўнг ошган тақдирда, суғурталовчи суғурта суммасининг фақат ушбу Қонун 22-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлмаган қисмини суғурта товони сифатида тўлайди.

Йўл-транспорт ходисаси тўғрисидаги хабарномани тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

5) 24-модда:

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«мазкур шахс йўл-транспорт ходисаси тўғрисидаги хабарнома тузилганидан кейин тўрт соат ичида мастлик ҳолатини аниқлаш учун тиббий текширувдан ўтиш чораларини кўрмаган бўлса ёки йўл-транспорт ходисаси тўғрисидаги хабарномани суғурталовчига узрли сабабларсиз ўз вақтида тақдим этмаган бўлса»;

еттинчи хатбошиси саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар; № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова) **174-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасининг экспертизасини ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия таҳлилини ўтказишни»;

ўн биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги миссиялари ва ваколатхоналари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда;

2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар, № 3, 198, 199-моддалар; 2021 йил, № 1, 8-модда, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **178-модда биринчи қисмининг 4-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4) қарздорнинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), яшаш жойи ёки жойлашган ери (почта манзили), қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган жисмоний шахслар шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами»;

2) **272-модда биринчи қисмининг 3-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3) ишда иштирок этувчи шахслар, қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек солиқ тўловчи қарздор юридик шахснинг идентификация рақами»;

3) **447-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ижро варақасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) ижро варақасини берган суднинг номи;

2) ижро варақасининг қайси иш бўйича берилганлиги ва унинг рақами;

3) ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати қабул қилинган сана;

4) ундирувчи ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари; жисмоний шахслар учун — қарздор жисмоний шахснинг туғилган санаси ва жойи, иш жойи, шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), юридик шахслар учун эса — солиқ тўловчи идентификация рақами;

5) суд ҳужжатининг қарор қисми;

6) суд ҳужжати кучга кирган сана;

7) ижро варақаси берилган сана ва уни ижрога топшириш муддати.

Суд ҳужжати асосида берилган ижро варақаси судья томонидан имзоланади ва суднинг гербли муҳри билан тасдиқланади».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ-461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 10-модда, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **145-модда биринчи қисмининг 3-банди** «яшаш жойи» деган сўзлардан кейин «жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа хужжатларнинг реквизитлари), шунингдек қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **196-модда биринчи қисмининг 2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа хужжатларнинг реквизитлари), шунингдек қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами»;

3) **337-модда биринчи қисмининг 4-банди** «яшаш жойи» деган сўзлардан кейин «қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа хужжатларнинг реквизитлари), шунингдек қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда; 2021 йил, № 1, 9-модда, 4-сонга илова) **279-моддаси биринчи қисмининг 4-банди** «яшаш жойи» деган сўзлардан кейин «қарздор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа хужжатларнинг реквизитлари), шунингдек қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг **Ҳисоб палатаси тўғрисида**»-ги ЎРҚ–546-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 384-модда, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **4-модданинг:**

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) тўғрисидаги қонун лойиҳасининг экспертизасини ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия таҳлилини ўтказиш»;

бешинчи хатбошисидаги «замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **9-модданинг учинчи қисмидаги** «Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг, солиқ ҳамда бюджет сиёсати асосий йўналишларининг лойиҳалари» деган сўзлар «Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **13-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «Ҳисоб палатасининг ваколатларига кирадиган масалалар бўйича» деган сўзлар «Ҳисоб палатаси зиммасига юклатилган вазифалар ва ваколатлар доирасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **17-модданинг иккинчи қисмидаги** «бюджет ҳамда смета-штат интизомини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар ҳақидаги» деган сўзлар «бюджет ва смета-штат интизомининг, шунингдек давлат харидлари соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг аниқланган бузилишлари ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **20-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«20-модда. Ҳисоб палатасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси экспертизасини ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия таҳлилини ўтказиш соҳасидаги функциялари

Ҳисоб палатаси Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси экспертизасини ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия таҳлилини ўтказиш соҳасида:

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳасининг шакллантирилишини уларнинг кўрсаткичлари асослигини аниқлаш мақсадида, уларнинг даромадларини прогноз қилиш ҳамда харажатларни режалаштириш, қарз сиёсати ва бюджетлараро муносабатлар сифатига баҳо бериш мақсадида ўрганишни ва таҳлил қилишни амалга оширади;

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия бўйича хулоса беради»;

6) **23-модданинг номидаги ва биринчи хатбошисидаги** «замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **24-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги миссиялари ва ваколатхоналари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **30-модда:**

еттинчи хатбошисидаги «ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан» деган сўзлар «ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва ваколатлар доирасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хулоса тақдим этади»;

ўн иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида» деган сўзлар «белгиланган тартибда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги **йигирма иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади»;

9) 35-модданинг биринчи қисмидаги «Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари параметрлари шакллантирилишини таҳлил қилиш» деган сўзлар «Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси экспертизаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия таҳлили» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 8-модданинг биринчи қисми:

20-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари — атроф-муҳитни ифлослантирганлик, табиатдан ўзбошимчалик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузганлик туфайли табиий объектларга ва комплексларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги, шунингдек қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан»;

қўйидаги мазмундаги **41-банд** билан тўлдирилсин:

«41) Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси — Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан»;

2) 9-модданинг биринчи қисми:

қўйидаги мазмундаги **14¹-банд** билан тўлдирилсин:

«14¹) давлат органлари — ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиш тўғрисидаги даъволар юзасидан»;

26-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26) Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси — Ўзбекистон

Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан»;

3) **10-модданинг биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **16-банд** билан тўлдирилсин:

«16) Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси — Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган аризалар (шикоятлар) юзасидан»;

4) **11-модда** қўйидаги мазмундаги **18-банд** билан тўлдирилсин:

«18) Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойларнинг ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ёнғини, қулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги натижасида жабрланган жисмоний шахслар — уларга ҳужжатларнинг дубликатлари, кўчирма нусхалари, нотариал ҳаракатларни рўйхатдан ўтказиш реестридан кўчирмалар берилганлиги учун»;

5) **12-модданинг 5-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойлар ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойлар ёнғини, қулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги натижасида жабрланган жисмоний шахслар — уларга такрорий гувоҳномалар берганлик учун»;

6) **13-модда:**

номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13-модда. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда беришда давлат божини тўлашдан озод қилиш»;

қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойларнинг ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ёнғини, қулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги натижасида жабрланган жисмоний шахслар йўқолган ёхуд яроқсиз ҳолга келган Ўзбекистон Республикаси фуқароси идентификацияловчи ID-картаси (биометрик паспорти), Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи ID-картаси (яшаш учун рухсатномаси), Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахснинг хорижга чиқиш учун биометрик ҳаракатланиш ҳужжати ўрнига тегишинча шундай ID-карта, биометрик паспорт берилганлиги учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча бўлиб турган чет давлат фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга паспортнинг ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг ҳамда Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш тўғрисидаги ҳужжатнинг

йўқолганлиги ҳақида маълумотнома берилганлиги учун давлат божини тўлашдан озод қилинади»;

7) **14-модда** қўйидаги мазмундаги **9'-банд** билан тўлдирилсин:

«9') Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойларнинг ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ёнғини, қулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги натижасида жабрланган жисмоний шахслар уларнинг йўқолган ҳужжатларини ёхуд қонунчилик ҳужжатларида белгиланган, яроқсиз ҳолга келган, муайян фактни тасдиқлайдиган ҳужжатларини тиклаш чоғида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан ушбу ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари, дубликатлари ҳамда уларнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотномалар талаб қилиб олинганда».

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

14-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддасининг 2-банди, 3-моддасининг 1 — 10 ва 12-бандлари, 6-моддаси ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 август,
ЎРҚ-711-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

501 Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолияти такомиллаштирилаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 6 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 31 июлда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова) **174-моддасининг бешинчи хатбошисидаги** «замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 июлда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида**»ги ЎРҚ–546-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 384-модда, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модда:**

тўртинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги **тўртинчи, бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларининг тўғри қўлланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

бюджет тизими бюджетларига ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларга маблағлар тушумларининг тўлиқлигини, шунингдек яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган чораларнинг амалга оширилишини ўрганиш ҳамда назорат қилиш»;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 августда эълон қилинган.

бешинчи — ўн биринчи хатбошилари тегишинча **еттинчи — ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўн иккинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш»;

қўйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«давлат бошқарув органларида, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган муассаса ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимини жорий қилишга, шунингдек унинг самарали фаолият кўрсатишига доир чораларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш»;

2) қўйидаги мазмундаги **21¹** ва **21²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«21¹-модда. Ҳисоб палатасининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларининг тўғри қўлланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасидаги функциялари

Ҳисоб палатаси давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларининг тўғри қўлланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасида:

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширади;

давлат буюртмачилари томонидан амалга оширилаётган давлат харидларининг самарадорлиги ва қонунийлигининг аудитини ўтказди;

давлат харидларини амалга ошириш механизмлари, тартиб-таомиллари ҳамда усулларининг самарадорлиги ва шаффофлигини оширишга қаратилган таклифларни тайёрлайди.

21²-модда. Ҳисоб палатасининг бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш соҳасидаги функциялари

Ҳисоб палатаси бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш соҳасида:

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар, давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, давлат молиявий назорат органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан ўз расмий веб-сайтларига бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлайдиган ахборотнинг жойлаштирилиши устидан назоратни амалга оширади;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бюджет жараёнининг очиқли-

гини таъминлайдиган ахборотни жойлаштириш муддатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади»;

3) **22-модда:**

номидаги ва **биринчи хатбошисидаги** «тушумларининг тўлиқлигини» деган сўзлар «тушумларининг тўлиқлигини, шунингдек яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган чораларнинг амалга оширилишини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган чораларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказади ва назорат қилади»;

4) **24-модданинг:**

олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

еттинчи — ўнинчи хатбошилари тегишинча **олтинчи — тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) **26-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«яширин иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келадиган омилларни таҳлил қилади, уларни бартараф этиш механизмларини жорий этишга доир таклифларни тайёрлайди ва киритади»;

6) **28-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«28-модда. Ҳисоб палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги функциялари

Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг маълумотлар базаларини шакллантиради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан мониторингни ва доимий назоратни амалга оширади ҳамда уларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритади»;

7) қуйидаги мазмундаги **29¹-модда** билан тўлдирилсин:

«29¹-модда. Ҳисоб палатасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимини жорий этишга, шунингдек унинг самарали фаолият кўрсатишига доир чораларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш соҳасидаги функциялари

Ҳисоб палатаси давлат бошқаруви органларида, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат иштироки улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган муассаса ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича

ички назорат тизимини жорий этишга, шунингдек унинг самарали фаолият кўрсатишига доир чораларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш соҳасида:

коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимини жорий этишга, шунингдек унинг самарали фаолият кўрсатишига доир чораларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказиши ва назорат қилади ҳамда уларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимини ўз вақтида жорий этишга ва унинг самарали фаолият кўрсатишига монелик қилаётган омилларни аниқлайди, шунингдек уларни тизимли равишда таҳлил қилади»;

8) 30-модданинг ўн еттинчи хатбошисидаги «шунингдек олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ҳамда стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилмаганлиги учун, шу жумладан уларнинг ижроси жараёни тўғрисидаги ахборот «ijgo.gov.uz» ахборот тизими орқали тўлиқ, ҳаққоний тарзда ва ўз вақтида тақдим этилмаганлиги, расмиятчиликка ҳамда масалаларни ҳал этиш муддатлари бузилишига йўл қўйилганлиги» деган сўзлар «тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилмаганлиги, шу жумладан уларнинг ижро этилиши жараёни тўғрисидаги ахборот «ijgo.gov.uz» ахборот тизими орқали тўлиқ, ҳаққоний тарзда ва ўз вақтида тақдим этилмаганлиги, шунингдек коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимининг жорий этилишига ҳамда самарали фаолият кўрсатишига доир чоралар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 33-модданинг иккинчи қисмидаги «шунингдек олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларнинг ҳамда стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг ижроси тўғрисидаги ахборот «ijgo.gov.uz» ахборот тизими орқали тўлиқ, ҳаққоний тарзда ва ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун» деган сўзлар «ижроси тўғрисидаги ахборот «ijgo.gov.uz» ахборот тизими орқали тўлиқ, ҳаққоний тарзда ва ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун, шунингдек кейинги назорат жараёнида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимининг жорий этилишига ва самарали фаолият кўрсатишига доир чоралар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги аниқланган тақдирда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 август,
ЎРҚ-712-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

502 Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Давлат молиявий ресурсларини самарали бошқариш ҳамда бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш устидан давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб «Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган назорат шакллари ва турларига қўшимча қуйидагилар амалиётга жорий этилади:

бухгалтерия (бюджет) ҳисоби юритилишини, молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини, молиявий ресурслардан мақсадли ва қонуний фойдаланилганлигини ҳамда даромадларнинг тўлиқлигини, шунингдек, молиявий операцияларнинг қонунийлигини баҳолашни назарда тутувчи молиявий аудит;

консолидациялашган ва жалб қилинган бюджет маблағларидан фойдаланишда, давлат харидларини амалга оширишда, шунингдек, даромадларнинг тўлиқлигини таъминлаш ва бизнес жараёнларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилинганлигини ва уларнинг давлат дастурларига мувофиқлигини текшириш ва баҳолашни назарда тутувчи мувофиқлик аудити;

назорат объектида харажатлар, субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини, ажратилган маблағлардан фойдаланишнинг тежамкорлигини, белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилишини, консолидациялашган бюджет ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги ва натижадорлигини, шунингдек, давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигини баҳолаш ва таҳлил қилишни назарда тутувчи самарадорлик аудити.

2. Ҳисоб палатасининг мазкур Фармоннинг 1-бандида назарда тутилган молиявий, самарадорлик ва мувофиқлик аудитларини дастлабки босқичда

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 августда эълон қилинган.

2022 йилнинг I чорагида I-иловада* кўрсатилган вазирликларда ташқи аудит стандартлари ҳамда қўлланмалари асосида ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Ҳисоб палатаси:

2022 йил 1 январга қадар Олий аудит органларининг халқаро стандартлари (ISSAI) асосида ташқи аудит тадбирларини режалаштириш ва ўтказишни ташкил этиш, улар доирасида молиявий, самарадорлик ва мувофиқлик аудитларини ўтказиш, шунингдек, давлат молиявий назоратида хавф-тахлилни амалга ошириш стандартларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2022 йил 1 октябрга қадар Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Олий аудит органларининг халқаро стандартларини (ISSAI) жорий этиш, ходимлар малакасини ошириш, тажриба алмашиш ва илғор тажрибаларни амалиётда қўллаш учун Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (INTOSAI)га аъзо бўлишни таъминласин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) Ҳисоб палатаси ва ички аудит хизматлари:

ҳар бир назорат тадбирини ташкилий, асосий ва якуний босқичларни ўз ичига олувчи уч босқичли тизим асосида ҳамда аудит тадбирининг турларини аниқ белгилаган ҳолда амалга оширади;

аудит тадбирлари натижалари тўғрисидаги хулосада, шу жумладан қонунбузарликларга имконият яратувчи шарт-шароит ва омилларни, шунингдек, уларни бартараф этиш бўйича тавсияларни ва тизимли муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифларни акс эттиради;

б) 2021 йил 1 октябрдан бошлаб Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги ва ички аудит хизматлари ҳар чоракда камида бир маротаба оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўз фаолиятига оид ҳисоботларни жамоатчиликка эълон қилиб боради;

в) 2022 йил 1 январдан бошлаб молиявий назорат тадбирлари фақатгина назорат ишларининг йиллик дастурига киритилган субъектларда амалга оширилади, камерал назорат ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатлар бундан мустасно.

5. Ҳисоб палатаси Молия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар «Давлат аудити» дастурий комплексининг (кейинги ўринларда — «Давлат аудити» дастури) ишга туширилишини таъминласин.

Белгилансинки:

бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли жамғармалари ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларда ўтказилган барча давлат молиявий назорати тадбирлари, шу жумладан ички аудит хизматларининг аудит тадбирлари «Давлат аудити» дастурида рўйхатга олинади;

ҳар бир назорат тадбири учун ўрганиладиган саволлар, тадбирнинг предмети, маълумотларни жамлаш ва таҳлил ўтказиш тартибини ўз ичига олган назорат тадбирини ўтказиш режаси тузилади;

* I-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Давлат аудити» дастурида рўйхатга олинмаган назорат тадбирлари ноқонуний ҳисобланади;

барча давлат молиявий назорати тадбирлари, шу жумладан ички аудит хизматларининг аудит тадбирлари натижаларига доир барча турдаги ҳужжатлар (давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно) «Давлат аудити» дастурида жамланади;

давлат молиявий назорати тадбирларида аниқланган ҳолатлар бўйича назорат тадбири ўтказилган ташкилотнинг ёзма фикри назорат тадбири тамомлангандан кейин беш кун муддатда «Давлат аудити» дастурига жойлаштирилади.

Бунда, «Давлат аудити» дастурини ишлаб чиқиш, техник қўллаб-қувватлаш, шунингдек, унинг функционал имкониятларини мунтазам такомиллаштириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштирилади.

6. Молия вазирлиги Ҳисоб палатаси билан биргаликда:

2022 йилдан бошлаб Молия вазирлиги ва ҳар бир ички аудит хизмати томонидан ҳар чоракда фуқаролар иштирокидаги аудит тизими орқали аниқланган камида 2 тадан объектда назорат тадбирини ўтказишни назарда тутувчи фуқаролар иштирокидаги аудит тизимини жорий этсин;

икки ой муддатда фуқаролар иштирокидаги аудит ўтказиладиган объектни аниқлаш ва давлат молиявий назорати органлари фаолияти самарадорлигини жамоатчилик томонидан баҳолаб бориш тартибини ишлаб чиқсин.

7. Белгилансинки:

Ҳисоб палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари лойиҳалари ва уларнинг ижросини ташқи аудитдан ўтказиши;

Ҳисоб палатасининг масъул ходимлари Ҳисоб палатасининг раиси томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади;

Ҳисоб палатаси бошқарув, ёрдамчи ва техник ходимлари мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий хизмат ва транспорт таъминоти шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли ходимларига тенглаштирилади;

Ҳисоб палатаси ёрдамчи ва техник ходимларининг умумий чекланган сони Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари сони нисбатининг нормативларини аниқлаш методикаси асосида Ҳисоб палатасининг раиси томонидан тасдиқланади.

8. Ҳисоб палатаси бошқарув ходимлари чекланган сони 110 та штат бирлиги этиб белгилансин ҳамда Ҳисоб палатасининг янгиланган тузилмаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ҳисоб палатаси раисига, зарур ҳолларда Ҳисоб палатасининг тасдиқланган тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Ҳисоб палатаси Ҳайъати (кейинги ўринларда — Ҳайъат) ташкил этилсин ҳамда унинг таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки, Ҳайъат йиғилишларига бошқа вазирлик, идора, корхона ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари ҳамда жамоатчилик вакиллари ҳам таклиф этилиши мумкин.

11. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

давлат молиявий назорати тадбирлари натижалари бўйича бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси юзасидан вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш;

давлат молиявий назорати ва ички аудит фаолиятини ташкиллаштириш ҳамда амалга оширишнинг халқаро тан олинган услублари ва воситаларини жорий қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги зиддиятларни бартараф этиш, уларни такомиллаштириш, эскирган ҳамда ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш бўйича вазирлик ва идораларга таклифлар бериш;

молиявий ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ва уларнинг олдини олишни назарда тутадиган истиқболли йўналишларни белгилаш;

ички аудит хизматлари фаолияти натижаларини муҳокама қилиш ҳамда ички аудиторлар масъулияти ва жавобгарлигини ошириш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш.

12. Ҳисоб палатаси (Б. Турабов) 2021 йил якунига қадар:

давлат молиявий назорати тизими бўйича маълумотлар базаси ҳамда камерал назоратни амалга оширувчи автоматлаштирилган дастурий таъминот яратилишини таъминласин;

Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бюджет назорати ва аудитга ихтисослашган таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига олий таълим муассасаларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

13. Ҳисоб палатасига юридик шахс мақоми берилсин ва шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Молия-ҳўжалик департаменти:

Ҳисоб палатасининг Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 43-уй манзилида жойлашган бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилишини;

Ҳисоб палатасига бириктирилган офис жиҳозлари (компьютер, принтер ва алоқа жамламалари, мебель ва бошқа керакли инвентарь ва ускуналар) унинг балансига беғараз ўтказиб берилишини таъминлансин.

14. Ҳисоб палатаси фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгилансин.

15. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ҳисоб палатасининг буюртманомаси бўйича белгиланган тартибда:

Ҳисоб палатаси алоқанинг зарур турлари, шу жумладан Ҳукумат ало-

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қаси билан жиҳозланишини, шунингдек, кенг полосали Интернет тармоғидан фойдаланишини;

Ҳисоб палатасининг фаолиятида фойдаланиладиган дастурий таъминотлар узлуксиз ишлашининг қўллаб-қувватланишини таъминласин.

Молия вазирлиги Ҳисоб палатасини сақлаш, ахборот тизимларини жорий этиш, ходимларнинг малакасини ошириш ҳамда зарур компьютер техникалари, мебель, алоқа воситалари билан жиҳозлаш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

16. 2021-2022 йилларда давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

18. Ҳисоб палатаси Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари Б.Т. Турабов ҳамда молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2022 йил 1 январга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 август,
ПФ-6300-сон

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 27 августдаги
ПФ–6300-сон Фармониغا
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Хукуматининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5147-сон Фармонида:

3 ва 4-бандлар ҳамда Фармонга 1 ва 1а-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

қўйидаги мазмундаги 5²-банд билан тўлдирилсин:

«5². Белгилансинки, Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан Ҳисоб палатаси ходимларининг лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари 2 барабар оширилган микдорда қўлланилади. Бунда, мазкур Фармонда ҳамда илгари қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларининг оширилган тариф коэффициентларини бир вақтда қўллашга рухсат этилмайди ҳамда уларнинг энг юқориси қўлланилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–5831-сон Фармониغا 1-илованинг 2, 3, 7 ва 8-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Яширин иқтисодийтни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6098-сон Фармониغا 9-илованинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмининг ҳамда давлат молиявий назорати тизимининг янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ–3231-сон қарорида:

а) 1-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидан «ва молиявий назорат» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-банднинг «б» кичик бандида:

биринчи хатбошидан «ва молиявий назорат» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги «тақдимномалар» сўзи «кўрсатмалар» сўзига алмаштирилсин;

в) 3-бандда:

иккинчи ва тўртинчи хатбошилардан «ва молиявий назорат» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидан «ва молиявий назорат» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 6-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

д) 9-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

е) 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет ташкилотларини харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартибининг 35-бандидан «ва молиявий назорат» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

503 Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясини ташкил этиш тўғрисида*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олий таълимни ривожлантириш, таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш, кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасидаги кадрлар етарли билим ва кўникмаларга эга эмаслиги, меҳнат муҳофазаси нормаларига амал қилиш бўйича профилактик ишларнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги оқибатида ишлаб чиқариш жараёнида кўплаб бахтсиз ходисалар рўй бермоқда.

Меҳнат ҳуқуқи йўналиши бўйича мутахассисларнинг етишмаслиги натижасида меҳнат қонунчилиги соҳасидаги қонун бузилиши ҳолатлари сони ортиб бормоқда. Жумладан, касаба уюшмалари томонидан ҳар йили ушбу масалага оид ўртача 28 мингга яқин мурожаатлар кўриб чиқилади.

Меҳнат шароитларининг санитария қоидалари нормалари ва гигиена нормативларига жавоб беришини аниқлаш бўйича зарур билим ва кўникмаларга эга кадрларнинг етишмаслиги боис, ходимларнинг касб касалликларига чалиниш даражаси юқорилигича қолмоқда.

Республикада меҳнат тиббиёти мутахассисликлари бўйича кадрлар етарли миқдорда тайёрланмаётганлиги сабабли касб касалликларини даволаш ва профилактика қилиш ишлари лозим даражада амалга оширилмаяпти.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 августда эълон қилинган.

Шунингдек, соҳада тизимли илмий изланишлар ўтказилмаётганлиги, асосланган таклиф ва тавсиялар етишмаслиги туфайли меҳнат муносабатлари соҳасига оид ўз ечимини қутаётган қатор масалалар сақланиб қолмоқда.

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ малакали кадрларни тайёрлаш, иқтисодиёт тармоқларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, соҳага оид муаммоларни илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси (кейинги ўринларда — Муассис) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясини (кейинги ўринларда — Академия) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қўйидагилар Академиянинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

замонавий инновацион ва илмий-педагогик технологияларни, фан ва техниканинг энг сўнги ютуқларини қўллаган ҳолда, меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида талаб юқори бўлган касблар, йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича малакали кадрларни тайёрлаш;

таълимнинг тегишли йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув-методик адабиётларни яратиш, талабалар ва ёш мутахассисларни жалб қилган ҳолда фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, таълим тизимига етакчи хорижий таълим ташкилотлари тажрибасини жорий қилиш;

меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган янги таълим дастурларини ҳамда ўқитишнинг инновацион шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

истикболли битирувчиларни хорижий олий таълим ташкилотларига ва илмий-тадқиқот марказларига тегишлича бакалаврият, магистратура ҳамда докторантурада ўқишга юбориш орқали Академиянинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, педагогик технологиялар ва ўқитиш услубларини такомиллаштириш;

халқаро ва миллий меҳнат стандартлари, меҳнат ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари, меҳнат тиббиёти, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат муҳофазаси йўналишлари бўйича олий малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш;

таълим ва илмий фаолиятнинг ишлаб чиқариш соҳаси билан узвий интеграциялашуви учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

ижтимоий-меҳнат муносабатлари мутахассислари, қасаба уюшмалари тизими ҳамда тиббий профилактика муассасалари ходимларини замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотларда тажриба ортиришини ташкил этиш;

республика ва хориждаги етакчи таълим ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ҳамда илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, уларнинг етакчи мутахассисларини таълим ва илмий тадқиқот жаъёнларига жалб қилиш, меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасидаги

долзарб масалаларни муҳокама қилиш бўйича халқаро илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва симпозиумлар ташкил этиш;

профессионал таълим, бакалаврият, магистратура ва олий ўқув юртидан кейинги таълим йўналишлари бўйича етакчи хорижий таълим ташкилотлари билан қўшма таълим дастурларини жорий этиш;

Академиянинг фаолият йўналишлари бўйича шартнома асосида хизматлар кўрсатиш, ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва инновацион-инвестициявий тузилмаларни ташкил этиш.

3. Белгилансинки:

Академия қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган барча таълим босқичларида фаолият кўрсатадиган нодавлат таълим ташкилоти ҳисобланади;

Академияда таълим фаолияти 2022/2023 ўқув йилидан бошланади;

Академияда ўқитиш Ўзбекистон Республикасида амалда мавжуд таълим шакллари бўйича ўзбек, рус ва инглиз тилларида тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

Академиянинг тузилмаси, штатлар жадвали, қабул параметрлари, абитуриентларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари, Академияда ўқитишнинг тўлов-контракт қиймати ҳамда педагог кадрларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори Муассис билан келишилган ҳолда Академия томонидан тасдиқланади;

Академияда ўқитиш Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандартлари талабларини инобатга олган ҳолда кадрлар буюртмачиларининг эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ амалга оширилади;

Академия битирувчиларига олий таълим ёки профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинadиган Ўзбекистон Республикасининг белгиланган намунадаги дипломи берилади.

4. Қўйидагилар:

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси Васийлик кенгашининг таркиби 1-иловага* мувофиқ;

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясини ташкил этиш бўйича ташкилий комиссия таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қўйидагилар Васийлик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

таълим жараёнини, талабаларнинг ўқув ҳамда ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш, таълим сифатини тизимли равишда ошириш, Академия битирувчиларини ишга жойлаштириш;

Академия фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш учун хайрия ва техник кўмак маблағларини (грантларни) жалб этиш;

Академиянинг моддий-техник, ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий инфратузилмасини яхшилашга кўмаклашиш, уни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва ўқув-методик адабиётлар билан жиҳозлаш;

илмий ишланмалар натижаларини ҳаётга самарали жорий этиш, таъ-

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лим ва илм-фан соҳасида халқаро ҳамкорлик ўрнатиш ва уни ривожлантириш;

талабаларни, энг аввало, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, талабаларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва яшаш жойларида бўш вақтларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг дам олиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш;

истикболли талабаларни танлов асосида соҳага ихтисослашган хориждаги бошқа етакчи таълим ташкилотларига стажировка ўташга юбориш учун танлаб олишни ҳамда уларга хорижда таҳсил олиш учун махсус стипендиялар ажратишни ташкил этиш.

6. Ташкилий комиссияга (Мусаев) Академия фаолиятини ташкил этиш ишларини бошқариш, унинг тўлақонли фаолият юритиши билан боғлиқ ташкилий, молиявий, ҳуқуқий, иқтисодий, ўқув-методик, моддий-техник таъминот ва бошқа масалаларни ҳал қилиш вазифаси юклансин.

7. Муассиснинг қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олиши тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

Академиянинг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш;

Академияни замонавий лаборатория ускуналари, ўқув ва илмий адабиётлар, мебель, компьютер техникаси билан таъминлаш ҳамда ўқув жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

Академияни танлов асосида малакали профессор-ўқитувчилар билан тўлдириш;

ҳар йили 20 нафардан кам бўлмаган, Академияга кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизи мида кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинган оилаларнинг фарзандларини бепул (Муассис гранти асосида) ўқишга қабул қилиш.

8. Муассис Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

икки ой муддатда Академиянинг таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, Академияни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин;

Академиянинг танлов асосида малакали профессор-ўқитувчилар билан тўлдирилишини таъминласин.

9. Қуйидагилар Академия фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолияти бўйича ва шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлардан тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

Муассиснинг маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Академия буюртмала-

рига биноан, ўрнатилган тартибда хорижий мутахассисларнинг (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида бундай мутахассислар бўлмаган тақдирда) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

11. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Академияни жойлаштириш учун Муассисга бино ажратиш чораларини кўрсин.

12. Академия:

босма ва китоб маҳсулотлари (ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий нашрлар)нинг бепул нусхаларини (бир нусхада) оладиган ташкилотлар рўйхатиغا;

Давлат статистика қўмитаси, шунингдек, бошқа вазирлик ва идораларнинг статистик ахборотлари мажбурий юбориладиган рўйхатга киритилсин.

13. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Ш.Ш. Миноваров ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 23 август,
ПҚ-5227-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**504 Сурхондарё вилоятида қулай инвестиция муҳитини яратиш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Сурхондарё вилоятида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг экспортини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича «маҳаллабай» ишлаш тизимининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан қуйидаги маблағлар ажратилсин:

а) оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, шу жумладан аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида 100 млн АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар, шундан:

30 млн АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар 3 йиллик имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, йиллик 10 фоиз ставкада, 7 йил муддатга «Миллий банк» акциядорлик жамиятига ва ушбу банк томонидан бошқа тижорат банкларига молиявий ресурс ажратиш орқали «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида амалга ошириладиган лойиҳаларга кредит бериш учун. Бунда, тижорат банклари, шу жумладан «Миллий банк» акциядорлик жамияти тадбиркорлик субъектларига Марказий банкнинг асосий ставкасига тенг бўлган йиллик фоиз ставкасида кредитлар ажратади;

10 млн АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар «Туронбанк» АТБ устав капиталидаги Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг улушини ошириш орқали Сурхондарё вилоятида лимончилик лойиҳаларини молиялаштириш учун;

60 млн АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар 3 йиллик имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, йиллик 7 фоиз ставкада, 7 йил муддатга «Миллий банк» акциядорлик жамиятига ва ушбу банк томонидан бошқа тижорат банкларига молиявий ресурс ажратиш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси паст ҳамда ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган маҳалла ҳудудларида «етакчи» тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун. Бунда, тижорат банклари, шу жумладан «Миллий банк» акциядорлик жамияти «етакчи» тадбиркорлик субъектларига ҳар бир маҳалла учун 2 млрд сўмгача маблағни йиллик 10 фоиз ставкада ажратади;

б) 50 млн АҚШ доллари миқдоридagi маблағлар 3 йиллик имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, йиллик 2,5 фоиз ставкада, 10 йил муддатга «Миллий банк» акциядорлик жамиятига ва ушбу банк томонидан бошқа

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 августда эълон қилинган.

тижорат банкларига молиявий ресурс ажратиш орқали вилоятда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўналишидаги янги лойиҳаларни молиялаштириш, зарур инфратузилмани яратиш ҳамда экспортёрларни айланма маблағ билан таъминлаш учун.

2. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги:

а) икки ой муддатда 2022-2023 йилларда вилоятда янги кичик тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва иш ўринларини яратиш прогност кўрсаткичларини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

б) бир ой муддатда:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда тижорат банклари билан биргаликда «хонадонбай» ишлаш тизими асосида «оғир» маҳаллалардаги аҳолининг турмуш шароити, истак-хоҳиши ва имкониятларини ўрганиб чиқсин;

«оғир» маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари»ни тасдиқласин. Бунда, ҳар бир маҳаллада аҳолининг азалдан шаклланган меҳнат кўникмасидан келиб чиқиб, энг самарали «ўсиш нуқталари» сифатида чорвачилик, паррандачилик, томорқа ва иссиқхона хўжалиги, хунармандчилик, косибчилик ва кичик ишлаб чиқариш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилсин;

в) икки ой муддатда тижорат банклари билан биргаликда «етакчи» тадбиркорлик субъектларини белгиланган тартибда танлаб олсин ва уларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси паст ҳамда ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган маҳаллаларга бириктирсин;

г) ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси паст ҳамда ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган маҳаллалардаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истаги бўлган аҳолини «етакчи» тадбиркорлик субъектларига бириктириш ёки ўз бизнесини йўлга қўйишига кўмаклашиш чораларини кўрсин.

3. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги халқаро молия институтларидан қўшимча жалб қилинаётган 50 млн АҚШ доллари эквивалентидаги қарз маблағлари ҳисобига Сурхондарё вилоятида 2021-2022 йилларда ташкил этиладиган замонавий иссиқхона лойиҳаларини молиялаштириш чораларини кўрсин.

4. Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши томонидан белгилаб бериладиган вилоятнинг тоғли ва ерлари шўрланган ҳудудларида янгидан ташкил этиладиган ва шу ҳудудларда рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлик субъектлари учун (кластерлар бундан мустасно) 2021 йил 10 сентябрдан 2024 йил 1 январга қадар фойда солиғининг амалда белгиланган ставкасини 50 фоизга пасайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Молия вазирлиги бир ой муддатда Сурхондарё вилоятининг Бандихон, Қизирик, Музработ ва Шеробод туманларида, шунингдек, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши томонидан белгилаб бериладиган тоғли ва ерлари шўрланган ҳудудларда янги ташкил этиладиган ва шу ҳудудларда рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлик субъектлари-

ни (кластерлар бундан мустасно) 2024 йил 1 январга қадар юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, айланмадан олинадиган солиқ ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган миқдорини тўлашдан озод қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Сурхондарё вилоятининг маҳаллий саноат корхоналари Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ҳамда фақат ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган асбоб-ускуна, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар учун божхона тўловлари (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан 2024 йил 1 июлга қадар озод қилинсин.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Самарқанд вилоятида эксперимент тариқасида жорий этилган «маҳаллабай» ишлаш тизимини Сурхондарё вилоятида жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

7. Белгилансинки:

Маҳаллабай ишлаш марказлари (кейинги ўринларда — Марказлар) Бандихон, Қизирик, Музработ ва Шеробод туманларида 2021 йил 1 сентябрдан, Сурхондарё вилоятининг қолган туман (шаҳар)ларида 2021 йил 1 ноябрдан ташкил этилади;

Марказлар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 майдаги «Самарқанд вилоятида эксперимент тариқасида маҳаллабай ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5105-сон қарори асосида амалга оширади;

Марказлар фаолияти марказларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган тузилма ва устави асосида ташкил этилади;

Марказлар ходимларига туман (шаҳар) иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари ходимларига Давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириладиган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича разрядлар татбиқи этилади.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Марказларнинг уставлари ва тузилмалари тасдиқланишини таъминласин ҳамда уларни тегишли бино билан таъминлаш ва моддий-техника таъминотини шакллантириш чораларини кўрсин.

8. Қўйидагилар:

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри ҳокимлиги бошқарув аппаратининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Сурхондарё вилояти туманлари ҳокимликлари бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Қўйидагилар:

3-иловага* мувофиқ Сурхондарё вилоятининг паст рентабелли 136,3 гек-

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тар ер майдонлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига;

Бандихон тумани «Бандихон» МФЙ ҳудудидаги 47Г, 47Б, 47Қ ва 46-контурларда жойлашган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган паст рентабелли 34 гектар ер майдонлари туман марказининг ишлаб чиқиладиган янги бош режасига мувофиқ кўп қаватли турар жойлар мажмуаси, аҳолининг дам олиши ва маданий ҳордиқ чиқариши учун яшил сайилгоҳ, маданий ва маърифий марказ ҳамда кўнгилочар объектлар барпо этиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган аҳоли пунктларининг ерлари тоифасига;

Термиз тумани «Сурхон дўстлик сарҳади» массивидаги 454 гектар яйлов ерлари ўрмон фонди ерлари тоифасидан саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказилсин.

10. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Кадастр агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда мазкур қарорнинг 9-бандида назарда тутилган ер участкаларининг тоифалари ўзгариши билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш, ер-кадастр ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш, бўш турган ер участкаларини тадбиркорлик субъектларига электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиш, давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига доимий фойдаланишга бериш чораларини кўрсин.

11. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 9-бандига мувофиқ 170,3 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва 454 гектар ўрмон фонди ерлари бошқа ерлар тоифасига ўтказилиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловлари, истисно тариқасида, ундирилмайди.

12. Ҳисоб палатаси Бош прокуратура билан биргаликда мазкур қарорга мувофиқ ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, тўловлар асосланганлиги ва лойиҳа харажатлари мақбуллаштирилганлиги устидан тизимли назорат ўрнатсин ҳамда ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

13. Қўйидагиларга:

Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболовга — ушбу қарорга мувофиқ ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва манзилли фойдаланилишини таъминлаш, «оғир» маҳаллаларда «хонадонбай» ишлаш тизими асосида ишларни йўлга қўйиш ва амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича самарали натижаларга эришиш;

Бош вазир ўринбосари Ж.А. Кўчқоровга — Марказлар фаолиятини тўлиқ ва самарали йўлга қўйиш, маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари»ни аниқлаш ва янги тадбиркорликни, шу жумладан «драйвер» лойиҳаларни амалга оширишда ташаббускорларга кўмаклашиш ва шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш;

Бош вазирнинг ўринбосари С.У. Умурзаковга — вазирликлар, идора-

лар ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги томонидан инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилиши ҳамда ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши билан боғлиқ жараёнларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2021 йил 10 ноябрь ва 2022 йил 10 февралга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 23 август,
ПҚ-5228-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

505 Халқаро кулолчилик форуми ва кулолчилик маҳсулотлари кўргазма-савдосини ўтказиш тўғрисида*

Мамлакатимизда қадимдан ривожланиб келаётган кулолчилик анъаналарини асраб-авайлаш, тиклаш ва ривожлантириш, халқаро даражада кенг тарғиб қилиш, кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва унинг экспортини ошириш, уста кулол хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уста-шоғирд мактаблари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта сентябрь ойида Халқаро кулолчилик форуми ва кулолчилик маҳсулотлари кўргазма-савдоси (кейинги ўринларда — Форум) ҳамда унинг доирасида илмий-амалий конференция, кўрик-танлов, тақдимот ва намойишлар, кўргазма-савдолар, театрлашган концерт-томоша дастурлари, маданий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиб борилсин.

Белгилансинки:

Форум ҳар икки йилда бир марта сентябрь ойида Қўқон шаҳрида ўтказиладиган Халқаро хунармандчилик фестивали билан уйғун ҳолда;

дастлабки Форум ва унинг доирасида «Анъанавий кулолчиликни сақлаш ва уни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги халқаро

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 августда эълон қилинган.

илмий-амалий конференция 2022 йил сентябрь ойида Фарғона вилоятининг Риштон туманида Кўкон шахрида ўтказиладиган II Халқаро хунармандчилик фестивали кунлари ташкил этилади.

2. Халқаро хунармандчилик фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин, шунингдек, ушбу Ташкилий қўмита Форумни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳам Ташкилий қўмита ҳисоблансин.

3. Ташкилий қўмитага (А.А. Абдухакимов):

Форумни юқори бадиий савияда ўтказиш, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, бу борада масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Форум совриндорларига топшириладиган диплом ва сертификатлар намуналарини тайёрлаш ҳамда тасдиқлаш;

Форумни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш вазифалари юклансин.

4. Белгилансинки:

а) Форум Ташкилий қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда келгусида босқичма-босқич республиканинг бошқа ҳудудларида ўтказилиши мумкин;

б) Форум бевосита (офлайн) ёки аралаш шаклда (офлайн-онлайн) ўтказилиши мумкин;

в) 2022 йилдан кейин Форумни ташкил этиш бўйича «Йўл харитаси» «Хунарманд» уюшмаси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда уни ўтказишдан камида 6 ой олдин белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

г) Форумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ташкилий қўмита томонидан ишлаб чиқиладиган ва белгиланган тартибда тасдиқланган смета асосида қўйидаги тартибда:

Форумга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ барча харажатлар Форум ўтказиладиган жой сифатида белгиланган ҳудуд маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

Форумни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи — Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 50 фоизи — Форум ўтказиш белгиланган ҳудуд маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Форум ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари билан ташкил этилган бошқа халқаро маданий тадбирлар доирасида:

а) 2022 йил 1 мартга қадар Форум расмий веб-сайти ишга туширилади, жумладан унда хунармандчилик маҳсулотлари ва бошқа эсдалик совға-

лари реализацияси ташкил этилади ҳамда веб-сайт электрон савдо платформалари билан интеграция қилинади.

Форум расмий веб-сайти орқали ҳунармандчилик маҳсулотлари ва бошқа эсдалик совғалари реализация қилинганда 2024 йил 1 октябрга қадар давлат харидларини амалга оширишда тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилади. Бунда, давлат буюртмачилари тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни шартнома тузилган пайдан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталига жойлаштириши шарт;

б) музей дўконлари, эсдалик совғалари савдо тармоқларининг вакиллари, халқаро харидорлар, машхур коллекционерлар тадбирларга таклиф этилади, уларнинг Ўзбекистонга келиб-кетиши ва бўлиши билан боғлиқ харажатларини қоплаш ушбу халқаро маданий тадбирларнинг сметасида назарда тутилади. Бунда, уларнинг рўйхати тегишли халқаро тадбирларнинг ташкилий қўмитаси томонидан тасдиқланади;

в) қонунчиликда хорижга олиб чиқиб кетиш учун бадий экспертизадан ўтказилиши талаб этиладиган ҳунармандчилик маҳсулотлари ва бошқа эсдалик совғалари улар сотиб олинган кунда тадбирлар ўтказилаётган жойнинг ўзида тўлов ундирилмасдан бадий экспертизадан ўтказилади.

Ташкилий қўмита (А.А. Абдухакимов) ушбу бандда белгиланган вазифалар амалга оширилишини ташкил қилсин, Форум расмий веб-сайтини яратиш билан боғлиқ харажатларни Форумнинг харажатлар сметасида назарда тутсин.

6. Фарғона вилояти ҳокимлиги (Х.Х. Бозаров) Савдо-саноат палатаси (А.И. Икрамов), «Хунарманд» уюшмаси (У.Т. Абдуллаев), Туризм ва спорт вазирлиги (У.А. Азамов) билан биргаликда уч ой муддатда Форумни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда Форумни 2022 йилда ташкил этиш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х. Камилов):

хорижий давлатлардан кулолчилик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар, маҳоратли кулоллар, амалий санъат усталари, соҳа олимлари ва мутахассислари, фахрий меҳмонларни Форумга таклиф этишда ташкилотчиларга амалий ёрдам кўрсатсин;

Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмасининг виза талабномаларига биноан Форумнинг хорижий иштирокчилари учун кириш визаларининг белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков) Савдо-саноат палатаси (А.И. Икрамов), «Хунарманд» уюшмаси (У.Т. Абдуллаев) ва Ёзувчилар уюшмаси (С.С. Саидов) билан биргаликда Форумнинг тантанали очилиш маросимини ҳар томонлама пухта ва бадий жиҳатдан бетакрор усулда ўтказиш учун юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарийнавис ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, ҳунармандлар, сахналаштирувчи рассомлар, истеъдодли санъаткорларнинг белгиланган тартибда кенг жалб этилишини таъминласин.

9. Форум ўтказиладиган жой сифатида белгиланган ҳудуд инobatга олинган ҳолда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жумладан 2022 йилда ўтказиладиган Форум бўйича Фарғона вилояти ҳокимлиги (Х.Х. Бозаров):

а) тегишли ҳудудларда кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилишини, Форум ўтказиладиган сахна майдонлари ҳамда жойларнинг талаб даражасида тайёрланишини;

б) Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Кинематография агентлиги ва Бадиий академия билан биргаликда:

Форум доирасида тадбирлар ўтказиладиган ҳудудда кулолчилик санъатига оид турли кўргазмалар, кулолчилик буюмлари, қадимий кулолчилик дастгоҳлари ва маҳсулотларини яратиш жараёнлари, кулолчиликка оид бадиий ва ҳужжатли фильмлар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши ва уларнинг сотуви ташкил этилишини;

Форум доирасида театрлаштирилган томошалар, аския ва қизикчилар, фольклор ва дорбозлик жамоаларининг томоша дастурлари намойиш этилишини;

Форум дастури ишлаб чиқилишини ва Форум бошланишидан уч ой олдин туристик ташкилотларга тақдим этилишини, Интернет тармоғи ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилишини;

Форумнинг туризм календарь режасига киритилишини ҳамда унга хорижий меҳмонлар ва сайёҳлар жалб қилинишини;

в) Туризм ва спорт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда Форум қатнашчилари ва меҳмонлар учун меҳмонхоналардан жой ажратилишини таъминласин.

10. Қуйидагилар:

Фарғона вилояти ҳокимлиги (Х.Х. Бозаров) Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда 2022 йил якунига қадар миллий хунармандчиликнинг кулолчилик йўналишларини ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий мерос рўйхатига киритишга тавсия этиш бўйича;

Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Хунарманд» уюшмаси, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2025 йил якунига қадар тегишлича хунармандчиликнинг ҳудудда ривожланган йўналишини инobatга олиб, Риштон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Шаҳрисабз ва Нурота шаҳарларини Жаҳон хунармандлари шаҳри мақомини олишга тавсия этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу бандда назарда тутилган тадбирлар халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда хорижий эксперт ва малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

11. Транспорт вазирлиги (И.Р. Махкамов) Форум қатнашчиларини

Савдо-саноат палатаси ва «Хунарманд» уюшмаси буюртмаларига мувофик, белгиланган тартибда авиа ва темир йўл чипталари билан таъминласин.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А. Артикходжаев) Савдо-саноат палатаси (А.И. Икрамов) ва «Хунарманд» уюшмаси (У.Т. Абдуллаев) билан биргаликда Форумга ташриф буюрувчи хорижий меҳмонлар ва қатнашчиларни кутиб олиш, жойлаштириш ва уларни Форум ўтказиладиган ҳудудга юборишни ташкил этсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев) Форум ўтказиладиган жойларда ва ушбу тадбирлар давомида тез тиббий ёрдам пунктларини ташкил этсин ҳамда санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя қилинишини назорат қилсин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К. Кўчимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж. Хаджаев), «Дунё» ахборот агентлиги (С.Л. Суяров) ва бошқа оммавий ахборот воситалари Форумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб боришни ташкил этсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Савдо-саноат палатаси раиси А.И. Икрамов ҳамда «Хунарманд» уюшмаси раиси У.Т. Абдуллаев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 23 август,
ПҚ-5229-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**506 Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарларининг уларга юкланган вазифаларни бажаришда шахсий масъулиятини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Сўнги йилларда республикада Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини тубдан ошириш бўйича кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан:

биринчидан, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди;

иккинчидан, ҳудудларда ишларнинг ҳаққоний ҳолатини чуқур ва ҳар томонлама танқидий ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мақсадида вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини тегишлича вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ташкил этилиб, уларнинг асосий вазифалари белгиланди;

учинчидан, барча даражадаги ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисларида ҳисобот бериши тизими яратилди, шунингдек, ҳоким ва унинг ўринбосарларининг халқ билан очиқ мулоқот қилиш, шу жумладан аҳолининг кенг қатламлари билан сайёр қабуллар ўтказиш амалиёти жорий этилди;

тўртинчидан, маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари»ни аниқлаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш орқали аҳолини касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш, «драйвер» лойиҳаларни амалга ошириш бўйича «маҳаллабай» ишлаш тизими ташкил қилинди;

бешинчидан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган ҳар бир шахс билан тизимли равишда мунтазам иш олиб боришни ташкил қилиш орқали аҳолининг, айниқса, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг реал даромадларини ошириш ишлари амалга оширилмоқда.

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича ҳудудларда амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, ҳудудларни, айниқса ижти-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 августда эълон қилинган.

мойи-иқтисодий ривожланишда нисбатан орқада қолаётган туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишда биринчи навбатда барча даражадаги маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ва улар ўринбосарларининг ваколатларини аниқ белгилаш ҳамда шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ўринбосарлари фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишининг асосий мезонлар орқали баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари (кейинги ўринларда — маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари)нинг эътибори қуйидагиларга қаратилсин:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармониға мувофиқ ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича ягона ва узлуксиз «технологик занжир»нинг янгича таъсирчан тизимини жорий этиш;

масъулиятсиз ўринбосарларига нисбатан шахсий талабчанлик ўрнига либерал муносабат шаклланиб бораётганлиги каби салбий ҳолатнинг олдини олиш, уларнинг функционал вазифаларини ўз вақтида ҳамда самарали бажаришга нисбатан шахсий масъулиятсизлигининг ҳар қандай кўриниши ва ҳолатларига бутунлай барҳам бериш.

2. Маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ўринбосарларининг ўзларига юкланган вазифаларни амалга оширишда асосий эътибори қуйидаги устувор масалаларга қаратилсин:

маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари — аҳолининг бандлигини таъминлаш, республика ва маҳаллий бюджетга солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичларини бажариш, ҳудудларда ташкил этилган кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари билан ишлаш, «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга оширишдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ҳамда «маҳаллабай» ишлаш тизимига ўтиш;

маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосарлари — ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилган объектлар, қишлоқ ва шаҳар жойларида намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қурилиши сифатини назорат қилиш, объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш, ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш, туман марказларида «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» давлат дастурлари ижросини ташкил этиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, оқова сув, ички хўжалик йўллари ва бошқа коммуникация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини қатъий назоратга олиш;

ҳоким ўринбосарлари — вилоятлар ва Тошкент шаҳар инвестициялар ва ташқи савдо бошқармалари бошлиқлари — инвестиция, айниқса, тўғри-

дан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ҳудудни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан келиб чиқиб, унинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилаш ва экспорт салоҳиятини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш, олий ва юқори даражадаги ташрифлар якунлари бўйича имзоланган «йўл хариталари» ижросини таъминлаш ишларига ҳамда ҳудудларда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиш, ҳудуд раҳбарларининг хорижий давлатларга хизмат сафарлари якунлари бўйича эришилган келишувлар амалиётга татбиқ қилинишини таъминлаш;

маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари — пахта ва ғалла етиштириш билан боғлиқ вазифалар билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, шу жумладан кластерлар фаолиятини ташкил этиш, қишлоқ хўжалигига замонавий, инновацион агротехнологияларни фаол киритиш, экспорт-боп маҳсулотлар етиштириш, уларни қайта ишлаш, томчилатиб суғориш бўйича инновацион лойиҳаларни жорий этиш каби жиддий ва муҳим масалаларга эътибор қаратиш;

маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган бешта ташаббусни ҳудудларда тўлақонли жорий этиш, шу жумладан ёшларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва бандлигини таъминлашда фаоллик кўрсатиш, аҳолини ижтимоий хизматлар билан таъминлаш, бирламчи тиббий хизмат сифатини яхшилаш, боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим ташкилотлари билан қамраб олиш, умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш, профессионал таълим ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, аҳоли ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;

ҳоким ўринбосарлари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари бошлиқлари — маҳалла фуқаролар йиғинларида «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини амалиётга жорий этиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини ва осойишталикни таъминлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, томорқалардан унумли фойдаланиш, ер участкаларини ноқонуний эгаллашнинг олдини олиш, ҳудудни ободонлаштириш, жамиятда хотин-қизлар мавқеини янада ошириш, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналар билан манзилли ишлаш, аёллар бандлигини таъминлаш борасида аниқ натижаларга эришиш;

маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари — ички туризмни ривожлантириш, туризм қишлоқларини барпо этиш, аҳолини спортга жалб қилиш орқали уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш борасидаги ишларни талаб даражасида ташкил этиш, соҳани рақамлаштириш

ва давлат-хусусий шериклик, шу жумладан хусусий секторнинг ушбу йўналишлардаги ролини оширишда ташаббускорлик кўрсатиш;

маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари — аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг диний ва дунёвий қарашларини ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари, Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган радикал ғояларга қарши миллий анъана ва қадриятларимизнинг кенг тарғиб этилишини таъминлаш, радикал диний оқимга мансуб фуқаролар ҳамда уларнинг оила аъзолари билан манзилли ишлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, жамиятда ўз ўрнини топишга яқиндан кўмаклашиш, жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик борасидаги ишларни талаб даражасида ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги «Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-4702-сон қарори билан жорий қилинган худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар кесимида рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш ишлари амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг ўринбосарлари ўзлари масъул бўлган йўналишлар бўйича туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичлари натижалари учун шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) (кейинги ўринларда — самарадорлик кўрсаткичлари) асосида баҳолаш тартиби жорий этилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ўринбосарларининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, шахсий масъулияти, ваколати ва жавобгарлиги ҳамда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ўз ичига олган намунавий низомларни тасдиқласин;

маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ўринбосарлари томонидан самарадорлик кўрсаткичлари ижроси бўйича ҳар ой оммавий ахборот воситалари, шу жумладан теле ва радио каналлар орқали ахборот берилишини ташкил этсин.

6. Белгилансинки:

маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти ҳар чорак якуни бўйича маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари ййғилишларида танқидий муҳокама қилинади ҳамда баҳоланади. Бунда, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ўринбосарлари томонидан самарадорлик кўрсаткичлари ижроси 70 фоиздан кам таъминланганда — «қониқарсиз», 71 фоиздан 90 фоизгача — «қониқарли», 91 фоиздан 99 фоизгача — «яхши» ҳамда 100 фоиз ва ундан юқори бўлганда «аъло» деб баҳоланади;

ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан

махаллий ҳокимликлар раҳбарлари томонидан баҳолаш натижалари тегишли таҳлилий материаллар билан бирга Вазирлар Маҳкамасига киритилади;

ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 20-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг масъул таркибий бўлинмалари билан биргаликда тақдим этилган таҳлилий материалларни тегишли раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида танқидий муҳокама қилган ҳолда ҳар бир раҳбар ўринбосари фаолиятига берилган шахсий баҳони муҳокама қилади, уларни рағбатлантиради ёки ўзига бириктирилган йўналишларда самарадорлик кўрсаткичларига эришишда масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбар ўринбосарларининг лавозимига лойиқлиги масаласини кўриб чиқади ҳамда бу тўғрисида аниқ таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ҳисобот беради;

ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 25-санасига қадар маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси ўтказилади ҳамда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ўринбосарлари рағбатлантирилади ёки уларга нисбатан интизомий таъсир чоралари кўрилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Мазкур қарор билан жорий этилаётган маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш тизими 2021 йил якунига қадар эксперимент тариқасида амалга оширилсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўтказилган эксперимент якунларига кўра 2022 йил 1 февралга қадар маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолашни ташкил этишда юзага келган муаммолар ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, мазкур тизим самарадорлигини ошириш мақсадида уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан эксперимент тариқасида туман ва шаҳарлар ҳокимликлари раҳбарлари фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаб борилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда уч ой муддатда туман (шаҳар) ҳокимлари ва улар ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш тизимини жорий этишни назарда тутувчи ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси (Кўчқоров, Умаров) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги

(Хасанов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Садиков), Давлат статистика қўмитаси (Бегалов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 ноябрга қадар маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари фаолиятини баҳолаш натижалари ва динамикаси ҳақидаги маълумотларнинг реал вақт режимида идоралараро электрон алмашинувини таъминлайдиган электрон ахборот тизимини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этилишини таъминласин.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳудудларга хизмат сафарлари давомида жойларга чиқиш, йиғилиш ўтказиш ва бошқа тадбирларни амалга оширишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг тегишли ўринбосарларини жалб қилади. Мазкур тадбирларга ҳудудлар раҳбарларини жалб қилиш фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ва Бош вазирнинг бевосита топшириғи асосида амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўз ваколатига киритилган тегишли йўналишлар ва масалалар бўйича барча даражадаги ҳокимликлар томонидан стратегик ва устувор вазифалар, тасдиқланган «йўл хариталари» ҳамда ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган дастурларнинг самарали амалга оширилишида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун таъсирчан чоралар кўради.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда ҳар йили мунтазам равишда вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарларининг малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этсин;

Ташқи ишлар вазирлиги, «Эл-юрт умиди» жамғармаси билан биргаликда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг хорижий давлатларга ўз йўналиши бўйича қисқа муддатли ўқиш ва тажриба орттиришга юборилишини таъминласин.

14. Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга ҳамда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимининг жорий этилишига масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2022 йил 1 мартга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 24 август,
ПҚ-5230-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 24 августдаги
ПҚ-5230-сон қарорига
ИЛОВА

**Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари
ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик
кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва
баҳолаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарларининг (кейинги ўринларда — раҳбар ўринбосарлари) функционал вазифалари асосида уларнинг фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (кейинги ўринларда — самарадорлик кўрсаткичлари) ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда уларга баҳо бериш тартибини белгилайди.

2. Раҳбар ўринбосарлари ҳудудда ўзига бириктирилган соҳалардаги самарадорлик кўрсаткичларига эришиш, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикасининг Президенти олдида шахсан жавобгар ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобдордир.

Раҳбар ўринбосарларининг ҳудудларни ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини самарали ҳал қилиш бўйича фаолияти ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан мувофиқлаштирилади.

3. Раҳбар ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**2-боб. Раҳбар ўринбосарларининг самарадорлик
кўрсаткичларини ҳамда уларни баҳолаш мезонларини
ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш**

4. Раҳбар ўринбосарларининг келгуси йил учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини шакллантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли давлат бошқаруви органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари томонидан ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ самарадорлик кўрсаткичлари рўйхати асосида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ҳамда тасдиқланган асосий вазифа ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда маълумотлар тайёрланади ҳамда ҳар йили 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига киритилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги тақдим қилинган маълумотларни умумлаштириш асосида кейинги йилнинг 1 январига қадар ҳар бир раҳбар ўринбосари кесимида самарадорлик кўрсаткичларини пухта қайта ишлаган ҳолда уларни тасдиқлаш бўйича ҳужжат лойиҳасини (кейинги ўринларда — лойиҳа) вазирлик ва идоралар билан белгиланган тартибда келишади ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади.

6. Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари котибияти Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда ҳар йили 5 январга қадар лойиҳани тегишли давлат дастурлари, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш дастурлари, республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциялари ва стратегияларида белгиланган асосий мақсад ва вазифаларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганади ҳамда билдирилган қўшимча таклиф ва хулосалар асосида пухта қайта ишлайди.

7. Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари ҳар йили 10 январга қадар лойиҳани тегишли раҳбар ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичларига оид қисми бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари ёки маслаҳатчиси билан келишади ҳамда умумлаштириш учун Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари котибиятига тақдим этади.

8. Лойиҳа ҳар йили 15 январга қадар Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжати билан тасдиқланади.

**3-боб. Раҳбар ўринбосарларининг самарадорлик
кўрсаткичлари бажарилишини мониторинг қилиш ва
баҳолаш тартиби**

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳар бир раҳбар ўринбосари бўйича тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичларини амалда жорий этилганлиги ҳамда бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб боради ҳамда унинг натижаларини танқидий таҳлил қилиб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зарур ҳолларда бошқа давлат органлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси органларидан ҳар бир раҳбар ўринбосари бўйича тасдиқланган кўрсаткичларни амалда жорий этилганлиги юзасидан расмий статистик ва идоравий маълумотларни сўраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси органлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари сўровига асосан уларни тегишли статистик маълумотлар билан таъминлайди.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тегишлича Ахборот таҳлил бошқармаси ҳамда ахборот-таҳлил гуруҳлари объектив ва тасдиқланадиган маълумотлар, жумладан давлат органлари ва ташкилотларининг расмий статистик ва бошқа маълумотлар, жойига чиққан ҳолда ўтказилган ўрганишлар натижалари асосида ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10 санасига қадар раҳбар ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши натижаларини умумлаштиради.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10 санасидан кечиктирмасдан ҳисобот даври якуни бўйича раҳбар ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичлари бажарилишининг якуний натижаларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15 санасига қадар ўз мажлисида кўриб чиқиш ҳамда ҳар бир раҳбар ўринбосарига шахсий баҳо бериш учун киритади.

Тақдим қилинган маълумотларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари томонидан ўрганишлар ўтказилиши мумкин.

12. Раҳбар ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши натижаларини баҳолаш, тегишли ўринбосарнинг самарадорлик кўрсаткичларининг ҳар бири учун олинган фоизларни қўшиш йўли билан ўртача арифметик кўрсаткичлари орқали ҳисоблаб чиқариладиган ҳамда қуйидаги формулага асосан аниқланадиган умумий самарадорлик кўрсаткичи (УСК) орқали амалга оширилади:

$$\text{УСК} = (\text{СК}_1 + \text{СК}_2 + \dots + \text{СК}_n) / N$$

Бунда, СК — самарадорлик кўрсаткичлари, N — самарадорлик кўрсаткичлари сони.

13. Раҳбар ўринбосарлари томонидан самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши натижаларининг умумий самарадорлик кўрсаткичи:

70 фоиздан кам таъминланганда — «қониқарсиз»;

71 фоиздан 90 фоизгача — «қониқарли»;

91 фоиздан 99 фоизгача — «яхши»;

100 фоиз ва ундан юқори бўлганда «аъло» деб баҳоланади.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15 санасидан кечиктирмасдан ҳар бир раҳбар ўринбосари бўйича берилган баҳо натижалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар, шу жумладан тегишли ўринбосарлар масъулияти юзасидан таклифлар ҳамда бошқа таҳлилий материаллар Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

15. Ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 20 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг масъул таркибий бўлинмалари билан биргаликда тақдим этилган таҳлилий материалларни тегишли раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида танқидий муҳокама қилган ҳолда ҳар бир раҳбар ўринбосари фаолиятига берилган шахсий баҳони муҳокама қилади, уларни рағбатлантириш ёки ўзига бириктирилган йўналишларда самарадорлик кўрсаткичларига эришишда масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбар ўринбосарларининг лавозимига лойиқлиги масаласини кўриб чиқади ҳамда бу тўғрисида аниқ таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ҳисобот беради.

16. Вазирлар Маҳкамаси ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 25 санасига қадар тегишли раҳбар ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисини ўтказган ҳолда уларни рағбатлантиради ёки интизомий таъсир чоралари кўради.

17. Ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмасдан раҳбар ўринбосарлари фаолиятини баҳолаш якунлари юзасидан умумлаштирилган таҳлилий материаллар, шунингдек, бириктирилган йўналишларда самарадорлик кўрсаткичларига эришишда масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбар ўринбосарларининг лавозимига лойиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига юборилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

18. Мазкур Низом талабларининг бажарилишини таъминлаш учун ҳар бир давлат бошқаруви органи ҳамда хўжалик бирлашмасининг биринчи раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланади.

19. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**507 Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштириш тўғрисида***

Тадбиркорларнинг муаммо ва масалаларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда, инсофли солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришлари учун янада қулай шартшароитларни яратиш мақсадида:

1. 2021 йил 1 октябрдан бошлаб экспорт қилинадиган товарлар учун ишлатилган, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи суммасини солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига чет эл валютаси тушуми келиб тушишидан қатъи назар ҳисобга олиш тартиби ўрнатилсин.

2. Ўрнатилсинки:

мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган имконият охириги бир йил давомида валюта тушумларини ўз вақтида таъминлаб келаётган ва экспорт шартномалари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлиги бўлмаган — интизомли солиқ тўловчиларга татбиқ этилади;

товарлар «экспорт» божхона режими остида чиқарилган кундан эътиборан 180 календарь куни ичида валюта тушуми ёки унинг бир қисми экспорт қилувчининг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисобварағига келиб тушмаган тақдирда, қўшилган қиймат солиғининг ҳисобга олинган суммаси ёки унинг тегишли қисми белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

3. Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб:

қўшилган қиймат солиғининг салбий суммасини қоплаш (қайтариш) учун солиқ органларига ариза билан алоҳида мурожаат қилиш ҳақидаги мажбурий талаб бекор қилинади;

солиқ тўловчига тегишли солиқ даври учун солиқ ҳисоботини топширишда, солиқ органларини хабардор этган ҳолда қўшилган қиймат солиғи салбий суммасини қоплаш (қайтариш) талабини билдириш ҳуқуқи берилади.

Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев) уч ой муддатда қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шаклларида солиқ тўловчиларга қўшилган қиймат солиғининг салбий миқдорини қоплаб бериш (қайтариш) бўйича солиқ органларига мурожаат қилишни акс эттирувчи тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

4. Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев), Давлат божхона қўмитаси (М. Азимов), Ахборот технологиялари ва ком-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 августда эълон қилинган.

муникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков) билан биргаликда 2021 йил якунига қадар товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартибини ишлаб чиқсин ва мазкур тартибни тажриба тариқасида 2022 йил 31 декабргача амалиётга жорий қилсин.

5. Молия вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарор моҳияти ва мазмунининг, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали кенг тушунтирилишини ташкил қилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 24 август,
ПҚ-5231-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

508 Умумий овқатланиш ва туризм соҳаларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида*

Коронавирус пандемияси даврида умумий овқатланиш ва туризм соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида белгиланган масалалар ижросини таъминлаш мақсадида:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 августда эълон қилинган.

1. Белгилансинки, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб:

2021 йил 31 декабрга қадар умумий овқатланиш корхоналари юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилинади;

2023 йил 1 сентябрга қадар туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади.

2. Умумий овқатланиш корхоналарига маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ариза юбормасдан туриб, солиқ органларини хабардор қилган ҳолда айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва йиғимлар бўйича 2021 йил 15 август ҳолатига кўра мавжуд қарздорликни, шунингдек, барча солиқлар бўйича жарима ва пеняларни 2022 йил 1 январдан 1 июлга қадар фоизларни ундирмасдан тенг миқдорларда кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқи берилсин.

3. Тижорат банкларининг умумий овқатланиш соҳасида хизмат кўрсатувчи миқозларини молиявий соғломлаштириш учун банк хизматларининг турли хил инструментларидан фойдаланиб, уларни қўшимча қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Молия вазирлиги бир ой муддатда мазкур қарордан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 август,
ПҚ-5232-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**509 Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Тадбиркорларнинг муаммо ва тақлифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида белгиланган масалалар ижросини, шунингдек хорижий ҳамда маҳаллий инвесторлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш мақсадида:

1. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 1 октябрдан бошлаб инвесторнинг қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган, унинг ўз маблағлари улуши 25 фоиздан кам бўлмаган, инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларини (кейинги ўринларда — қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган инвестиция лойиҳалари) зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

2. Қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган инвестиция лойиҳалари доирасида ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш ишлари бўйича:

а) молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгиланади:

кириш автомобиль йўллари, ичимлик суви ва оқова сув тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларининг 90 фоизи бўйича — Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури маблағлари, 10 фоизи бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари;

электр энергияси ва газ тармоғини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — республика бюджети маблағлари ҳисобидан таъминотчи корхоналарга 5 фоиз ставкада уч йил муддатда қайтариш шарти билан ажратиладиган бюджет ссудаси маблағлари;

алоқа тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — таъминотчи корхоналар ва тадбиркорларнинг ўз маблағлари;

б) қуйидагилар:

ичимлик суви ва оқова сув тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — «Сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси» унитар корхонаси;

кириш автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — Автомобиль йўллари қўмитаси ҳузуридаги «Мин-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 августда эълон қилинган.

тақавий йўлларга буюртмачи хизмати» давлат унитар корхонаси, Тошкент шаҳрида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси;

электр энергияси билан таъминлаш ишлари бўйича — «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖнинг худудий филиаллари;

табiiй газ етказиб бериш ишлари бўйича — «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖнинг худудий филиаллари;

алоқа тармоқларини етказиб бериш ишлари бўйича — «Ўзбектелеком» АК ва унинг худудий ташкилотлари буюртмачи этиб белгиланади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган инвестиция лойиҳалари доирасида:

бюджет ссудаси маблағлари электр энергияси тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖларга, табiiй газ тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖларга ажратилади;

автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармалари ҳузуридаги автомобиль йўлларини ривожлантириш жамғармалари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Белгилансинки, мазкур қарор техник-иқтисодий асосларига кўра инвесторларнинг ўз маблағлари ҳисобидан муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ўзини оқламайдиган инвестиция лойиҳаларига татбиқ этилади.

5. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б. Воитов) Энергетика вазирлиги (А.С. Султанов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Ш.С. Хидоятлов) ва Транспорт вазирлиги (И.Р. Махкамов) билан биргаликда икки ҳафта муддатда ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун зарур бўлган қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган инвестиция лойиҳаларининг дастлабки манзилли рўйхатини ҳамда тегишли ҳисоб-китобларни шакллантириб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган инвестиция лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун бюджет маблағларини ўз вақтида ажратиш бўйича молия вазири Т.А. Ишметов ҳамда ажратилган маблағларни ўз вақтида ўзлаштириш ва зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун энергетика вазири А.С. Султанов, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш.С. Хидоятлов ва транспорт вазири И.Р. Махкамов шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган инвестиция лойиҳаларини зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин:

инвестиция лойиҳасини амалга ошираётган талабгорлар томонидан ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун мурожаат қилиш тартиби;

инвестиция лойиҳаларининг қиймати ва инфратузилма билан таъминлаш учун зарур харажатларнинг мутаносиблигини экспертиза қилиш тартиби;

инвестиция лойиҳаси жойлаштириладиган майдоннинг марказлашган тармоқларга уланиши учун оптимал ҳудудда жойлашганлиги ҳамда ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминланиши иқтисодий-молиявий самарадорлигини баҳолаш мезонлари;

инвестиция лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг хулоса бериш тартиби ва муддатлари;

ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаб берилгандан сўнг инвестиция лойиҳасининг амалга оширилишини мониторинг қилиш тартиби.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги:

Молия вазирлиги билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб, ҳар йили Давлат бюджетининг асосий параметрларини шакллантиришда қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган инвестиция лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш ишлари учун Давлат бюджети маблағлари Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ажратилишини кўзда тутсин;

Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ҳисоб палатаси (Б. Турабов) хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган инвестиция лойиҳаларини зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатсин.

10. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов, инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б. Воитов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва С.Ў. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 август,
ПҚ-5233-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**510 Сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича махсус режимни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4996-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, сунъий интеллект технологиялари асосидаги инновацион бизнес-моделлар, махсулотлар ва хизмат кўрсатиш усуллари ривожланиши учун қулай ва мақбул экотизим яратиш, уларни белгилаб берилган устувор тармоқлар ва соҳаларда тезкорлик билан жорий этиш ва амалиётга татбиқ этиш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлигининг экспериментал инновацион тадқиқотлар доирасида Сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича махсус режимни (кейинги ўринларда — махсус режим) жорий қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

а) махсус режим этиб унинг доирасида сунъий интеллект технологияларига асосланган тажриба-синов ишларини амалга ошириш, дастурий махсулотларни ишлаб чиқиш ва хизматларни кўрсатиш (кейинги ўринларда — тажриба-синов лойиҳалари) билан боғлиқ фаолият юритувчи юридик шахслар ҳамда илмий ташкилотлар учун зарурий ташкилий-ҳуқуқий шароит яратиш, дастурий махсулотларни тажрибадан ўтказиш ва амалиётга жорий қилиш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларда енгиллик яратиш тушунилади;

б) махсус режим Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркиннинг (кейинги ўринларда — ИТ-парк) алоҳида бўғини бўлиб, унинг иштирокчилари ИТ-парк резидентлари ҳисобланади ва улар ўз фаолиятини экстерриториаллик принципи асосида амалга оширади;

тажриба-синов лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сон қарори билан тасдиқланган Сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган тажриба-синов лойиҳалари ҳамда устувор тармоқлар ва соҳалар доирасида амалга оширилади;

в) махсус режим талабгорлари учун тажриба-синов лойиҳалари доирасида фаолиятга рухсат этиш хусусиятига эга тегишли ҳужжатларни тезлаштирилган ва соддалаштирилган ҳолда олиш тизими жорий қилинади. Бунда:

махсус режим талабгорларининг аризалари беш иш куни ичида тезлаштирилган тартибда кўриб чиқилади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 августда эълон қилинган.

рухсат этиш хусусиятига эга тегишли хужжатларни олиш учун талаб этиладиган хужжатлар рўйхати ваколатли давлат органи томонидан қисқартирилади;

рухсат этиш хусусиятига эга тегишли хужжатларни олиш учун белгиланган тўлов миқдорлари 2 бараварга камайтирилади;

ваколатли давлат органи тегишли фаолиятни амалга оширишнинг камайтирилган талаблари ва шартларини белгилайди;

г) махсус режим иштирокчиларига тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш доирасида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шартшароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5099-сон Фармони билан IT-парк резидентларига берилган имтиёзлар ва преференциялар татбиқ этилади;

ўз ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга кетган харажатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4862-сон қарориди белгиланган тартибда давлат томонидан компенсация қилинади;

зарур бўлган маълумот ҳамда хужжатларни (давлат сирлари ва қонун билан қўриқланидиган бошқа сир белгиларига эга бўлган маълумотлар бундан мустасно), шунингдек, шахсга доир эгасизлаштирилган маълумотларни вазирлик, идора ва ташкилотлардан олиш ҳуқуқи берилади;

д) махсус режим фаолиятининг муддати беш йилни ташкил этади ҳамда унинг фаолият муддатини узайтириш «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштириш комиссияси)нинг қарори асосида амалга оширилади;

е) тажриба-синов лойиҳалари бир йилдан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

3. Белгилансинки:

а) махсус режим иштирокчилари:

лоийҳалар тажриба-синовдан муваффақиятли ўтказилгандан сўнг уларни тўлиқ амалиётга жорий қилишга рухсат олиши мумкин;

маҳсулотни реализация қилишда ва хизматларни кўрсатишда буюртмачиларни тажриба-синовдан ўтказилаётганлиги тўғрисида огоҳлантиради ва уларнинг тегишли рўйхатини юритади;

тезлаштирилган ва содаллаштирилган тартибда олинган рухсат этиш хусусиятига эга тегишли хужжатларда белгилаб берилган талаблар ва мажбуриятларга тўлиқ риоя қилиши шарт;

б) махсус режим ва унинг иштирокчилари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришни таъминлашга масъул — Мувофиқлаштириш комиссияси;

в) махсус режим фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқариш соҳасидаги ишчи орган — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳисобланади.

Бунда, махсус режим иштирокчиларининг илмий фаолиятини кузатиб боришга Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ходимлари жалб қилинади.

4. Белгилаб қўйилсинки, махсус режим фаолияти бўйича масъул органлар ва тузилмалар қуйидаги асосий функцияларни бажаради:

а) Мувофиқлаштириш комиссияси:

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан махсус режим доирасида амалга ошириладиган ишларнинг ўз вақтида бажарилишини тизимли назорат қилади;

тегишли ваколатли давлат органи билан тузилган шартномалар асосида махсус режим иштирокчилари томонидан шахсга доир эгасизлаштирилган маълумотларни қайта ишлаш тартиби ва шартларини, шунингдек, уларга қўйиладиган талабларни белгилайди;

тегишли ваколатли давлат органи билан биргаликда махсус режим иштирокчиларига сунъий интеллект технологияларига асосланган дастурий маҳсулотларни тажрибадан ўтказиш ва амалиётга жорий қилиш жараёнида енгиллик яратиш ҳамда иштирокчиларнинг рухсат этиш хусусиятига эга тегишли ҳужжатларни тезлаштирилган ва содалаштирилган тартибда олишини таъминлайди;

амалдаги қонуности ҳужжатларининг тегишли нормаларини тажриба-синов лойиҳалари муддатида истисно қилиш ҳақида қарор қабул қилади;

сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқиш, яратиш, амалга ошириш ва фойдаланишнинг алоҳида шартлари ҳамда тартибини белгилайди;

б) ишчи орган:

амалдаги қонуности ҳужжатларининг тегишли нормаларини тажриба-синов лойиҳалари муддатида истисно қилиш тартиблари бўйича таклифларни тайёрлайди;

махсус режим иштирокчиларига тажриба-синов лойиҳалари доирасида зарур бўладиган маълумотлар рўйхатини шакллантиради;

махсус режимнинг эксперт кенгашлари низоми, шунингдек, унинг иштирокчиси билан тузиладиган фаолият шартлари тўғрисидаги шартнома шаклини тасдиқлайди;

тажриба-синов лойиҳаларини татбиқ этишда юзага келадиган тўсиқларни бартараф этиш мақсадида иштирокчиларга махсус режим доирасида енгиллик яратиш бўйича таклифларни тайёрлайди;

махсус режим жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ҳамда кўриб чиқиш учун ваколатли давлат органига тақдим қилади;

махсус режим таркибига иштирокчиларни киритиш ва чиқариш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Мувофиқлаштириш комиссиясига тақдим қилади;

махсус режим иштирокчиларини тажриба-синов лойиҳалари муддати давомида ташкилий-ҳуқуқий, консультатив қўллаб-қувватлайди;

в) Мувофиқлаштириш комиссияси ва тегишли ваколатли давлат орган-

нинг қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари:

шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда, шахсга доир эгасизлаштирилган маълумотларни тақдим этади; рухсат этиш хусусиятига эга тегишли ҳужжатларни тезлаштирилган ва содалаштирилган тартибда беради.

5. Вазирлар Маҳкамаси йигирма кун муддатда қўйидагиларни назарда тутадиган Сунъий интеллект технологияларини қўллаб-қувватлаш учун махсус режимни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин:

махсус режим ишчи органининг фаолиятини ташкил этиш;

талабгорлар томонидан махсус режимда иштирок этиш учун ариза билан мурожаат қилиш, аризани кўриб чиқиш, уларни махсус режим иштирокчилари сифатида рўйхатдан ўтказиш тартиби ва иштирокчи мақомидан маҳрум қилиш асослари;

талабгорларга қўйиладиган талаблар, махсус режим иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, уларга берилаётган имтиёзлар ва преференциялар рўйхати;

устувор йўналишлардаги соҳалар бўйича эксперт кенгашлари таркиблари.

6. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш бўйича ишларни ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

8. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир маслаҳатчиси О.М. Умаров ҳамда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 август,
ПҚ-5234-сон

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**511 Жиззах шаҳрида Қозон Федерал университети филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Қозон Федерал университетининг халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий таълим дастурлари асосида чуқур фундаментал ва илмий-амалий билимга эга юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ҳудудий инновацион-таълим тармоғини яратиш, рақамли таълим тизимини шакллантириш ҳамда иш берувчиларнинг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда Қозон Федерал университетининг (Россия Федерацияси) (кейинги ўринларда — Университет) Жиззах шаҳрида Қозон Федерал университетининг филиалини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қўйидагилар Жиззах шаҳридаги Қозон Федерал университетининг филиали (кейинги ўринларда — Филиал) фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

олий таълим сифатига қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқ геология, дастурий инжиниринг, иқтисодиёт, машинасозлик, даволаш иши, стоматология, фармация, тиббий биокимё каби бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

замонавий таълим дастурлари ва ўқитиш шакллари ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, ўқув жараёнига илгор педагогик ва ахборот технологияларини, илм-фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини татбиқ этиш, ўқув-педагогик салоҳиятни ривожлантириш;

фундаментал, илмий-амалий ва инновацион тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

илм-фан ва таълимнинг сифатини ошириш, уларнинг узвийлигини таъминлаш, жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига мақсадли интеграциялашув орқали мутахассислар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари ва бизнес-ҳамжамиятлари билан таълим ҳамда илм-фан соҳаларида узоқ муддатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

3. Белгилансинки, Филиал:

Университетнинг юридик шахс мақомига эга бўлган таркибий бўлинмаси ҳисобланади;

кадрларга бўлган эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда олий таълимнинг

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 августда эълон қилинган.

сифатига қўйиладиган халқаро талабларга мос таълим дастурлари асосида барча даражадаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади;

таълим жараёнини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан тасдиқланадиган ўқув режа ва таълим дастурлари асосида олиб боради;

кадрлар тайёрлашни кундузги, сиртки ва бошқа таълим шаклларида олиб боради;

таълим фаолиятини 2022/2023 ўқув йилидан бошлайди;

абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказишни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширади;

битирувчиларига Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясида олий маълумот сифатида тан олиннадиган Университетнинг белгиланган намунадаги дипломини беради;

фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ амалга оширади.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, Университет:

Филиал таълим жараёнига илғор педагогик ҳамда ахборот технологияларини, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этади;

Филиал профессор-ўқитувчилари таркибининг 40 фоиздан кам бўлмаган миқдорини Университет ва хорижий олий таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчиларини дарс беришга ва илмий фаолиятга жалб этиш орқали шакллантиради;

Филиал профессор-ўқитувчиларини маҳаллий ҳамда хорижий олий таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари ва етакчи корхоналарда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини тизимли равишда ташкил этади;

Филиалнинг кутубхона фондиди шакллантириш ҳамда уни замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий-техник адабиётлар билан тўлдиришга кўмаклашади;

Филиалнинг зарур ўқув, лаборатория ва илмий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишини таъминлайди;

Филиалнинг профессор-ўқитувчилари ва талабаларини Н.И. Лобачевский номидаги кутубхонанинг электрон ресурслар базасидан фойдаланиш имконияти билан таъминлайди.

5. Белгилансинки:

Филиалга бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул параметрлари манфаатдор вазирлик ва идораларнинг кадрларга бўлган реал эҳтиёжини ҳисобга олиб, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда Университет билан келишилган ҳолда Филиал томонидан тасдиқланади;

Филиалга талабаларни ўқишга қабул қилиш давлат гранти ҳамда тўлов-

контракт асосида амалга оширилади. Бунда, давлат гранти асосида таълим олган Филиал битирувчилари уч йилдан кам бўлмаган муддат мажбурий ишлаб бериш шарти билан Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ва ташкилотларига тақсимланади;

Филиалда ўқитишнинг тўлов-контракт миқдори Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Университет билан келишилган ҳолда Филиал томонидан белгиланади;

2021/2022 ўқув йилидан Университет Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали билан ҳамкорликда «Дастурий инжиниринг», «Фармация» ва «Ахборот тизимлари ва технологиялари» таълим йўналишлари бўйича қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни бошлайди ҳамда мазкур йўналишлар бўйича ўқишга қабул қилинган талабалар келгусида ўқишларини Филиалда давом эттиради;

Филиал ўттиз суткадан ортиқ муддатга Университетдан жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатлари Россия Федерациясининг олий таълим ташкилотлари учун белгиланган нормаларга мувофиқ қопланади;

Филиал ўқув жараёнининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Университетдан узоқ муддатга жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиалнинг дарс жараёнида фойдаланиладиган махсус ускуналар ва дастурлар билан ишлаш кўникмасига эга, юқори малакали ходимлари учун Филиалнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан устамалар белгиланиши мумкин;

Филиалга илмий фаолият олиб бориш учун таклиф этиладиган хорижлик профессор-ўқитувчиларнинг яшаш харажатларини тузиладиган шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифларда тўлашга рухсат берилади;

2022 йилда Филиал фаолияти йўлга қўйилган кундан бошлаб Филиални сақлаш учун бюджет маблағлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ажратилади ва кейинги йиллардан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

6. Қўйидагилар Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Филиалга ўқишга қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 30 фоизидан ошмаган ҳолда давлат гранти асосида талабаларни ўқитиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари; халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари; хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган маблағлар;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Жиззах вилояти ҳокимлиги (Э. Салиев):

Филиални Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчасида жойлашган собиқ Олий ҳарбий авиация билим юрти бино ва иншоотларининг бир қисмига ижара ҳақининг ноль ставкаси асосида жойлаштирсин;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда симуляцион ва имитацион ўқитиш усуллари асосида Филиалда оилавий поликлиника ташкил этсин.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) Жиззах вилояти ҳокимлиги (Э. Салиев) ва Университет билан ҳамкорликда:

2021 йил якунига қадар Филиалнинг таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, Филиални белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин;

2022/2023 ўқув йили бошлангунига қадар Филиални танлов асосида малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминласин;

2022 йилнинг якунига қадар Филиал таркибида OpenLab илмий-тадқиқот лабораторияси фаолиятини ташкил этсин.

OpenLab лабораторияси республика ва чет эл илмий тадқиқотчилари учун фундаментал ва амалий илмий-тадқиқотларни амалга оширишга мўлжалланган, замонавий жиҳозланган илмий инфратузилмага эга марказ сифатида фаолият юритиши инобатга олинсин.

9. Белгилансинки, Филиалга ажратилган:

бино, иншоотлар ва ҳудудларни сақлаш билан боғлиқ барча харажатлар, шу жумладан коммунал тўловлар Филиал маблағлари ҳисобидан қопланади;

ўқув хоналари, талабалар турар жойи ва хорижий профессор-ўқитувчилар меҳмонхонасини таъмирлаш ва жиҳозлаш Филиалга 2022 йилда республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Молия вазирлиги мазкур банддаги тегишли чора-тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни 2022 йилдаги Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Жиззах вилоят ҳокимлигининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ Филиал учун бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишларини 2023 — 2025 йилларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритсин.

10. 2024 йил 1 январга қадар Филиални реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиётлар, инвентарлар, қурилиш материаллари ва моддий-техник ресурслар божхона божидан озод этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва

шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ш. Иноятов ва Жиззах вилояти ҳокими Э.А. Салиев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 август,
ПҚ-5237-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**512 Тошкент шаҳрида «С.А. Герасимов номидаги Бутун-
россия давлат кинематография институти» федерал
давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали фаолияти-
ни ташкил этиш тўғрисида***

Кинематография соҳаси учун юқори малакали ижодий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, таълим муассасаларининг олий маълумотли ижодий кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида:

1. 2018 йил 19 октябрда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида «Ўзбекистон Республикасида Россия Федерациясининг олий таълим бўйича таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиши тўғрисида»ги битим тuzилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кинематография агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ва «С.А. Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институти» федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) (кейинги ўринларда — БДКИ) Тошкент шаҳрида «С.А. Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институти» федерал

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 августда эълон қилинган.

давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Қўйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

кинокомпаниялар ва киностудияларнинг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда Россия Федерацияси Олий таълим федерал давлат таълим стандартларига мувофиқ олий таълим соҳасида юқори малакали ижодий кадрларни тайёрлаш;

замонавий таълим дастурлари, ўқитиш услубларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини ҳамда фаннинг сўнгги ютуқларини татбиқ этиш, педагогик салоҳиятни ривожлантириш;

кино санъати бўйича тадқиқотлар ўтказиш, ўқув жараёни сифатини яхшилашга йўналтирилган мақсадли инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ўқув жараёнига масофавий таълим технологияларини кенг жорий этиш, электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари ва бизнес ҳамжамиятлари билан таълим ҳамда илм-фан соҳаларида узоқ муддатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

4. Белгилансинки, Филиал:

БДКИ устави ва БДКИ томонидан тасдиқланган Филиал тўғрисидаги низом асосида фаолият юритади;

БДКИнинг юридик шахс мақомига эга бўлган алоҳида таркибий бўлинмаси — олий таълим муассасаси ҳисобланади;

таълим фаолиятини 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб амалга оширади;

кадрларга бўлган эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда олий таълимнинг сифатига қўйиладиган талабларга мос таълим дастурлари асосида Россия Федерацияси олий таълим федерал давлат таълим стандартларига мувофиқ, барча даражадаги мутахассисликлар ва йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлашни амалга оширади;

таълим жараёнини Кинематография агентлиги билан келишган ҳолда БДКИ томонидан тасдиқланадиган ўқув режа ва дастурлар асосида рус тилида олиб боради, шу билан бирга унда ўзбек тили ва Ўзбекистон тарихи ўқитилади;

таълим фаолиятини кундузги, сиртки таълим шаклида ҳамда ахборот коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда масофавий тарзда олиб боради;

абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказишни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Кинематография агентлиги билан келишган ҳолда БДКИ томонидан белгиланган қоидалар ва муддатларга мувофиқ амалга оширади;

битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот сифатида тан олинадиган Россия Федерацияси давлат намунасидаги БДКИ дипломини беради;

фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ амалга оширади.

5. Маълумот учун қабул қилинсинки, БДКИ:

илғор педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига жорий этади;

Филиал профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

Филиалнинг кутубхона фондини шакллантиради ва уни замонавий ўқув-методик ҳамда илмий-педагогик адабиётлар билан тўлдириб боради, шу жумладан БДКИ ахборот-ресурс базасидан фойдаланиш имкониятини яратди.

6. Қуйидагилар:

Тошкент шаҳридаги «С.А. Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институти» федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш бўйича Ташкилий комиссия таркиби 1-иловага* мувофиқ;

Тошкент шаҳридаги «С.А. Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институти» федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалининг Васийлик кенгаши таркиби 2-иловага* мувофиқ;

Тошкент шаҳридаги «С.А. Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институти» федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалининг асосий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ташкилий комиссияга 2021 йил 20 сентябргача қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Филиални жойлаштириш учун бино ва иншоотларни тартибга солиш;

Филиал талабалари ва ўқитувчилари учун талабалар турар жойини тайёрлаш;

Филиални жойлаштириш ва зарур инвентарлар, мебеллар, замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, кутубхона фондлари, компьютер техникаси ва бошқалар билан таъминлаш.

8. Белгилансинки:

Филиалга қабул режаси тегишли кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда Россия Федерацияси Маданият вазирлиги, БДКИ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Филиалнинг Васийлик кенгаши қарори билан тасдиқланади;

давлат гранти асосида таълим олган Филиал битирувчилари беш йилдан кам бўлмаган муддатга мажбурий ишлаб бериш шарти билан кинокомпаниялар, телерадиокомпаниялар ёки кино ва телевидение соҳасидаги ташкилотларга тақсимланади;

Филиалга БДКИдан жалб қилинадиган профессор ва ўқитувчиларнинг хизмат сафари ва меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари ўқув жараёнининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади;

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимларнинг ойлик маоши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ белгиланади;

Филиалда ўқитишнинг тўлов-контракт миқдори БДКИ томонидан Кинематография агентлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади;

Филиалга ўқитувчилик ва илмий фаолият олиб бориш учун таклиф этиладиган хорижий профессор-ўқитувчиларнинг яшаш ҳамда транспорт харажатларини тузиладиган шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифларда тўлашга рухсат берилади;

Филиалга ажратилган бино, иншоотлар ва ҳудудларни сақлаш билан боғлиқ барча харажатлар, шу жумладан коммунал тўловлар Филиал маблағлари ҳисобидан қопланади;

Филиалга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 1 та енгил автотранспорт воситасини сотиб олиш ва сақлаш учун лимит ажратилади.

9. Филиал фаолиятини молиялаштириш қўйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

Филиалга 2021/2022 ўқув йилида ўқишга қабул қилинган талабалар умумий сонининг 50 фоизидан, кейинги ўқув йилидан бошлаб 30 фоизидан ошмаган ҳолда давлат гранти асосида талабаларни ўқитиш учун Кинематография агентлигига ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари; ижодий фаолият субъектлари ўртасида тузиладиган фуқаролик ҳуқуқий шартномалар;

шартномалар;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

2021 йилда Филиалнинг жорий сақлаш билан боғлиқ харажатлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Кинематография агентлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади ва 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

10. Филиал «Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси» ДУКнинг Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 1А-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотларига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

11. Кинематография агентлиги (Ф.Ф. Абдухаликов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х. Тошқулов) ҳамда БДКИ билан ҳамкорликда:

бир ой муддатда Филиалнинг таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, Филиални белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин;

Филиалнинг тузилмаси ва штат жадвалини тасдиқласин;

ўқув йили бошлангунига қадар Филиални танлов асосида малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминласин.

12. Васийлик Кенгашининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

талабаларнинг турли шаклдаги амалиётини самарали ташкил этиш, Филиал битирувчиларини ишга жойлаштириш, меҳнат бозорининг кейинги ривожини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар ва ижодий кадрлар тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини белгилашда кўмаклашиш;

Филиал фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш учун хайрия, техник кўмак маблағларини (грантларни) ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш;

Филиалнинг моддий-техник, ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий павильон ва студия ускуналари ва ўқув-методик адабиётлар билан жиҳозлаш, ижтимоий инфратузилмасини яхшилашга кўмаклашиш;

талабаларни, энг аввало, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш;

иктидорли талабаларни ўқитиш учун стипендияларни молиялаштириш;

талабаларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва талабалар турар жойида бўш вақтларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг дам олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш;

истиқболли талабаларни танлов асосида БДКИ ва соҳага ихтисослашган хориждаги бошқа етакчи таълим ташкилотларига стажировка ўташга юбориш учун танлаб олишни ҳамда уларга хорижда таҳсил олиш учун махсус стипендиялар ажратишни ташкил этиш.

13. Филиал талабалари ва ходимларига Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Медиа марказидаги мавжуд асбоб-ускуналардан ўқув, амалий, илмий-тадқиқот ва лаборатория ишларида бепул фойдаланишга рухсат берилсин.

14. 2024 йил 1 январга қадар Филиалнинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиётлар, инвентарлар ва моддий-техник ресурслар божхона божидан озод этилсин.

15. Кинематография агентлиги (Ф.Ф. Абдухаликов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Кинематография агентлиги бош директори Ф.Ф. Абдухаликов ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Ҳ. Тошқулов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухалимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2022 йил

1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 август,
ПҚ-5238-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 28 августдаги
ПҚ-5238-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Тошкент шаҳридаги «С.А. Герасимов номидаги Бутунроссия
давлат кинематография институти» федерал давлат бюджети
олий таълим муассасаси филиалининг асосий таълим
йўналишлари ва мутахассисликлари
РЎЙХАТИ**

1. Драматургия.
2. Продюсерлик (турлари бўйича).

Изоҳ: асосий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари рўйхатида буюртмачи ташкилотлар эҳтиёжларини ҳисобга олиб, Кинематография агентлиги ҳамда «С.А. Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институти» федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси билан келишган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ
МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

513 «Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига номзодларни қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2496-1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 36-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий тиббиёт академияси ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтининг илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш жамғармалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2013 йил 2 июлдаги 01-236-сон «Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига номзодларни қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2496, 2013 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 415-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

М. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 29 июль,
01-236-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 августда эълон қилинган.

Келишилди:

Мудофаа вазири

Б. КУРБАНОВ

2021 йил 19 июль

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ХАДЖИБАЕВ

2021 йил 14 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

514 «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 27 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3238-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги ПФ-6218-сон «Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 27 майдаги 18-2020/Б-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 августда эълон қилинган.

3238, 2020 йил 4 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий база-си, 04.06.2020 й., 10/20/3238/0712-сон) ўз кучини йўқотган деб топил-син.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 август,
40-202/Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2021 йил 29 июлдаги 01-236-сон «Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига номзодларни қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2496-1.

2. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2021 йил 25 августдаги 40-202/Б-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 27 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3238-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2013 йил 2 июлдаги 01-236-сон «Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетига номзодларни қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2496, 2013 йил 29 июль).

2021 йил 26 августда давлат рўйхатидан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 27 майдаги 18-2020/Б-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари

вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3238, 2020 йил 4 июнь).

2021 йил 26 августда давлат рўйхатидан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.